

فتح الهمان في صفات عباد الرحمن

АЛЛОҲ СУЙГАН БАНДАЛАР

Китоб:	Аллоҳ суйган бандалар (Фатхул маннон фи сифоти ибодир Раҳмон)
Муаллиф:	Ваҳид ибн Абдуссалом Болий
Таржимон:	Камолиддин Иноятуллоҳ
Таҳрир ҳайъати:	Исмоил Ёқуб Саидахмад Нуриддин
Ношир:	«Ихлос»
Саҳифаловчи:	Саид Аҳмад
Саҳифа сони:	224 бет
Нашр:	Иккинчи
«Ихлос»:	6
Тираж:	1000 дона
Тарих:	1441 ҳ. – 2020 м.
E-mail:	info@ixlos.org
Web саҳифа:	http://ixlos.org/

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг суюкли бандаларидан бўлиш ҳар бир мўминнинг орзусидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Фурқон сурасининг 63-75 оятларида суюкли бандаларининг талай сифатларини баён этган. Китобда муаллиф Шайх Ваҳид Болий ҳазратлари мазкур оятлар асосида Раҳмоннинг суюкли бандаларига оид ўн тўрт сифат хусусида сўз юритади. Мазкур сифатларни Қуръон оятлари, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадислар, саҳоба ва тобеинларнинг сўзлари билан батафсил шарҳлайди. Бу сифатларни ўрганиб, уларга амал қилган бандалар, иншааллоҳ, Аллоҳ таоло марҳамат қилгандек, **«сабр қилганлари боис жаннатдаги энг олий даражалар билан мукофотландилар. Уларни жаннатда малоикалар табрик ва саломлар билан қарши оладилар»** (Фурқон, 75).

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи суйган бандаларидан қилсин. Омин!

Ваҳид ибн Абдуссалом Болий

АЛЛОҲ СУЙГАН БАНДАЛАР



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАРЖИМОН МУҚАДДИМАСИ

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммадга салавот ва саломлар бўлсин.

Аллоҳ таолонинг фазл-марҳамати билан Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг издошлари — саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги салафи солиҳлар саъй-ҳаракати туфайли Мовароуннаҳрда яшовчи халқлар ҳам Ислом неъматига мушарраф бўлди. 19-асрда рус босқинчилари юртимизни босиб олиб, Исломдан ва шу дин билан йўғрилган урф-одатидан узоқлаштириб юборгунга қадар диёримиз «мусулмонобод» эди. Халқимиз динига муҳаббатли ва ихлосманд эди. Диннинг равнақи ва ривожини учун борини аямайдиган миллат эди. Бунинг яққол далили Исломга залворли хизмат қилган буюк муҳаддислар, фуқаҳолар, олиму фузалолар етишиб чиққанидир. Халқ ичида Аллоҳ таолонинг китоби Қуръонни яхши биладиган, ўқиб маъносини тафаккур қила оладиган, ҳадислар мазмун-моҳиятини теран англаб, шарҳлар ёза биладиган инсонлар бисёр бўлган. Араб тилини чуқур билганидан, бу тилда ижод қиладиган, ҳатто шеърлар ёзадиган аждодларимиз бўлган.

Афсуслар бўлсинким, кейинги бир аср мобайнида шундай бой исломий маданиятга эга халқ ўзгарди. Дини, урф-одатидан узоқлашди, ўзлигини унутди. Бу халққа ёт ғоялар сингдирилди, душманнинг қўштирноқ ичидаги «мадания-

ти» безаб кўрсатилди, тарихи, тили ва ҳатто алифбоси ҳам ўзгартирилди.

Динидан, тилидан узоқлаштирилган халқ асл китоби, ҳаёт дастури Қуръон маъноларини тушуниш у ёқда турсин, уни тиловат қилишни ҳам билмайдиган ҳолга келди. Умматига ғамхўр, меҳрибон пайғамбарининг ҳикмат ва ҳидоятга тўла ҳадислари мутолааси ўрнига, даҳрийликни тарғиб этувчи том-том китоблар ўқитилди. Илм ва қалам аҳли қатағон қилинди. Бой маънавий меросга эга халқ моддий ва маънавий хазиналаридан жудо этилиб, мустамлака қилинди.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, сўнги йилларда халқ уйғона бошлади. Томирида мусулмон қони оққан фарзандлар ота-бобосининг йўлига қайтиб, динини ўрганишга тушди. Бироқ кўп йиллар даҳрийлик тузуми остида яшаш ўз таъсирини ўтказмай қўймаган эди. Алифбоси ўзгартирилган халқ Қуръон ва ҳадис тили бўлмиш араб тилини билишдан маҳрум қолди. Ҳолбуки, Аллоҳни таниш, Ислом динини яхши ўрганиш учун араб тилини билиш муҳим қадам саналади.

Халқимиз араб тилини ўрганиб, мустақил равишда араб тилидаги китобларни ўқий оладиган бўлгунига қадар, илмни даъво қилмаган ҳолда, қўлингиздаги ушбу китобни таржима қилиб, сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишни Аллоҳ насиб этди. Бу неъматини учун Раббимга чексиз ҳамд-санолар айтаман. Ушбу арзимас меҳнатимни қиёмат кунини нафи тегадиган солиҳ амаллар жумласидан айлашини умид қиламан.

Ҳар бир мусулмон Аллоҳни яхши кўради ва шуни даъво қилади. Бу яхши ва муҳим, албатта. Лекин бундан ҳам муҳими Аллоҳ бизларни яхши кўришидир. Биз Аллоҳни яхши кўрсагу, Аллоҳ бизни яхши кўрмаса, бундан кўра катта кулфат, қаттиқ мусибат йўқ. Аллоҳ сақласин!

Шунинг учун Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор қиладиган амалларни, бизларни яхши кўришига, суйишига сабаб

бўладиган сифатларни билиш, билибгина қолмай шундай амалларни бажариш ва сифатларга эга бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Ана шундай олий мартаба ва буюк мақомга эришиш йўлида бизларга кўмакчи бўлар, деган умидда, мисрлик олим Ваҳид Абдуссалом Болий қаламига мансуб «Фатҳул маннон фи сифоти ибодир Раҳмон» китобини араб тилидан таржима қилдим ва уни «Аллоҳ суйган бандалар» номи билан сиз муҳтарам ўқувчиларга тақдим этмоқдаман.

Муаллиф китобда Қуръони каримнинг Фурқон сураси 63–76-оятларида санаб ўтилган Раҳмон бандаларининг ўн тўртта сифатини баён қилган.

Аллоҳни яхши кўришни даъво қилган ҳар бир банда «Раббим ҳам мени яхши кўрсин», деса, ушбу сифатларни ўзида мужассам этиши зарур.

Бу сифатлар камтарлик сифати билан бошланиб, ҳалимлик сифати билан давом этган. Таҳажжудга туриш, дўзахдан қўрқиш билан бирга, исрофгарчиликка йўл қўймай, бахиллик ҳам қилмай, мол-дунёни ўртача сарфлашга эътибор қаратилган. Табиийки, тавҳидсиз Аллоҳнинг муҳаббатига эришиб бўлмайди. Шунинг учун мазкур сифатлар ичида ёлғиз Аллоҳга бандалик қилишга алоҳида ўрин ажратилган.

Яхши сифатларга эга бўлиш билан бирга, ёмон иллатлардан четланмоқ ҳам жуда муҳим. Шу боис мазкур оятларда одам ўлдиришдан сақланиш, зинодан узоқ бўлиш уқтирилган. Инсон билиб-билмай гуноҳга қўл уриш эҳтимоли бўлгани учун тавбага шошилиш зарурлиги эслатилган.

Ёлғон гувоҳлик бермаслик, лағв-беҳуда ишлардан юз ўгириш ва Аллоҳнинг амрига бўйсунушга бўлган буйруқдан сўнг хотин ва зурриётнинг солиҳ бўлишини тилаб дуо қилишга чорланган. Ниҳоят, юқорида ўтган амалларни бажарган ва тақво қилган бандалар учун ҳозирланган мукофотлар баёни билан яқунланган.

Аллоҳ таолодан гўзал исмлари билан гуноҳдан тўсувчи тақво, жаннатга элтувчи солиҳ амал насиб қилишини, тавба-мизни қабул этишини, гуноҳлардан поклаб, Аллоҳга муҳаббатли бўлишни ва Ўзи ҳам бизни яхши кўришини сўраймиз. Аллоҳ дуоларни эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, аҳли байтларига, асҳоби киромларига ва қиёматга қадар уларга чиройли амаллар билан эргашган барчага салавот ва саломлар йўллаб, сўзимизни якунлаймиз.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Шайх Ваҳид Абдуссалом Болий 1963 йил Мисрнинг Кафр-шайх вилояти Аҳмад Сулаймон қишлоғида дунёга келган. 1985 йил «Адабиёт ва тарбия» факултетининг «Араб тили» бўлимини битирган. Қуръони каримни тўлиқ ёд олган.

Саудия Арабистонига сафар қилиб, Мадинаи мунаввара мактабларидан бирида 4 йил араб тилидан дарс берган. Даъват қилиш ва илмий маърузалар ўқиш таклифи билан Қатар, БАА, Баҳрайн каби араб ўлкаларига, Швеция, Финландия каби ғарб давлатларига сафар қилган.

Аллоҳ таоло Ваҳид Абдуссалом Болийга Ислому оламидаги талай машҳур олимлардан илму олиш неъматини ато этган. Шайх Абдулазиз ибн Боз, Шайх Муҳаммад ибн Солих Усаймин, Шайх Муҳаммад Носируддин Албоний, Шайх Абу Бакр Жазоирӣ, Шайх Атийя Муҳаммад Солим, Шайх Абдуллоҳ Бассом, Шайх Абдуллоҳ Ажлон (Масжиди ҳаром мударрисларидан), Шайх Усома Хайёт (Масжиди ҳаром хатиби), Шайх Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Жибрин («Катта уламолар ҳайъати» аъзоси, Саудия Арабистони), Шайх Жуброн ал-Фифий (Абҳодаги катта маҳкама қозиси), Шайх Жибрил Бусилий, Шайх Саид ибн Ҳаммод Шаҳрий (Абҳодаги илмий институт мударриси), Шайх Муҳаммад Сафват Нуриддин («Ансору ас-сунна» жамияти раиси, Миср), Шайх Сафват Шаводифий («Тавҳид» журнали бош муҳаррири, Миср) шулар жумласидан.

Ундан ташқари Муҳаммад Исмоил Муқаддам, Муҳаммад Яъқуб, Муҳаммад Ҳассон, Абу Исҳоқ Ҳувайний, Мустафо Адавий ва Абдулазим Бадавий каби мисрлик уламо ва даъватчилар билан мунтазам учрашиб туради.

«Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим», «Сунани Термизий», «Сунани Абу Довуд», «Муснади Аҳмад», «Муваддои Молик», «Сунани Насоий» ва «Сунани Ибн Можа» каби ҳадис тўпламларидан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга туташ санадлар билан қатор муҳаддислардан илмий ижозалар олган.

Ваҳид Абдуссалом Болий ҳафизаҳуллоҳ илм йўлида сермахсул ижод соҳиби бўлиб, «Виқоятул инсан минал жинни ваш-шайтон», «Ҳифзул-лисон», «Васф ал-жанна мин саҳиҳ ас-сунна», “Васф ан-нор мин саҳиҳ ал-ахбор», «Ат-тариқ ила валад ас-солиҳ» каби ўттизга яқин китоб муллифидир.

МУҚАДДИМА

Барча мақтов Аллоҳгагина хос, Унигина улуғлаймиз, Ундангина мадад сўраймиз, Унгагина истиғфор айтамиз, нафсимиз ва амалларимиз ёмонлигидан Ундангина паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни адаштирувчи йўқ, кимни адаштира, уни ҳидоят қилувчи йўқ. Гувоҳлик бераман, бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиздир. Яна гувоҳлик бераман, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам У зотнинг бандаси ва элчисидир.

Аммо баъд...

Сўзлар ичида энг тўғриси Аллоҳнинг сўзидир, йўллар ичида энг яхшиси Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидир. Ишларнинг энг ёмони динда янги пайдо қилинганлари, динда ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъат, ҳар бир бидъат залолат, ҳар бир залолат (қилувчиси билан бирга) дўзахдадир.

“Саҳиҳ ҳадисларда келган жаннат васфи” номли китобимни тугатгач, аксари ёш йигитлардан иборат омма орасида уни маъруза қилиб бердим. Маърузадан кейин йигитлар жаннатга нисбатан завқ-шавқлари ортиб, унга етиш йўлида бор-будларини, жону молларини беришга ҳам тайёр турганларини ва жаннатга элтувчи йўлни излаб қолганларини кўрдим. Шундан сўнг уларга жаннат йўлини ёритиб бериш мақсадида ушбу китобни ёзишга киришдим. Ва, табиий,

манба ўлароқ Аллоҳнинг нур ва ҳидоят бўлган Китоби ҳамда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳиҳ ҳадислари, саҳоба ва тобеинлардан нақл қилинган ривоятлардан фойдаландим. Китобга “Фатҳул маннон фи сифоти ибодир Раҳмон” (Аллоҳ суйган бандалар) деб ном бердим.

Сўз ва амалда хато қилиб қўйишдан сақлашини сўраб Аллоҳ таолога илтижо қиламан. Ушбу китобни фойдали ва дунёю охиратда мен учун захира бўлишини умид қиламан. Аллоҳ таоло бунга қодир зотдир. Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли оилалари ва саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин.

Ваҳид ибн Абдуссалом Болий

IXLOS
Nashriyoti

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَعِبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا ﴿٦٣﴾ وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَمًا ﴿٦٤﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا ﴿٦٥﴾ إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٦٦﴾ وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾ وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَيَخَلُدْ فِيهِ مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٠﴾ وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا ﴿٧١﴾ وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا

كِرَامًا ﴿٧٢﴾ وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يُخِرُّوا
 عَلَيْهَا صُمًّا وَعَعْمِيَانَا ﴿٧٣﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا
 مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا
 ﴿٧٤﴾ أُولَئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا
 تَحِيَّةً وَسَلَامًا ﴿٧٥﴾ خَلَائِدِينَ فِيهَا حَسُنَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا
 ﴿٧٦﴾ قُلْ مَا يَعْبَأُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ
 فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا ﴿٧٧﴾ ﴿

“Раҳмоннинг (солиҳ) бандалари ерда камтарона, тавозе билан юрадилар. Ақлсиз кимсалар уларга азият етказувчи сўзлар билан хитоб қилса, уларга яхши сўзлар билан жавоб қайтариб: «Сизларга саломатлик бўлсин», дейдилар.

Улар кечалари Раббиларига ихлос билан, сажда ва қиёмларда хокисорлик билан туриб кўп намоз ўқийдиган кишилардир.

Улар жаҳаннам азобидан нажот беришини илтижо этиб Аллоҳга дуо қиладилар. Зеро, жаҳаннам азоби дўзахийлардан ҳеч қачон ажралмагай. Албатта, жаҳаннам энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон ўриндир.

Улар молларидан эҳсон қилганларида исрофга йўл қўймайдиган ва зикналик қилмайдиган зотлардир. Уларнинг эҳсонлари исроф билан бахиллик орасида ўртача ҳолда бўлади.

Улар Аллоҳни ягона ҳақ илоҳ деб эътиқод қиладиган, Аллоҳдан бошқа бирон илоҳга дуо ва ибодат қилмайдиган, Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмайдиган, зино қилмайдиган кишилардир. Энди ким бу айтилган гуноҳи кабиралардан биронтасини қилса, охи-ратда жазога йўлиқади. Қиёмат куни унга азоб бир неча баробар қилиб берилади, азоб ичра хор ва ҳақир ҳолда абадий қолади.

Аммо ким гуноҳлардан холис тавба этиб, чин иймон келтирган ҳолда солиҳ амаллар қилса, Аллоҳ уларнинг ёмонликларини яхшиликка, гуноҳларини савобларга айлантириб қўяди. Аллоҳ тавба қилган кишининг гуноҳини кечирувчи, бандаларига раҳмли Зотдир.

Ким гуноҳларидан тавба этиб, солиҳ амаллар қилса, бу билан Аллоҳга ҳақиқий-чин қайтади ва Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади, гуноҳларини кечиради.

Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиган, ёлғон сўзланадиган суҳбатларда ҳозир бўлмайдиган кишилардир. Қачон тасодифан ботил аҳли ва беҳуда ишларга машғул бўлган кишилар ёнидан ўтиб қолсалар, юз ўгириб ўтиб кетадилар.

Улар Қуръон оятлари билан панд-насихат қилинсалар, худди кар ва кўрдек ўзларини эшитмаган ва кўрмаганга солиб олмайдилар.

Улар Аллоҳ таолога дуо қилиб: «Эй Раббимиз, бизга жуфтларимиз ва зурриётларимиздан кўзимиз қувончи бўладиган ва бизга шодлик бахш этадиган ҳолатларни ато этгин ва бизларни бошқалар учун яхшиликларда эргашиладиган намуна қилгин», деб сўрайдилар.

Мазкур сифатлар билан безанган бандалар тоат-ибодатларда сабр қилиб турганлари сабабли жаннатдаги энг олий даражалар билан мукофотланадилар. Уларни жаннатда малоикалар табрик ва саломлар билан кутиб оладилар. Жаннатда яхши ҳаёт ва ҳар қандай офатлардан саломатликка эришадилар. Улар унда абадий қоладилар. Жаннат нақадар яхши қароргоҳ ва нақадар гўзал маскандир” (Фурқон, 63-76)¹.

IXLOS
Nashriyoti

¹ Ушбу китобда ояти карималар бир оз тафсири билан эркин таржима этилди (Тарж.).

Биринчи сифат

КАМТАРЛИК

Аллоҳ таоло суюкли бандаларини дастлаб камтарлик билан сифатлаб бундай деди: **“Раҳмоннинг (солиҳ) бандалари ерда камтарона, тавозе билан юрадилар”**.

Камтарлик сифатини яхши англаш учун унинг зидди бўлган кибр нималигини билиш зарур. Қуйида кибр мазаммат қилинган оятларни келтириб ўтамыз:

Аллоҳ таоло деди: **“Менга тоат-ибодат қилишдан тақаббурлик қилган ва одамларга кибр билан муносабатда бўлган кимсаларнинг дилларини Ўз улуғлигим, шариатим ва ҳукмларимни кўрсатувчи далил-ҳужжатларни тушунишдан буриб қўяман”** (Аъроф, 146).

“Аллоҳ таоло бу талашиб-тортишаётган кимсаларнинг қалбларини ҳидоятдан тўсиб, залолат билан муҳрлаб қўйгани каби ўзининг тавҳиди ва тоатидан кибру ҳаво қилувчи, кўп зулму тажовузлари билан зўравонлик қилувчи ҳар бир кимсанинг қалбини ҳам ана ўшандай муҳрлаб қўйгай” (Ғофир, 35).

“Аллоҳнинг тавҳидига ва Аллоҳга ибодатни холис қилишга иқрор бўлмайдиган ҳар қандай мутақаббир ҳалок бўлди” (Иброҳим, 15).

“Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда хору ҳақир ҳолда жаҳаннамга киргайлар” (Ғофир, 60).

“Аллоҳ азза ва жалла Унга ибодат қилишдан ва бўйин эгишдан кибр қилувчи кимсаларни ёқтирмайди” (Наҳл, 23).

“Аллоҳ таолонинг ягона ҳақ илоҳ эканини инкор этган ҳар қандай кимсаларга уларни таҳқирлаб ва ерга уриб: «Ана энди жаҳаннам эшикларидан киришлар. Унда абадий қоласизлар. Аллоҳга иймон келтиришдан, Унинг шариатига амал қилишдан кибру ҳаво қилганларнинг оқибати нақадар ёмон!» деб айтилади” (Зумар, 72).

Кибрни қораловчи оятлар яна жуда кўп.

Энди кибрни қоралаб, камтарликни мадҳ этувчи ҳадислардан келтирамиз:

Иёз ибн Ҳимор разияллоҳу анху ривоят қилади, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳ таоло менга ваҳий қилиб камтарин бўлишингизни буюрди. Биров бировга кибр қилмасин ва биров бировга зулм этмасин”*².

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Садақа қилиш мол-мулкни камайтирмайди. Аллоҳ таоло бандага кечиримлилиги сабаб азизликни зиёда қилади, бирон киши Аллоҳ учун тавозели бўлса, Аллоҳ уни албатта юксалтиради”*³.

Ибн Аббос разияллоҳу анхумо ривоятида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ҳар бир одам бошида тизгин бўлиб, у бир фаришта қўлидадир. Агар одам тавозе қилса, фариштага: «Унинг мартабасини юқори кўтар», дейилади. Агар у кибр қилса, фариштага: «Унинг қадрини пасайтир», дейилади”*⁴.

Жобир разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Менга*

² Муслим ривояти.

³ Муслим (16/141), Термизий (3/254) ривояти.

⁴ Табароний ривояти. Мунзирий “Тарғиб”да (5/182) ва Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (8/82) ҳасан деган.

энг суюмли бўлганингиз ва қиёмат куни менга яқин ўтирадиганингиз ахлоқи гўзал бўлганингиздир. Мен учун энг суюксиз ва қиёмат куни мендан энг узоқда ўтирадиганингиз сергап, мақтанчоқ ва мутакаббирлардир”⁵.

Абу Саид ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумодан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ азза ва жалла: «Азизлик изорим, кибриё (мутакаббирлик) ридоимдир, ким Мен билан буларни талашса азобга гирофтор қиламан», деди”⁶.

Ҳориса ибн Ваҳб разияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Дўзахийлар кимлиги ҳақида хабар берайми? Улар ҳар бир қўпол, фожир ва мутакаббир кимсалардир», деганларини эшитдим”⁷.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир тошбағир, манман, мутакаббир ва бахил кимса дўзах аҳлидир. Жаннат аҳли эса заиф ва бечораҳол кишилардир”, деганлар⁸.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Жаннат билан дўзах тортишиб қолди. Дўзах: «Менга зўравон ва мутакаббирлар киради», деса, жаннат: «Менга заиф ва мискин мусулмонлар киради», деди. Аллоҳ уларнинг ўртасида ажрим қилиб: «Жаннат, сен Менинг раҳматимсан, Ўзим истаган кишини сенга киритиб марҳамат қиламан. Дўзах, сен Менинг азобимсан, Ўзим хоҳлаган кишиларни сенга киритиб азоблайман. Иккалангиз ҳам тўлиб-тошасиз», деди”⁹.

⁵ Термизий ривояти.

⁶ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 16/173.

⁷ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

⁸ Аҳмад ривояти. Албоний “Ас-силсила ас-саҳиҳа”да (1741) саҳиҳ деган.

⁹ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 17/181.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *“Уч тоифа инсон бор, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмайди, уларни покламайди ва уларга қарамайди, уларга аламли азоб бўлади. Улар зинокор кекса, ёлғончи подшоҳ ва мутақаббир камбағалдир”*¹⁰.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: *“Кимнинг қалбида хантал доничалик кибр бўлса, Аллоҳ уни юзтубан ҳолида дўзахга киргизади”*»¹¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: *“Қалбида заррача кибр бўлган киши жаннатга кирмайди”*. Бир киши деди: “Инсон либоси, пойабзали чиройли бўлишини яхши кўради. (Шу ҳам кибрга кирадими?)”. У зот айтдилар: *“Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Кибр дегани ҳақни қабул қилмаслик ва одамларни наст санашидир”*¹².

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоятида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Сизлардан илгари яшаб ўтган бир кишини такаббурлик билан изорини судраб юргани учун ер ютди. Энди у қиёматга қадар ер қаърига кириб кетаверади”*¹³.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан қилинган бошқа бир ривоятга кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Кийимини такаббурлик билан судраб юрган кишига қиёмат куни Аллоҳ таоло қарамайди”*, дедилар¹⁴.

¹⁰ Муслим ривояти, Нававий шарҳи, 2/115.

¹¹ Аҳмад ривояти. Мунзирий “Ат-тарғиб”да айтишича, ровийлари саҳиҳ ҳадис ровийларидир. Ироқий “Таҳриж ал-Ихё”да (11/1934): “Санади саҳиҳ”, деган.

¹² Муслим ривояти.

¹³ Бухорий ривояти.

¹⁴ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Салама ибн Акваъ разияллоҳу анху айтишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Киши кибру ҳаво билан ўзини юқори тутар экан, у мутакаббирлар қаторига ёзиб қўйилади. Натижада уларга етган уқубатлар унга ҳам етади*”, деганлар¹⁵.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анхумо ривоятида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Қиёмат куни мутакаббирлар одам кўринишида, қумурсқа ҳажмида қайта тирилади. Уларга ҳар тарафдан хорлик келади. Улар жаҳаннамдаги «Булас» деб номланадиган зиндонга ҳайдалади. Дўзах ўти уларни қамраб олади. Улар дўзах аҳлидан оққан қон ва йирингдан суғорилади*”, деганлар¹⁶.

Кибр ва мутакаббирлар мазаммат қилинган ривоятлар

Абу Бакр разияллоҳу анху деди: “Бирон кимса ҳеч бир мусулмонни камситмасин. Мусулмонларнинг энг ҳақири Аллоҳ наздида улуғдир”.

Ваҳб ибн Мунаббих раҳимаҳуллоҳ деди: «Аллоҳ таоло Адн жаннатини яратгач: “Сен барча мутакаббир кимсаларга ҳаромсан”, деди».

Аҳнаф ибн Қайс раҳимаҳуллоҳ деди: “Одам боласи қизик-да. Ўзи икки марта сийдик йўлидан чиққану, яна кибрланади-я!”.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ажабланарлиси шуки, одам боласи ҳар куни қўли билан нажосат ерларини бир ё икки маротаба ювади ва яна осмонлару ерни бўйсундирган Зотга қарши чиқади”.

¹⁵ Термизий ривоят қилган ва ҳасан деган, 3/244.

¹⁶ Насойи ва Термизий ривояти, Термизий ҳасан деган.

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн раҳимаҳуллоҳ деди: “Кимнинг қалбига кибр кирадиган бўлса, сўзсиз шунча миқдорда ақли камаяди: кам бўлса кам, кўп бўлса кўп”.

Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳумо деди: “Шайтоннинг тузоқ ва қопқонлари бор. Аллоҳнинг неъматларига ношукрлик қилиш, Аллоҳ берган нарсалар билан фахрланиш, Аллоҳнинг бандаларини менсимаслик ва Аллоҳ учун бўлмаган ўринларда хоҳиш-истакка эргашиш унинг тузоқ ва қопқонларидандир”.

Мутакаббирларнинг даражалари

1. Аллоҳга кибр қилувчилар

Бундайлар мутакаббирларнинг энг ёмони бўлиб, Аллоҳ борлигига ишонмайдиган, кофир, саркаш кимсалардир. Илгари ўтган ва ҳозирда яшаётган даҳрийлар (жумладан, коммунистлар) каби. Баъзан буларнинг туғени ҳаддан ошиб, ҳатто илоҳликни даъво қилишга ҳам боради. Иброҳим алайҳиссалом билан худоман деб талашган Намруд каби.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, Иброҳим алайҳиссалом билан Аллоҳ таолонинг тавҳиди ва рубубияти хусусида талашиб-тортишган кишининг ҳолидан кўра ҳам қизикроқ ҳолни кўрганмисиз?! Чунки у Аллоҳ унга подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб, зўравонлик қилиб, Иброҳимдан: «Ким сенинг Раббинг?» деб сўради. Иброҳим алайҳиссалом: «Менинг Раббим махлуқотларга ҳаёт бахш этадиган ва уларни ўлдирадиган Зотдир. Тирилтириш ва ўлдириш фақат Унга хосдир», деди. Шунда у: «Мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман» (яъни, истаган кишимни ўлдириб, истаганимни қолдираман), деди. Иброҳим унга: «Мен ибодат қиладиган Аллоҳ кўёшни**

машриқдан чиқаради. Хўш, сен мана шу илоҳий қонуниятни ўзгартириб, уни мағрибдан чиқара оласанми?!» деди. Шу билан бу кофир довдираб қолиб, ҳужжати кесилди. Унинг ҳоли золим кимсалар ҳолидекдир. Аллоҳ уларни тўғрилиқка йўлламайди” (Бақара, 258).

Аллоҳга мутакаббирлик қилиб, илоҳлик ва рабликни даъво қилганларнинг яна бири Фиръавндир: “Фиръавн аъёнларига: «Эй аъёнлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа ибодатга сазовор бирон илоҳ борлигини билмайман», деди” (Қасос, 38).

“Мен сизларнинг энг устун Парвардигорингизман, деди” (Нозиот, 24).

2. Пайғамбарларга такаббурлик қилувчилар

Бундайлар инсонга бўйсунишга бўйинлари ёр бермайди. Шунинг учун мушриклар: “Биз сизларни ўзимиз каби оддий бир инсон деб кўрмоқдамиз” (Иброҳим, 10), дейишган.

Фиръавн ва унинг аъёнлари: “Биз ўзимизга ўхшаган икки оддий инсонга қандай иймон келтирамыз?” (Мўминун, 47), дейишди.

Пайғамбарларга такаббурлик қилганлар ҳақида Аллоҳ таоло хабар бериб деди: “Кофирларга Аллоҳдан етарли далил-ҳужжат келган пайтда уларни Аллоҳ ва расулига иймон келтиришдан ва уларга итоат қилишдан тўсган нарса жаҳолат ва инкор билан: «Аллоҳ инсон зотидан элчи юборибдими?!» дейишлари бўлди” (Исро, 94).

3. Бандаларга такаббурлик қилувчилар

Бундайлар ўзини олий тутаяди, бошқаларга паст назар билан қарайди. Нафси бошқаларга эргашишни хоҳламайди,

улардан ўзини катта тутади. Бора-бора улардан жирканадиган, уларни паст санайдиган ва улар билан бир сафда бўлишдан ҳазар қиладиган бўлиб қолади. Қурайш кофирлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Ёнингда анавилар ўтирган бўлса, биз сен билан қандай ўтираимиз?!” деб фақир мусулмонларга ишора қилгани шундан. Уларга жавобан Аллоҳ таоло ушбу оятни туширди: **“Эй Пайғамбар, эртаю кеч Рабларига ибодат қиладиган ва солиҳ амаллари билан Аллоҳнинг юзини истайдиган заиф-бечора мусулмонларни ҳузурингиздан ҳайдаманг! Ўша фақирларнинг ҳисоб-китобидан бирор нарса сизнинг зиммангизда эмас, балки уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳнинг зиммасидадир. Сизнинг ҳисобингиздан бирор нарса уларнинг ҳам зиммасида эмас. Агар уларни ҳайдасангиз, у ҳолда Аллоҳнинг чегараларига тажовуз қиладиган, нарсаларни ўз ўрнидан бошқа ўринга қўядиган золим кимсалардан бўлиб қоласиз”** (Анъом, 52).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Мусулмон биродарини камситиши кишига етарли гуноҳдир”*¹⁷.

Мутакаббирларнинг турлари¹⁸

1. Салтанат, мансаб ва мартабаси билан кибрланадиганлар

Маддоҳ ва лаганбардорларнинг хушомадлари бу хил кибр ва манманликни янада кучайтиради. Иккиюзламачилик маддоҳ ва лаганбардорлар учун одат тусига кирган, улар ўзларига

¹⁷ Муслим ривояти.

¹⁸ Муаллиф қаламига мансуб «Виқоят ал-инсан минал-жинни ваш-шайтон» китобига мурожаат қилинг.

уни касб қилиб олган. Хушомадни эса алдов, ҳийла-найранг майдонига айлантириб, мансаб эгаларини уларда бўлмаган сифатлар билан мақтайди, қадр-қийматини аслидан кўра юқори даражаларга кўтаради. Нотавон мансабдор буни ҳақ деб билиб, кибр-ҳавоси баттар ортиб кетади.

Ҳикматларда айтилади:

Ажабким, шодланар ўзда йўқ яхшилиқла мақтасанг,
Инчунин, ранжигай ёмонлиғидан бир сўз сўзласанг.

Кибрнинг бу тури подшоҳ ва ҳукмдорлар орасида кенг тарқалган. Бундан қутулиш учун уларга хатоларини кўрсатиб, насиҳат қилиш ўрнига лаганбардорлик қиладиган ва охир-оқибат уларни балога йўлиқтирадиган ёмон маслаҳатчиларни ёнларидан узоқлаштиришлари лозим. Ҳукмдорлар ақл юргизганларида подшоҳлик абадий эмаслигини билган бўлардилар. Подшоҳлик абадий бўлганида, уларга етиб келмаган бўлар эди.

“Эй Пайғамбар, Раббингизга бундай деб дуо қилинг: Эй барча мулкнинг эгаси бўлган Зот, мол-мулкни ва ерда ҳукмронликни бандаларингдан Ўзинг истаган кишига берасан ва истаган кишингдан тортиб оласан, дунёю охират азизлигини Ўзинг истаган кишига ато этасан ва истаган кишингни хорликка гирифтор этасан, барча яхшилик Сенинг қўлингда, Сен Ўзинггина ҳар ишга қодирсан” (Оли Имрон, 26).

Оятдан келиб чиқсак, подшоҳлардан фақат яхши ёки ёмон ном қолади, холос.

2. Мол-дунёси билан кибрланадиганлар

Бундайлар ҳақиқий ғофил, жоҳил кимсалардир. Агар оқил бўлганида мол-дунё омонат эканини, Аллоҳ таоло хоҳлаган

пайт бир сабаб билан олиб қўйиши мумкинлигини билган бўларди.

Боғ соҳибини эсланг!

Аллоҳ таоло деди: **“У қайта тирилишни инкор этиш ва қиёмат қўпишига шубҳаланиш билан ўз жонига зулм қилувчи бўлган ҳолда боғига кириб келди. Боғдаги мевалари, ҳосиллари уни мағрурлантириб: «Бу боғларим ҳеч қачон ҳалокатга юз тутади деб ўйламайман, қиёмат кўпади деб ҳам ўйламайман», деб юборди”** (Кахф, 35).

Аллоҳ таоло унинг боғига осмондан бало туширди, дарахтлар бир-бирининг устига қалашиб, боғи ҳувиллаб қолди.

Қоруннинг бошига тушган иш ҳам бунга ёрқин мисолдир. Унинг мол-дунёси кўпайиб кетди, ҳатто хазиначарининг қалитларини бир неча паҳлавон йигит ҳам кўтариб юришга қийналар эди. У мол-дунёси билан кибрланиб, ҳаддидан ошди. Оқибатда Аллоҳ таоло уни ерга юттириб юборди. Оқибати ҳасрат, надомат, очиқ зиён бўлди.

Аллоҳ таоло мол-дунёси кўп одамни синаш учун унга дард берса, шубҳасиз, у барча бойлиги эвазига саломатлиги қайтарилишини хоҳлаб қолган бўлар эди.

Ривоят қилинишича, бир подшоҳ чанқаб сув сўрайди. Хизматкори косада сув келтириб:

— Подшоҳим, сиздан бир савол сўрагунимча шу сувни ичмай турсангиз, — дейди.

— Майли, сўрайқол.

— Айтинг-чи, мана шу сувни сиздан тўсиб қўйилса, қанча маблағга сотиб олган бўлар эдингиз?

— Бор мулкимнинг ярмини бериб бўлса ҳам сотиб олардим.

— Ичган сувингиз буйракдан чиқмай қолса, ташқарига чиқиши учун қанча берардингиз?

— Мулкимнинг ҳаммасини берган бўлардим.

— Демак, барча мулкнингиз қиймати бир коса сувга тенг экан-да!

3. Жисми, қадди-қомати билан кибрланадиганлар

Бундай нодонлар куч-қувват, қад-қомат одамлар орасида шараф, обрў ўлчови эмаслигини билмайди. Инсон қанча кучли бўлмасин, кучда эшак ёки хўкизга тенг келолмайди. Куч-қувват ўлчов бўлганида, эшак мудир, хўкиз вазир, фил подшоҳ бўлишга ҳақли бўларди.

Ўлчов ақлдир. Ақл билан инсон Парвардигорини, яратувчисини танийди, халқ орасида обрў-эътибор қозонади ва ўзига зарар бўладиган, ҳалокатга элтадиган нарсалардан узоқ юради.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуга тегишли деб айтиладиган бир шеър бор (мазмуни):

“Тўзал ахлоқ покиза хислатлардан иборат:
Биринчиси ақлдир, иккинчиси эса дин.
Илм учинчисидир, тўртинчиси эса ҳилм.
Бешинчиси саховат, олтинчи гўзал амал.
Еттинчиси яхшилик, саккизинчи сабр, бил.
Тўққизинчиси шукр, ўнинчи юмшоқ кўнгил”.

Ривоятларда келишича, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ шогирдларига фикҳдан дарс бериб ўтирганларида қадди-қомати келишган, хуш кўринишли бир киши масжидга кириб, дарсни эшитиш учун даврага қўшилади. Абу Ҳанифа оёқларини чўзиб ўтирган эдилар, меҳмонга эҳтиром кўрсатиб йиғиб олдилар ва дарсни давом эттирдилар. “Шом намозининг вақти қуёш ботганидан то осмондаги қизил шафақ йўқ бўлгунигача қадар” деган жойга етганда, кутилмаганда меҳмон: “Эй шайх, шом намозининг вақти қуёш ботганидан бошланади дедингиз, қуёш ботмаса-чи?” деб сўради. Шунда Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ: “Абу Ҳанифа оёқларини чўзиб ўтирса ҳам бўлаверар экан”, дедилар.

4. Илми билан кибрланадиганлар

Нодон-жоҳил деб аташга энг лойиқ одам илми билан кибрланадиган кимсадир. Модомики, илм одамда камтарлик ва қўрқув ҳиссини оширмас экан, у илм фойдали илм эмас.

Илм икки хил бўлади: тилдаги илм ва қалбдаги илм. Тилдаги илм Аллоҳнинг бандалар зиддига бўлган ҳужжати, қалбдаги илм эса Аллоҳдан қўрқишдир.

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим, дейди: *“Қиёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Ичаклари қорнидан чиқиб кетиб, улар билан тегирмон айлантираётган эшакдек айланиб юради. Жаҳаннам аҳли унинг устига йиғилиб келиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, бизларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб юрган сен эмасмидинг, ахир?» дейишса, «Ҳа, сизларни яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмасдим, ёмонликдан қайтарардим-у, ўзим қилаверар эдим», дейди*¹⁹.

Кибрли олимни қандай қилиб олим дейиш мумкин?!

5. Кўрки ва жамоли билан кибрланадиганлар

Бу турдаги кибр кўпроқ аёлларда учрайди. Ўзининг чиройи билан кибрланаётган аёл ақлини ишлатганида чиройи қурт-қумурсқаларнинг насибаси эканини билган бўларди. Қабрга кирганида қурт-қумурсқалар этларини, бурун ва кўзларини еб битирганидан кейинги суратини кўз олдига келтирса, қўрқинчли, даҳшатли кўринишни кўрган бўлар эди.

¹⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/331), Муслим (Нававий шарҳи, 18/118) ривояти.

Чирой-жамол шу дунёнинг ўзида ҳам бало-офат ва касалликлар туфайли заволга юз тутиши мумкин. Қанчадан-қанча чиройли, кўркам, келишган, ўктам эркагу аёл бирон касаллик сабаб хунук ва бадбашара бўлиб қолганига ҳаётда мисол кўп. Уни илгари қани эди бир кўрсам деб зорланиб юрганлар кейинги ҳолидан жирканиб, ўзини олиб қочадиган бўлиб қолган.

Камтарликнинг фазилатлари

Аллоҳ таоло деди: **“Сизга эргашган мўминларга меҳр-шафқатли ва тавозели бўлинг”** (Шуаро, 215).

Бошқа бир оятда: **“Эй Аллоҳга ва расулига иймон келтирган ва Аллоҳнинг шариатига амал қилганлар, сизлардан ким динидан қайтса ва динини яҳудийлик, насронийлик ёки бошқа бирор динга алмаштирса, бу билан Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказма олмайди ва Аллоҳ улардан кўра яхшироқ, Ўзи яхши кўрадиган ва улар ҳам Уни яхши кўрадиган, мўминларга хокисор ва кофирларга қаттиққўл бир қавмни келтиради”** (Моида, 54), деб марҳамат қилинган.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу деди: “Банда Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ унинг мартабасини кўтаради ва: «Қаддингни кўтар, Аллоҳ мартабангни улуғ қилди», дейди. Агар кибрга берилиб ҳаддидан ошса, Аллоҳ уни хор этиб, ер билан бир қилади ва: «Хор бўл, Аллоҳ сени хор қилди!» дейди. Дарҳақиқат, мутакаббир ўзини катта деб билса ҳам, у одамлар наздида пастдир. Ҳатто у одамлар наздида тўнғиздан ҳам ҳақирдир”.

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу деди: “Кунларнинг бирида чарм тўшамасини соябон қилиб дарахт тагида ётган кишининг олдига келдим. Қуёш соябонни четлаб унга тушиб турган эди. Соябонни тўғрилаб унга қуёш тушмай-

диган қилиб қўйдим. Ётган киши уйғониб кетди. У Салмон Форсий разияллоҳу анҳу экан. Унга соябонни тўғрилаб қўйганимни айтдим. Шунда Салмон: «Эй Жарир, дунёда Аллоҳ учун тавозели бўл. Чунки ким Аллоҳ учун дунёда тавозели бўлса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг даражасини кўтаради. Эй Жарир, қиёмат кунидаги дўзах зулмати нима эканини биласанми?» деди. «Йўқ, билмайман», деб жавоб қилдим. «Одамлар дунёда бир-бирига қилган зулмлардир», деди.

Ойша разияллоҳу анҳо деди: “Сизлар ибодатларнинг энг афзалидан ғафлатда қоласизлар — у камтарликдир”.

Тавозе ҳақида сўралганида Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ бундай жавоб қилди: “Ҳаққа бўйсуниб, унга эргашишинг, гарчи ёш боладан эшитсанг ҳам, энг илмсиз кишидан эшитсанг ҳам, қабул қилишинг — мана шу тавозедир”.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ деди: “Камтарликнинг боши — дунё неъматидан сендан паст бўлган киши қаторига ўзингни қўйиб, ундан дунёнинг билан устун эмаслигингни билишинг. Ҳамда дунё неъматидан сендан юқори бўлган киши қаршисида қадрингни кўтариб, дунёси билан у сендан устун эмаслигини билишингдир”.

Қатода разияллоҳу анҳу деди: “Кимга мол-дунё, чирой, гўзал либос ёки илм берилган бўлса-ю, бироқ у тавозели бўлмаса, буларнинг бари унга қиёмат куни бало бўлади”.

Абдулмалик ибн Марвондан: “Қандай киши афзал бўлади?” деб сўралганида, у: “Куч-қудратга эга бўлатуриб камтар бўлган, хоҳлаб турган нарсасидан ўзини тийган ва қодир бўлатуриб ўч олмаган киши”, деб айтган.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ деди: “Тавозе — йўлингда учраган ҳар бир мусулмонни ўзингдан афзалроқ деб билишинг”.

Ҳикматларда айтилади: “Мўмин ўзини қанча паст деб билса, Аллоҳнинг наздида даражаси шунча баланд бўлади. Ўзини қанча юқори олса, Аллоҳнинг наздида қадри шунча пастлашади”.

“Аллоҳ учун ўзини хор тутган киши азиз бўлади. Аллоҳ учун тавозе қилган кишининг мартабаси юқори бўлади. Аллоҳдан қўрққан киши омонда бўлади. Нафсини Аллоҳ учун сотган киши фойда қозонади”.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоху анху деди: “Олийҳимматликни тақвода, бойликни ишончда, обрў-эътиборни камтарликда топдик”.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг тавозеларига мисоллар

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам камтарликда бизга энг юксак ўрнак эдилар. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, зеро, у зотни Аллоҳ таолонинг Ўзи поклаган:

“Эй Пайғамбар, қасамки, сиз улуғ хулқ устидадир-сиз” (Қалам, 4).

“Агар ёмон хулқли, тошбағир бўлганингизда эди, албатта, улар атрофингиздан кетиб қолган бўлар эдилар” (Оли Имрон, 159).

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам юмшоққўнгил, хокисор ва хушмуомала эдилар.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам тавозеларига бир мисол: “Кўчада ўйнаётган ёш болалар олдидан ўтиб қолсалар, уларга салом берардилар”²⁰.

У зот тавозели бўлганларидан уй ишларида аёлларига қарашар эдилар. Асвад ибн Язид айтади: “Мен Ойша разияллоху анҳодан: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам уйларида нима қилар эдилар?» деб сўрадим. Ойша разияллоху анҳо: «Аҳли оилаларининг хизматида бўлар, намоз вақти келса, масжидга чиқар эдилар», деб жавоб берди”²¹.

²⁰ Бухорий ва Муслим; Анас разияллоху анҳудан ривоят қилинган.

²¹ Бухорий ривояти.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир ишларида камтарлик яққол кўриниб турарди. Ҳатто ейиш-ичишларида ҳам. Таомланиб бўлгач, бармоқларини ялар²² ва: *“Қайси бирингининг луқмаси қўлидан тушиб кетса, ундан озорни (ёпишган нарсаларни) тозалаб ташласин ва есин, уни шайтонга қолдирмасин”*, деб ўргатар эдилар²³.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳмонга чақирилсалар, гарчи озгина таом бўлса ҳам, таклифни қабул қилиб борар эдилар. Одамлар наздида нақадар арзимас бир ҳадя ҳисобланса ҳам, қабул қилардилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Агар пиширилган қўй туёғига чақирилсам ҳам бораман ва қўй туёғи ҳадя қилинса ҳам қабул этаман”*²⁴.

Ойша разияллоҳу анҳо айтишларича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эй Ойша, агар (дунёни) хоҳлаганимда, олтин тоғлар ортимдан юрган бўларди. Менинг ёнимга осмондан бир фаришта келди, унинг белбоғи (узунлиги) Каъбага тенг экан. Менга деди: «Раббингиз сизга салом йўллади ва деди: “Агар хоҳласангиз, пайғамбар банда, хоҳласангиз пайғамбар подшоҳ бўлиш (ихтиёрини Аллоҳ сизга берди, хоҳлаганингизни танланг)”. «Жаброил алайҳиссаломга (маслаҳат тариқасида) қарадим. Ўзингизни наст тутинг, деган ишорани қилди. Мен: «Пайғамбар бандани танлайман», дедим. Шундан сўнг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнбошлаб таом емадилар. «Қул еганидек ейман ва қул ўтирганидек ўтираман», дер эдилар”*²⁵.

Абу Умома разияллоҳу анҳу деди: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари Қуръон эди, кўп зикр*

²² Муслим (Нававий шарҳи, 13/204) ривояти.

²³ Муслим (Нававий шарҳи, 13/205) ривояти.

²⁴ Бухорий ривояти.

²⁵ Абу Яъло ривояти. Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (9/19) ҳасан деган.

килар, хутбани қисқа, намозни эса узун ўқир эдилар. Мискин ва заифлар ҳожатини битириб бермагунларича улар билан юришдан уялмас, кибрланмас эдилар”²⁶.

Одамлар уловга бировни мингаштириб юришдан ор қиладиган вақтда у зот уловларига мингаштириб юрардилар.

Муоз разияллоҳу анҳу деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан “Уфайр” исмли эшакларига мингашиб олган эдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи ва бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақлари нималигини биласанми?»* деб сўрадилар. Мен: *«Аллоҳ ва расули билувчироқ»*, дедим. *«Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи Унинг Ўзигагина ибодат қилишлари ва ҳеч нарсани Унга ширк келтирмасликлари. Бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақлари эса, Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган бандасини азобламаслигидир»*, дедилар. *«Эй Расулуллоҳ, буни айтиб одамларни хурсанд қилайми?»* дедим. *«Йўқ, айтма, тағин суяниб қолишмасин»*, дедилар”²⁷.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ерда ўтирар, ерда ўтириб овқатланар, кўй-эчкиларни ўзлари боғлар ва қул одам арпа нон қилиб меҳмонга чақирса ҳам, қабул қилиб борар эдилар”²⁸.

Ҳусайн ибн Али разияллоҳу анҳумо ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Мени ўз даражамдан юқори кўтариб юборманглар. Зеро, Аллоҳ таоло мени элчи этиб танлашдан олдин банда қилиб олган”*, деганлар²⁹.

²⁶ Табароний ривояти. Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (9/20) ҳасан деган.

²⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/58), Муслим (Нававий шарҳи, 1/232) ривояти.

²⁸ Табароний ривояти. Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (9/20) ҳасан деган.

²⁹ Табароний ривояти. Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (9/21) ҳасан деган.

Умар разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Насоролар Исо ибн Марямни мақташда ҳаддан ошганлари каби, сизлар ҳам мени мақташда ҳаддан ошманглар. Мен бир бандаман, холос. «Аллоҳнинг бандаси ва элчиси», денглар”*³⁰.

Саҳобаларнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) тавозеларига мисоллар

Умар Махзумий айтади: “Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху одамларни масжидга чорлади. Одамлар йиғилгач, минбарга чиқиб, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтди, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва салом йўлади, сўнг: «Мен Бани Махзумлик холаларимнинг чорвасини боқиб берардим, эвазига бир ҳовуч хурмо ва майиз беришарди. Шундай кунларни бошимдан ўтказганман», деди ва минбардан тушди. Абдураҳмон ибн Авф разияллоҳу анху: «Эй мўминлар амири, ўзингизни жуда ерга уриб юбордингиз», деганида Умар разияллоҳу анху: «Эй ибн Авф, ундай дема! Мен холи қолганимда хаёлимга, мана, сен мўминлар амирисан, сендан афзал ким бор, деган фикр келди. Шунинг учун ўзимга асли ким эканимни билдириб қўйгим келди», деб жавоб қилди”.

Ҳасан раҳимаҳуллоҳ деди: “Иссиқ кунларнинг бирида Умар разияллоҳу анху бошига ридосини ташлаб олиб кўчага чиқди. Олдидан бир бола эшак миниб ўтиб қолди. Умар разияллоҳу анху: «Ҳой бола, мени ҳам мингаштириб ол», деди. Бола дарров эшакдан тушиб: «Миниб олинг, эй мўминлар амири», деди. Умар разияллоҳу анху: «Йўқ, йўқ! Сен мин, мен мингашиб оламан. Юмшоқ ерига мени ўтқаздириб, қаттиқ ерига ўзинг ўтирмақчимисан?» деди. Сўнг

³⁰ Бухорий ва Муслим ривояти.

боланинг орқасига мингашиб олганча Мадинага кириб келди. Одамлар у зотга қараб турар эди”.

Синон ибн Салама Ҳузалий разияллоҳу анҳу айтади: “Мадинада эканимизда болалар билан хурмо тергани чиқдик. Қарасак, Умар разияллоҳу анҳу қўлида қамчиси билан келаётган экан. Умарни кўрган болалар хурмозор ичига тарқалиб кетди. Мен этагимга солиб олган хурмолар билан қотиб туриб қолдим. Ва: «Эй мўминлар амири, шамолда тўкилганларини олдим», дедим. Умар разияллоҳу анҳу этагимдаги хурмоларга қаради, лекин урмади. Мен: «Эй мўминлар амири, болалар йўлимни тўсиб, терган хурмоларимни олиб қўйишади», дедим. Умар разияллоҳу анҳу: «Йўк, ундай бўлмайти, юр», деб уйимгача кузатиб қўйди”.

Абдуллоҳ Румий деди: “Усмон разияллоҳу анҳу кечасида таҳорат сувини ўзи ҳозирлар, «Бирон хизматчига айтсангиз тайёрлаб беради», дейилса: «Йўк, асло, тун уларнинг ҳаққи, дам олишсин», дер эди”.

Ҳасан раҳимахуллоҳ деди: “Усмон разияллоҳу анҳу устига ёпинчиқ ташлаб масжидда ухлаб ётганини кўрдим, ҳолбуки, у мўминлар амири эди”.

Бухорий “Адабул муфрад”да ривоят қилишича, Али разияллоҳу анҳу бир дирҳамга хурмо сотиб олиб, белбоғига туғиб олди. Бир киши: “Келинг, мен кўтариб олай, эй мўминлар амири”, деган эди, “Йўк, рўзғор эгаси (юкини) ўзи кўтариши лозим”, деди.

Журмуз деди: “Али разияллоҳу анҳуни кўрдим. Эғнида дағал матодан тикилган, болдирининг ярмига етадиган изор ва шунга яқин узунликдаги ридо, қўлида қамчи билан бозорга кетаётган экан. Бозордагиларни Аллоҳдан қўрқишга ва ҳалол савдо қилишга ундаб: «Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла-тўқис тортинглар!» дер эди”.

Имом Табароний Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳудан ҳасан санад билан келтирган ривоятда айтилишича, Абдуллоҳ ибн Салом бир боғ ўтинни кўтариб бозордан ўта-

ётганида: “Аллоҳ сизни ўтин кўтариб юришга муҳтож қилмаган бўлса, нега бундай юрибсиз?” деб сўрашди. Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳу: “Бу билан кибрни кетказишни хоҳладим. Чунки мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Қалбида хантал уруғича кибри бўлган одам жаннатга кирмайди»*, деганларини эшитганман”, деб жавоб қилди.

Собит ибн Абу Молик раҳимаҳуллоҳ деди: “Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бозордан бир боғ ўтин кўтариб келаётган экан. У шу вақтда Марвон томонидан тайинланган амир эди. Менга қараб: *«Амирга йўлни бўшат, эй Абу Молик»*, деб қўйди”.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мадрасаларида таълим олган авлод мана шундай эди. “Бу умматнинг аввали нима билан ислоҳ бўлган бўлса, охири ҳам шу билан ислоҳ бўлади”, деган сўзни айтган имом Моликни Аллоҳ Ўз раҳматига олсин.

Ким ислоҳ бўлишни ва нажот топишни истаса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашсин. Саҳобалар, тобеинлар ва уларга изма-из эргашганлар йўлини ўргансин. Чунки устозлари ва имомлари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ер устида юрган Қуръон бўлганлари каби, улар ер устида юрган Ислоҳ эдилар.

Иккинчи сифат

ҲАЛИМЛИК

Аллоҳ таоло деди: **“Жоҳил кимсалар уларга азият етказувчи сўзлар билан хитоб қилса, уларга яхши сўзлар билан жавоб қайтариб: «Сизларга саломатлик бўлсин», дейдилар”** (Фурқон, 63).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ оят тафсирида ёзади: “Ҳалим кишиларга жоҳил, нодон кимсалар ҳақоратли сўзлар билан қўполлик қилса, бунинг муқобилида улар ҳам ёмон сўзлар билан жавоб қайтармайдилар, балки афв қилиб, кечириб юборадилар, яхши сўзлар билангина хитоб қиладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам бирон жоҳил кимса қаттиқ-қўпол муомала қилса, ҳалимликлари зиёда бўлар эди”³¹.

Ҳалимлик ғазаб қўзғаганда ўзни тия билишдир.

Аллоҳ таоло деди:

“Ҳар бир яхши сўз ва гўзал амалга буюринг. Ақлсиз кимсалар билан талашиб-тортишишдан ва фаҳм-фаросатсиз жоҳиллар билан тенг бўлишдан юз ўгинг” (Аъроф, 199).

“Яхши амаллар билан ёмон қилмишлар тенг бўлмайди. Сиз ўзингизга ёмонлик қилган кишига яхшилик билан, афв ва ҳалимлик билан жавоб қайтаринг. Шундай қилсангиз, сизга нисбатан адоватли бўлган ва

³¹ Тафсир Ибн Касир, 3/325.

сизга ёмонлик қилаётган кимса сизга ўта меҳрибон, яқин дўстга айланиб қолади. Бундай мақтовли хислатга фақат сабр қилган кишиларгина муваффақ бўлади. Бундай хислатга фақат дунёю охират саодатидан тўлатўқис насибага эга бўлган кишиларгина муваффақ бўлади” (Фуссилат, 34-35).

“Ким озорларга сабр қилса, кўрган ёмонлигини афв ва кечиримлилик билан қаршиласа, албатта, бу Аллоҳ буюрган ва унинг учун ажру савоблар ваъда қилган мақтовли ишлардандир” (Шўро, 43).

Ҳалимликнинг фазилати ҳақида келган ҳадислар

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ашаж Абдулқайсга: “Сенда Аллоҳ яхши кўрадиган икки хислат бор: ҳалимлик ва оғир-босиқлик”, дедилар³².

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисларда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

“Аллоҳ Рафиқдир (бандаларига меҳрибондир, уларга енгилликни хоҳлайди), ишларнинг ҳаммасида юмшоқликни яхши кўради”³³;

“Аллоҳ таоло Рафиқдир (бандаларига меҳрибондир), юмшоқликни яхши кўради. Юмшоқлик учун қўполликка ва ундан бошқага бермаган нарсани беради”³⁴;

“Юмшоқлик қай бир нарсада бўлса, унга кўрк беради, ни-мада бўлмаса, уни нуқсонли қилади”³⁵.

³² Муслим (1/189) ва Термизий(3/347).

³³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/449) ривояти.

³⁴ Муслим (Нававий шарҳи, 16/146) ривояти.

³⁵ Муслим (Нававий шарҳи, 16/147) ривояти.

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу деди: “Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Ким ҳалимликдан маҳрум қилинган бўлса, барча яхшиликдан маҳрум қилинибди»*, деганларини эшитдим”³⁶.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда айтилишича, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сизларга дўзахга ҳаром бўладиган (ёки дўзах унга ҳаром бўладиган) киши ҳақида хабар берайми? (Одамларга) яқин бўлган, хушмуомала, мулойим ва очиқкўнгил ҳар бир кишига дўзах ҳаромдир”*, деганлар³⁷.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир киши: «Эй Расулulloҳ, менинг қариндошларим бор. Мен қариндошлик алоқаларини боғлаб силаи раҳм кўрсатсам, улар борди-келди қилмай алоқани узишади. Мен яхшиликлар ила вафо қилсам, улар ёмонликлар билан жафо кўрғазиди. Кечиримли бўлиб ҳалимлик қилсам, улар менга қўполлик қилишади», деди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: *«Агар ҳақиқатда айтганингдек бўлсанг, уларнинг оғизларига қайноқ кулни солган бўласан. Ва модомики, шу ҳолда давом этар экансан, уларга қарши Аллоҳ таоло ҳузуридан бир ёрдамчи сен билан бирга бўлади»*, дедилар”³⁸.

Эҳтиромга лойиқ қувват одамларни енгиб, улардан ғолиб бўладиган жисмоний қувват эмас, балки ғазаб ўти қайнаганда нафсни жиловлай оладиган, ўзини бошқара оладиган иймоний қувват эканини Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизларга баён қилиб берганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Кураишда одам-*

³⁶ Муслим (Нававий шарҳи, 16/140) ривояти.

³⁷ Термизий (3/66) ривоят қилиб: “ҳасан ғариб ҳадис” деган.

³⁸ Муслим (Нававий шарҳи, 16/115) ривояти.

ларни йиқитиб ташловчи киши полвон эмас, ғазаби келганда ўзини ушлай оладиган одам ҳақиқий полвондир”³⁹.

Бундан ташқари, мўмин одам бирон жоҳил, аҳмоқ ёки сўконгич ҳаёсизнинг бемаъни сўзлар билан ҳақоратлаб сўкканига эътибор бермай юз ўгириб кетса, Аллоҳ таоло уни ҳимоя қиладиган ва унинг ўрнига жавоб қайтарадиган бир фаришта билан уни қувватлайди. Зеро, Аллоҳ мўминларни мудофаа қилишни ўз зиммасига олган: **“Аллоҳ таоло кофирларнинг тажовузларини ва ёмонларнинг фириб-найранглари мўминлардан даф қилади”** (Ҳаж, 38).

Нўъмон ибн Муқаррин Музаний разияллоҳу анҳу айтади: “Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бошқа бир кишини ҳақоратлади. Ҳақоратланаётган киши: «Саломат бўл», деб қўя қолди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мана бу сени ҳар сўкканида ўртангиздаги фаришта сендан унинг ҳақоратларини даф қилиб: “Ўзинг шундайсан, сен шунга лойиқсан”, деб туради. Сен унга: “Саломат бўл”, деганинда эса, фаришта: “Йўқ, сен саломат бўл, сен бунга ҳақлисан”, дейди*», дедилар”⁴⁰.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечиримли бўлишга тарғиб қилганлар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтди: “Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Расулulloҳ, хизматчини (хато қилаверса) қанча кечирайин?» деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. Сўнг яна: «Эй Расулulloҳ, хизматчини (хато қилаверса) қанча кечирайин?» деб сўради. «*Ҳар куни*

³⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/512), Муслим (Нававий шарҳи, 16/162) ривояти.

⁴⁰ Аҳмад ривояти. Ҳофиз Ибн Касир “Тафсир”ида (93/335) “санади ҳасан” деган.

*етмиш марта», дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам*⁴¹.

Абул Аҳвас отасидан ривоят қилишича, отаси: “Эй Расулуллоҳ, бир киши бор, мен унинг (уйи олдидан) ўтиб қолсам, уйига таклиф ҳам қилмайди, меҳмон ҳам қилмайди. Мен тарафга келиб қолса, мен ҳам шундай қилайми?» деб сўраганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Йўқ, сен уни меҳмон қил»,* деган эканлар⁴².

Мана шундай — Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтаришга, борди-келдини узган қариндош билан алоқани боғлашга, бахилга саховат кўрсатишга ва осмонлару ернинг Рабби Аллоҳгагина умид боғлашга ўргатар эдилар. Зеро, мукофот ва жазонинг эгаси Аллоҳдир, ризқ ҳам Унинг қўлидадир.

Бундан ташқари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни дунёвий манфаатлардан узоқ бўлиб, охираатда нафи тегадиган ишларга ундар эдилар.

Муоз ибн Анас Жуҳаний разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким ўч олишга қодир бўлатуриб ғазабини ютса, Аллоҳ таоло қиёмат куни барча халойиқ кўзи ўнгида уни чақуриб, ҳурлардан хоҳлаганини танлаш ихтиёрини беради*”⁴³.

Ҳалимликнинг фазилати ҳақида келган ривоятлар

Умар разияллоҳу анҳу деди: “Илм ўрганинглари, илм учун вазминлик ва ҳалимликни ҳам ўрганинглари”.

⁴¹ Термизий ривоят қилиб: “ҳасан ғариб”, деган (3/226).

⁴² Термизий ривоят қилиб: “ҳасан саҳиҳ”, деган (3/246).

⁴³ Термизий ривоят қилиб: “ҳасан ғариб”, деган (3/251).

Али разияллоҳу анху деди: “Яхшилик — мол-дунёнинг ё бола-чақанг кўп бўлиши эмас. Балки илминг ва ҳалим-лигинг кўп бўлиши, ибодатинг билан мағрурланмаслигинг, яхшилик қилсанг Аллоҳ таолога ҳамд айтишинг, ёмонлик қилиб қўйсанг Аллоҳдан гуноҳингни кечиришини сўрашинг — мана шулар яхшиликдир”.

Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтган: “Илм талабида бўлинглар, илмни вазминлик ва ҳалимлик билан безанглар”.

Муовия разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “То ҳалимлиги жаҳолатидан, сабри шаҳватидан ғолиб бўлмагунча киши пешво даражасига етишолмайди. Бу даражага кучли илм билангина эриша олади”.

Муовия Амр ибн Аҳтамдан: “Қандай киши одамларнинг энг шижоатлисидир?” деб сўради. Амр ибн Аҳтам: “Жоҳиллигини илми билан қайтара олган киши”, деб жавоб қилди. Муовия яна сўради: “Уларнинг энг саховатлиси-чи?” “Динининг ислоҳи йўлида дунёсини сарфлагани”, деб жавоб қилди Амр ибн Аҳтам разияллоҳу анху.

Анас ибн Молик разияллоҳу анху Аллоҳ таолонинг: **“Сиз ўзингизга ёмонлик қилган кишига яхшилик билан, афв ва ҳалимлик билан жавоб қайтаринг. Шундай қилсангиз, сизга нисбатан адоватли бўлган ва сизга ёмонлик қилаётган кимса сизга ўта меҳрибон, яқин дўстга айланиб қолади”** (Фуссилат, 34) деган сўзи ҳақида бундай деган: “У биродари сўкканида унга: «Айтаётган сўзингда ёлғончи бўлсанг, Аллоҳ сени кечирсин. Рост сўзлаётган бўлсанг, Аллоҳ мени кечирсин», деб айтадиган кишидир”.

Муовия разияллоҳу анху Ароба ибн Авсга: “Қай тариқа қавмингга саййид бўла олдинг?” деб сўраганида, Ароба ибн Авс разияллоҳу анху: “Эй мўминлар амири, қавминнинг жоҳилларига ҳалимлик қилдим, бирон нарса сўраб келса, қизганмай бердим, эҳтиёжларини қондириш учун эринмай юрдим, шу билан саййид бўлдим”, деб жавоб берди.

Ҳикматли сўзларда бундай келган: “Илм мўминнинг дўсти, ҳалимлик ёрдамчиси, ақл йўлбошчиси, амал етакчиси, мулоимлик отаси, хушмуомалалик акаси, сабр муршидидир”.

Ваҳб ибн Мунаббиҳ раҳимаҳуллоҳ деди: “Ким раҳмли бўлса, ўзи ҳам раҳм қилинади. Сукут сақласа, саломат бўлади. Билимсиз бўлса, енгилади. Амал қилган борки хато қилади. Ёмонликка ҳарис бўлса, соғ қолмайди. Талашиб-тортишишдан тийилмаса, сўкиш эшитади. Ёмонликни ёмон кўрмаса, осий бўлади. Ёмонликни ёмон кўрса, гуноҳдан нари бўлади. Аллоҳнинг амрига эргашса, ҳимоя топади. Аллоҳдан огоҳ бўлса (қўрқса ва тақво қилса), омонда бўлади. Аллоҳни дўст тутса, ҳимояланади. Аллоҳдан дуо қилиб сўрамаса, кашшоқликка гирифтор бўлади. Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлса, ёрдамсиз ташлаб қўйилади. Ким Аллоҳдан ёрдам сўраса, зафар кучади”.

Ҳалимликка ундовчи сабаблар

Имом Мовардий айтади⁴⁴: “Ҳалимлик хулқларнинг энг шарафлиси ва соғлом ақл эгалари энг ҳақдор бўлган сифатдир. Сабаби, ҳалимлик билан обрў сақланади, тан роҳатланади ва киши мақтов қозонади”.

Ҳалимликка ундовчи сабабларга мисоллар:

1) Жоҳил, нодон кишиларга раҳм қилиш.

Ҳикматларда айтилишича, ҳалимликнинг энг юқори чўққиси жоҳилларга марҳаматли бўлишдир.

Абу Дардо разияллоҳу анҳу унга бўлмағур сўзларни айтган кишига деди: “Эй сен, бизни ҳақоратлашда ҳаддингдан ошиб кетма, ўртамизни тузатишга ҳам жой

⁴⁴ Мовардий. «Адабуд-дунё вад-дин», 225-бет.

қолдир. Биз ҳақимизда ножўя сўзлар айтиб Аллоҳга осий бўлаётган кишига жавоб қайтариб, биз ҳам Аллоҳга осий бўлмаймиз, балки ҳалимлик билан кечириб, Аллоҳга итоат қилишдан бошқага ўтмаймиз”.

Мўмин киши жоҳил, нодон кимсаларни ҳақоратлаш ва сўкинишга гижгижлаб ундовчи шайтон эканини билганидан уларга раҳм-шафқат қилади. Аллоҳ таоло бунинг хабарини бериб, бундай деган: **“Эй Пайғамбар, кўрмадингизми, Биз Аллоҳга ва пайғамбарларига кофир бўлган кимсаларни адаштириши ва уларни тоат-ибодатдан гуноҳ-маъсиятга буриши учун устларига шайтонларни ҳукмрон қилиб қўйдик”** (Марям, 83).

Шунинг учун Аллоҳ таоло тилимизни фақат яхшиликка ишлатиш ва орамизга душманлик уруғини сепиш учун шай турган шайтонга асло фурсат бермасликка буюрган: **“Мўмин бандаларимга айтинг: улар бир-бирлари билан сўзлашганларида яхши, чиройли сўзларни сўзласинлар. Акс ҳолда, шайтон улар ўртасига адоват, фисқу фасод ва хусумат солади. Албатта, шайтон инсонга очиқ душмандир”** (Исро, 53).

- 2) Ҳалимликка ундовчи сабаблардан яна бири Аллоҳ таоло ҳузуридаги ажр-мукофотга қизиқиш ва интилишдир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Ким ўч олишга қодир бўлатуриб ғазабини ютса, Аллоҳ таоло қиёмат кунини барча халойиқ кўзи ўнгидан уни чақириб, ҳурлардан хоҳлаганини танлаш ихтиёрини беради”*⁴⁵.

Мўмин киши Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларга интилса ва уларни қаттиқ хоҳласа, дунёни ҳақир санайди, дунёдаги шодлик, ғам-ташвиш, бойлик ва камбағаллик унга аҳамиятсиз бўлиб қолади. Мана шу интилиши ва хоҳиш-истаги Аллоҳ таоло унинг ҳар бир сўзи ва ишини,

⁴⁵ Термизий ривоят қилиб: “ҳасан ғариб ҳадис”, деган (3/251).

хатти-ҳаракатини кўриб, кузатиб турганини унга ҳис эттириб туради. Натижада, одам ғазаб қилса Аллоҳ учун ғазаб қиладиган, яхши кўрса Аллоҳ учун яхши кўрадиган, берса Аллоҳ учун берадиган, бермаса Аллоҳ учун бермайдиган бўлади. Бундай мўмин Аллоҳнинг ҳузурдаги нарсаларга ҳарис бўлганидан ёлғиз Аллоҳ учун бандалик қилади.

- 3) Сўкиниш, ҳақорат ва уятсиз сўзларни сўзлашни ўзига номуносиб деб билиш ҳам ҳалимликка ундовчи сабаблардандир. Бу нарса олийжаноблик ва олийҳимматликдан юзага келади. Ривоят қилинишича, “Исо алайҳиссалом яҳудийлардан бир қавмнинг олдидан ўтаётганларида улар ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишди. Исо алайҳиссалом уларга яхши сўз билан жавоб қайтардилар. Атрофдагилар: “Улар ёмон сўзлар гапирсалар, сиз яхши сўз айтасизми?” дейишганида, Исо алайҳиссалом: “Ҳар ким ўзида боридан беради”, деб жавоб қилдилар.
- 4) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам амрларига бўйсуннишни яхши кўриш ҳам ҳалимликка ундовчи сабаблардандир. Зеро, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап гапирсин ёки жим бўлсин”*, деганлар⁴⁶.

Аслида, жавоб қайтармай сукут сақлаш жоҳил учун етарли азобдир. Ҳикматларда айтилади:

- Олийжаноблик қилиб, пасткашга жавоб қайтармаслик уни сўкиб ҳақоратлашдан кўра унга кўпроқ алам қилади.
- Аҳмоқ сенга гапирса жавоб берма, сукут унга яхши жавобдир.
- Аҳмоққа жавоб қайтармадим, буни у ожизликка йўйди, ваҳоланки мен ожиз эмасдим.

⁴⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/533), Муслим (Нававий шарҳи, 2/18) ривояти.

Бир киши Зирор ибн Қаъкога: “Аллоҳга қасам, менга битта сўз гапирсанг, мендан ўнтасини эшитасан!” деганида, жавобига Зирор ибн Қаъко: “Аллоҳга қасам, агар менга ўнта гап гапирсанг, мендан битта ҳам сўз эшитмайсан!” деди.

Донолардан бири айтади:

“Ҳалимлик қилсанг аҳмоқ сенга азият беришдан тийилиши мумкин. Аксинча, жоҳиллик қилсанг баттар қутуриши эҳтимоли бор. Савдода чув тушган киши надомат чеккани каби надомат чекмай, пушаймон бўлмай десанг, жоҳил бўлма”.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Омир ибн Мурра Зуҳрийдан: “Энг аҳмоқ одам ким?” деб сўради. “Ўзини энг ақли санаган киши”, деди Омир. “Тўғри айтдинг. Энг оқил киши ким?” деганида, “Жоҳиллардан ўч олишда сукутдан нарига ўтмайдиган киши”, деб жавоб қилди.

- 5) Ҳалимликка ундовчи сабаблардан яна бири жоҳилга жоҳилона жавоб қайтаришдан ҳаё қилишдир. Бундай хислат ўз қадрини билган ва олийҳиммат кишиларда бўлади.

Донишмандлар: “Аҳмоққа тенг келиб унга ўхшаб қолгандан кўра, ундан етган озорга чидаб кўз юмган яхши”, дейишган.

Яна: “Мени ҳақоратлаб-сўкиб мендан устун бўлган бўлсанг, сенга қутлуғ бўлсин, чунки сен ўзи шундай пасткашликка лойиқсан”.

Аҳнаф ибн Қайс раҳимаҳуллоҳ деди: “Мабодо бирон киши менга қарши ҳаракат қилса, бундан ўзим учун шу уч нарсани хулоса қилиб олганман: менга қарши чиққан киши мендан юқори бўлса, унинг ҳақиқий қадрини билдим; даражаси мендан қуйи бўлса, қадримни ундан устун қўйдим; мен билан тенг бўлса, илтифот кўрсатиб уни эҳтиром қилдим”.

Шуни билинг, ҳалимлик ғазаб қўзғаганда билинади. Бир ҳикматли сўз бор: “Уч нарса уч ўриндагина билинади: саховат — қийинчиликда; шижоат — жангда; ҳалимлик — ғазаб қўзғаганда”.

Шоир айтади:

Розиликдаги ҳалимлик эмасдур ҳалимлик,
Ғазаб қўзғаганда билинар чин ҳалимлик.

Бошқаси айтади:

Ҳалимликни даъво қилса чиқар ғазабин,
Ҳалимлиги билинар қўзғасанг ғазабин.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимликларига мисоллар

Ойша разияллоҳу анҳо Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Эй Расулуллоҳ, бошингизга Уҳуд кунидан ҳам оғирроқ кун келганми?” деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Ойша, қавмингдан жуда кўп ёмонликлар келди бошимга. Улардан энг оғири Ақаба куни бўлган эди. Мен (мени ҳимоя қилсин деб) Ибн Абдуёлл ибн Абдукулолга арз қилдим. У таклифимни қабул этмади. Мен қаттиқ қайғуга чўмган ҳолатда чиқиб кетдим. Ўзимга келганимда Қарн ас-Саолибга (Маккадан бир кеча-кундузлик масофадаги жойга) етиб қолганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтарган эдим, бир булут менга соя солиб турибди. Қарасам, унда Жибрил бор экан. У менга: «Аллоҳ таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзини ва берган жавобини эшитди. Аллоҳ улар хусусида истаган нарсангизни буюришингиз учун ҳузурингизга тоғлар

фариштасини юборди», деб нидо қилди. Тоғлар фариштаси ҳам менга нидо қилиб, салом берди, сўнг: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен тоғлар фариштасиман. Раббингиз мени сизнинг ҳузурингизга — сизнинг ҳукмингизга юборди, истаган нарсангизга буюрсангиз, адо этишга буюрилдим. Нима истайсиз? Хоҳласангиз, уларнинг устига Маккани ўраб турган икки тоғни қоплаб қўяман», деди. «Йўқ. Мен Аллоҳ аzza ва жалла уларнинг зурриётларидан ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини умид қиламан», дедим»⁴⁷.

Ҳа, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватларининг илк йилларида кофирлардан турли озорлар кўрар, буларнинг барини ҳалимлик ва кечиримлилик билан қарши олар эдилар. Сўнгра Мадинада исломий давлат оёққа туриб, унинг ҳокимияти кенгайганидан кейин ҳам ҳалимлик Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ажралмас сифатларидан бири бўлиб қолаверди. Табиатан қўпол бўлган бадавий (сахройи араб)лардан бир киши келиб Расулуллоҳга сал дағал тарзда муомала қилса ва буни кўрган саҳобалар унинг таъзирини бериб қўйишга шайлансалар, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қайтариб, бундай қўполлик ва беодобликни юмшоқлик, раҳм-шафқат ва ҳалимлик билан қарши олардилар.

Анас разияллоҳу анҳу дейди: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлда кетаётган эдим. У зотнинг эгниларида ёқаси дағал нажроний тўн бор эди. Бир бадавий у зотга етиб олиб, тўнларидан қаттиқ тортди. Бўйинларига қарасам, қаттиқ тортиш оқибатида тўннинг ёқаси ботиб, изи билиниб қолибди. Сўнг у: “Эй Муҳаммад, буюр, ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан менга ҳам бериш-

⁴⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/312), Муслим (Нававий шарҳи, 12/154) ривояти.

син”, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўгирилиб қараб, жилмайиб қўйдилар. Кейин унга бирон нарса беришга амр этдилар”⁴⁸.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: “Аъробийлардан бири масжидда сийди. Одамлар унинг адабини бериш учун ўринларидан турди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Уни тўхтатманглар, ўз ҳолига қўйинглар. Бир челақ сув келтириб сийдиги устидан қуйиб юборинглар. Чунки сизлар қийинлаштиришга эмас, осонлаштиришга юборилгандирсиз»*, дедилар”⁴⁹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу деди: “Ҳунайн кунини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи кишиларни ғанимат тақсимида (қалбларини улфат қилиш мақсадида) ортиқ кўрдилар. Акраъ ибн Ҳобисга юзта туя бердилар. Уяйнага ҳам шунча бердилар. Яна бошқа одамларга ҳам бердилар. Бир киши: «Аллоҳга қасам, бу тақсим Аллоҳ учун бўлмади», деди. Шунда мен: «Бу гапингни албатта Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтаман», дедим. У зотнинг ҳузурларига келиб, бўлган гапни айтдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ Мусони раҳматига олсин, унга бундан-да кўп озорлар берилганида ҳам сабр қилган эди»*, дедилар”⁵⁰.

Бир яҳудий аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни заҳарламоқчи бўлди. Уни тутиб, ҳузурларига олиб келишди ва қатл этишга изн беришларини сўрашди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қатл қилиш у ёқда турсин, аёлни жазолашдан ҳам бош тортдилар. Бу воқеада айниқса Расулимизнинг саллаллоҳу алайҳи ва саллам нақадар ҳалимликлари яққол кўзга ташланади.

⁴⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/375), Муслим (Нававий шарҳи, 7/146) ривояти.

⁴⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/324) ривояти.

⁵⁰ Бухорий ривояти.

Анас ибн Молик разияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда: “Бир яҳудий аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга заҳарланган қўй гўшти олиб келди. У зот гўштан едилар. У аёлни ушлаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келишганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нима сабабдан бу ишни қилганини сўрадилар. Яҳудий аёл: «Сени ўлдиришни хоҳлаган эдим», деб жавоб қилди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ таоло сенга менинг устимдан бирон иш қилишингга асло йўл бермайди (ёки: мени ўлдиришингга имкон бермайди)!»* дедилар. Саҳобалар: «Уни ўлдиртирмайсизми?» деб сўрашганида: «Йўқ!» деб жавоб бердилар. Анас разияллоҳу анху эслашича, “Ҳали-ҳануз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилларида шу заҳардан қолиб кетган аломат билиниб қолар эди⁵¹”.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху деди: “Туфайл ибн Амр Давсий разияллоҳу анху Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллоҳ, Давс қабиласи итоат этмай бош тортди, уларни дуоибад қилинг», деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қиблага юзланиб, икки кўллари кўтардилар. Одамлар: «Давс ҳалок бўлди», дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ, Давс қабиласини ҳидоят эт ва (Мадинага муҳожир) қилиб келтир»*, деб уч мартаба такрорладилар⁵²”.

Саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг ҳалимликларига мисоллар

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху ўзига тўқ бой кишилардан эди. Мистаҳ исмли қариндоши бўлиб, унга доим эҳсон

⁵¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 5/230, Муслим (Нававий шарҳи, 14/187) ривояти.

⁵² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/196) ривояти.

қилиб турарди. Мунофиқлар Абу Бакр разияллоху анҳунинг кизи Ойша разияллоху анҳога тухмат қилишган “Ифк” воқеасига Мистаҳ ҳам аралшиб қолади. Абу Бакр разияллоху анху Мистаҳга бундан буён эҳсон қилмасликка қасам ичади. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни туширди: **“Динда фозил ва дунёда бой-бадавлат бўлганлар ўзларининг камбағал қариндошлари, муҳтожлар ва Аллоҳ йўлидаги муҳожирлардан алоқаларини узишга ва улар қилган гуноҳ сабабли уларга бераётган нафақаларини тўхтатиб қўйишга қасам ичмасинлар. Ёмонликларини кечирсинлар ва уларни жазоламасинлар. Аллоҳ сизларни кечиришини истамайсизларми?”** (Нур, 22). Абу Бакр Сиддиқ разияллоху анху: “Аллоҳ гуноҳларимизни кечиришини истаймиз, албатта”, деб қариндоши Мистаҳга эҳсонини давом эттирди”⁵³.

Ибн Аббос разияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Уяйна ибн Ҳисн Мадинага келиб, жияни Хур ибн Қайсининг уйига тушди. Хур Умар разияллоху анху ўзига яқин оладиган кишилардан эди. Зотан Умарнинг мажлислари ва кенгашларида асосан қорилар иштирок этар, бунда уларнинг ёшлари орасидаги фарқ эътиборга олинмас эди. Уяйна жиянига: “Эй жиян, сенинг амирга яқинлигинг бор экан, унинг хузурига киришимга изн сўрай оласанми?”, деди. Хур Уяйна учун изн сўраган эди, Умар разияллоху анху унинг киришига изн берди. Уяйна Умар хузурига кира солиб: “Ҳой Ибн Хаттоб, қасамки, сен бизни мўл-кўл бойликлар билан сийламаяпсан, бизга адолат билан ҳукм қилмаяпсан”, деди. Умар ғазабланиб, унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлганида Хур унга: “Эй мўминлар амири, Аллоҳ таоло пайғамбарига: **“Кечиримли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жохиллардан юз ўгиринг!”** (Аъроф: 199) деган. Бу ҳам

⁵³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/455), Муслим (Нававий шарҳи, 17/113) ривояти.

ўшандай жоҳиллардан”, деди. Аллоҳга қасамки, Умар ушбу оятни эшитиб таққа тўхтади. Чунки мўминлар амири эшитган оятларига дарҳол амал қилувчи эди”⁵⁴.



⁵⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/305) ривояти.

Учинчи сифат

ТАҶАЖЖУДГА ТУРИШ

“Улар кечалари Раббиларига ихлос билан, сажда ва қиёмларда хокисорлик билан туриб, кўп намоз ўқийдиган кишилардир” (Фурқон, 64).

Аллоҳнинг суюкли бандалари, кечани ибодат билан ўтказадилар. Одамлар ухлаб ётганида улар бедор бўладилар. Одамларни ғафлат босганида улар огоҳ турадилар. Чунки улар Аллоҳ таолони яхши кўриш даъволарида содиқ ва самимийдирлар. Шу боис ҳам Унга муножот қилишда лаззат топадилар.

Шоир айтганидек:

“Кўзингни уйқуга кетишдан ман қил,
Кўз ёшинг ёноқдан оқсин шашқатор.

Вафот этиб ҳисоб беришингни бил,
Аллоҳ ғазабига қолмагин зинҳор.

Холиқни чин дилдан севганди бир эл,
Рози бўлиб, Ўзига этди хизматкор.

Тунлари уйқудан кечиб, хастадил
Сажда ва қиёмда турдилар такрор.

Очликдан озиб чўп бўлса-да бу эл
Ҳалолдан бошқасин емаслар зинҳор”.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхумо деди: “Ким хуфтон намозидан сўнг икки ракаат ёки ундан кўпроқ намоз ўқиса, кечани Аллоҳ учун сажда ва қиёмда бедор ўтказган бўлади”⁵⁵.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларда мўмин бандаларини кечалари намоз ўқиш сифати билан васф этган:

“Улар тунлари жуда кам ухлар, Раббиларига ибодат қилиб, намоз ўқир, саҳар пайтларида Аллоҳга истиғфор айтар эдилар” (Зориёт, 17-18);

“Уларнинг ёнбошлари ётоқларидан узоқ бўлади. Кечалари таҳажжуд намозларида туриб, азобдан қўрқиб, савобни умид қилиб, Раббиларига дуо-илтижолар қиладилар. Биз ато этган мол-мулкдан Аллоҳнинг йўлида сарф қиладилар. Ҳеч бир жон Аллоҳ таоло мўминларнинг солиҳ амалларига мукофот ўлароқ ҳозирлаб қўйган, кўзларга қувонч бахш этиб, кўнгилларни яшнатадиган мукофотларни билмайди” (Сажда, 16-17).

Таҳажжудга туришнинг фазилати ҳақида келган ҳадислар

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анхумодан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Эй Абдуллоҳ, фалончига ўхшаб қолмагин тағин. Кечалари туриб намоз ўқир эди, ўқимай қўйди”*, деганлар⁵⁶.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида кечаси намоз ўқимай, то тонг отгунча ухлайдиган киши ҳақида

⁵⁵ «Тафсир ал-Қуртубий», 13/72.

⁵⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/37), Муслим (Нававий шарҳи, 8/44) ривояти.

гап борганида у зот: «У икки қулоғига (ёки бир қулоғига) шайтон сийиб кетган кишидир», дедилар⁵⁷».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Одам ухлаб ётган пайтида шайтон унинг боши орқасига учта тугун тугиб қўяди. Ҳар бир тугунга: «Ҳали олдинда узун кеча бор, ухлайвер», деб уриб қўяди. Киши уйғониб Аллоҳни эсласа (зикр қилса), битта тугун ечилади. Таҳорат олса, яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса, учинчиси ҳам (яъни барчаси) ечилади ва тетик, қалби тоза ҳолатда тонг оттиради. Йўқса, ланж, танбал ва дили хира ҳолатда тонг оттиради”⁵⁸.

Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “Эй инсонлар, саломни ёйинглар, таом едиринглар ва тунда одамлар ухлаётган пайт намоз ўқинглар, жаннатга саломат кирасизлар”⁵⁹.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Рамазон ойидан кейин рўза тутиш энг фазилатли бўлган ой Аллоҳнинг муҳаррам ойидир. Фарз намозлардан кейин энг фазилатли намоз эса таҳажжуд намозидир”⁶⁰.

Жобир разияллоҳу анҳу айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Энг афзал намоз қайси?” деб сўрашганида, “Қиёмда кўп турилгани”, деб жавоб берганлар⁶¹.

Яна бир ҳадисда келишича, Жобир разияллоҳу анҳу: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Кечада

⁵⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/335), Муслим (Нававий шарҳи, 6/63) ривояти.

⁵⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/335, 3/224), Муслим (Нававий шарҳи, 6/65) ривояти.

⁵⁹ Термизий ривояти, 4/65.

⁶⁰ Муслим (Нававий шарҳи, 8/54) ривояти.

⁶¹ Муслим (Нававий шарҳи, 6/35) ривояти.

бир соат бор, муслмон киши шу соатни Аллоҳга дуо-илтижо қилиб, дунё ва охираат яхшилигини сўраган ҳолда топса, албатта, Аллоҳ унинг сўровини беради. Бу эса ҳар кечада-дир», деганларини эшитдим», деган⁶².

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга кўра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Кечаси туриб намоз ўқиган, аёлини ҳам намоз ўқишга уйғотган, агар уйқу зўрлик қилиб уйғонмаса, юзига сув сепган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Кечаси туриб намоз ўқиган, эрини ҳам намоз ўқиш учун уйғотган, агар уйқу зўрлик қилиб уйғонмаса, юзига сув сепган аёлга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”⁶³.*

Абу Саид разияллоҳу анҳумодан қилинган ривоятда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Киши кечаси туриб аёлини уйғотса ва эр-хотин жамоат бўлиб ёки алоҳида-алоҳида намоз ўқишса, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркак ва аёллар қаторига ёзиб қўйилади”⁶⁴.*

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Жаннатда ичидан таши ва ташидан ичи кўриниб турадиган хоналар бор”,* дедилар. Абу Молик Ашъарий: *“У хоналар кимлар учун, эй Расулуллоҳ?”* деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сўзини ширин қилган, таом улашган ва кечаси одамлар ухлаган пайт намозда қоим бўлган кишилар учун”,* деб жавоб бердилар⁶⁵.

Муғийра ибн Шўъба разияллоҳу анҳу айтади: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечалари қиёмда узоқ турганларидан оёқлари шишиб кетар эди. У зотга: «Аллоҳ*

⁶² Муслим (Нававий шарҳи, 6/35) ривояти.

⁶³ Абу Довуд (2/33) саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

⁶⁴ Абу Довуд (2/33) саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

⁶⁵ Табароний «Кабир»да саҳиҳ санад билан ривоят қилган. Мунзирий “Тарғиб”да (2/24) шундай деган, Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (2/254) ҳасан санаган.

таоло сизнинг ўтган ва келгуси гуноҳларингизни кечирган-ку ахир», дейилганида: «*Шукр қилувчи банда бўлмайинми?*» деб жавоб бердилар⁶⁶.

Абу Умома Боҳилий разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “*Кечалари намоз ўқишга одатланинг, чунки у сиздан олдин ўтган солиҳларнинг одати ҳамда Раббингизга сизни яқинлаштирувчи, ёмонликларга каффорат ва гуноҳдан тўсувчидир*”⁶⁷.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга кўра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “*Таҳажжуд намозининг кундузидаги нафл намоздан афзаллиги махфий қилинган садақанинг ошкор қилинган садақадан афзаллиги кабидир*”⁶⁸.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳумо деди: “*Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад, хоҳлаганингизча яшанг, барибир вафот этасиз, хоҳлаган амални қилинг, у ҳақда албатта сўраласиз, хоҳлаган кишингизни яхши кўринг, барибир ундан ажраласиз. Билинги, мўмин кишининг шарафи таҳажжуд намозини ўқиши, азизлиги эса инсонлардан беҳожат бўлишидир», деди*”⁶⁹.

Амр ибн Абаса разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини эшитган: “*Аллоҳ таоло бандага энг яқин бўладиган вақт кечанинг охирги қисмидадир. Қодир бўлсанг, ўша вақтда Аллоҳни кўп зикр қил*”⁷⁰.

⁶⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/14), Муслим (Нававий шарҳи, 17/162) ривояти.

⁶⁷ Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (2/251) айтишича, Табароний «Кабир» ва «Авсат»да ривоят қилган.

⁶⁸ Мунзирий «Тарғиб»да (2/28) айтишича, Табароний «Кабир»да ҳасан санад билан ривоят қилган.

⁶⁹ Мунзирий «Тарғиб»да (2/29) айтишича, Табароний «Авсат»да ҳасан санад билан ривоят қилган.

⁷⁰ Термизий ривоят қилиб: «ҳасан саҳиҳ ғариб» деган.

Абу Дардо разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Уч тоифа кишини Аллоҳ яхши кўради, уларга кулиб боқади ва улардан хурсанд бўлади. Биринчиси — Аллоҳ йўлидаги жангда сафдошлари енгиләётган бўлса ҳам ўзи собит туриб, то қатл қилингунича ёки Аллоҳ нусрат бериб душмандан ғолиб бўлгунича Аллоҳ учун жанг қилишида давом этган кишидир. Аллоҳ аза ва жалла: «Жонини Мен учун бағишлаган бу бандамни кўриб қўйинглар!» деб айтади. Иккинчиси — кўркам хотини ва юмшоқ тўшаги бўлса-да, кечаси туриб таҳажжуд намозини ўқиган киши. Аллоҳ таоло: «Шаҳватини четга қўйиб Мени зикр қиланти, хоҳласа ухлар эди», дейди. Учинчиси — ҳамроҳлари билан сафарга чиққан, юра-юра чарчаб кечаси барча ҳамроҳлари ухлаб қолганида туриб намоз ўқиган ва қувончу ташвишида Парвардигорига дуо-илтижолар қилган кишидир”⁷¹.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо хабар беришича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Икки кишига ҳавас қилса бўлади: биринчиси — Аллоҳ таоло унга Куръонни (таълим) берган ва у кечаю кундуз уни ўрганиб ўргатади ва намозларда тиловат қилади; иккинчиси — Аллоҳ таоло унга мол-дунё берган ва у кечаю кундуз уни инфоқ қилади”⁷².

Язид ибн Ахнас разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Икки кишига ҳавас қилса бўлади: бири — Аллоҳ таоло унга Куръонни таълим берган ва у кечаю кундуз уни ўқиб амал қилиб юради. Шу кишига ҳавас қилиб: “Аллоҳ фалончига берганидек менга ҳам берганида, мен ҳам у қилган ишларни қоим қилар эдим”, деб орзу қилса бўлади; иккинчиси — Аллоҳ таоло мол-дунё берган киши ва у мол-дунёсидан инфоқ-эҳсон ва

⁷¹ Мунзирий «Тарғиб»да (2/33) айтишича, Табароний «Кабир»да ҳасан санад билан ривоят қилган.

⁷² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 9/83) ривояти.

садақалар қилиб юрадиган кишига ҳам (Аллоҳ фалончига берганидек менга ҳам берганида эди, мен ҳам у қилган ишларни қилар эдим, деб) орзу-ҳавас қилса бўлади»⁷³.

Фазола ибн Убайд ва Тамим Дорий разияллоҳу анхумодан ривоят бўлган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ким кечасида ўн оят ўқиса, бир қинтор миқдорича савоб ёзиб қўйилади. Бир қинтор эса дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир. Қиёмат кунда Парвардигоринг азза ва жалла айтади: «Ўқи ва кўтарилавер, ҳар бир оят учун бир даража бор». Банда то ўзидаги оятларнинг охиргисига етгунича кўтарилади. Аллоҳ таоло бандага: «Кўлингга ол», дейди. Банда қўли билан ишора қилган ҳолда: «Эй Раббим, Ўзинг билувчисан», дейди. Аллоҳ азза ва жалла: «Бу қўлинг билан абдийликни, униси билан роҳатни ол», дейди»⁷⁴.*

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумо деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик чоғларида бирор киши туш кўрса, уни у зотга айтиб берарди. Мен ҳам, қани эди бир туш кўрсам-у, уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берсам, деб орзу қилар эдим. Ўзим ҳали уйланмаган ёш йигит бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида ухлар эдим. Бир кун и туш кўрдим. Тушимда икки фаришта мени ушлаб дўзахга олиб боришди. Қарасам, дўзах қудуқ каби атрофи ўралган ва қудуқнинг устун икки устун бор экан. Дўзахда ўзим танийдиган одамларни ҳам кўрдим. Шунда: «Эй Аллоҳ, мени дўзах ўтидан асра! Эй Аллоҳ, мени дўзах ўтидан асра! Эй Аллоҳ, мени дўзах ўтидан асрагин!» деб Аллоҳга қайта-қайта илтижо қилдим. Бир фаришта келиб: «Кўрқма», деди. Кўрган тушимни Ҳафсага айтиб бердим. У Расу-

⁷³ Мунзирий «Тарғиб»да (2/36) айтишича, Табароний «Кабир»да ривоят қилган, ровийлари ишончли машҳур кишилардир.

⁷⁴ Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (2/267) айтишича, Табароний «Кабир» ва «Авсат»да ривоят қилган. Ҳасан ҳадис.

луллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берган экан, у зот саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар тунда намоз ўқиса, Абдуллоҳ қандай ҳам яхши одам бўларди-я!” дебдилар. Солим айтади: “Абдуллоҳ мана шундан кейин тунда озгина ухлайдиган бўлди”⁷⁵.

Таҳажжуд намозининг фазилати ҳақида келган ривоятлар

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Тунги намоз машаққати ва мол-дунёни садақа қилишдан кўра оғирроқ амални кўрмадик”, деди. Шунда: “Нима сабаб таҳажжуд намозини ўқийдиган кишиларнинг юзлари жуда нузли бўлади?” деб сўрашди. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Чунки улар Раббилари билан холи қолиб илтижолар қиладилар, ажабмас Парвардигорлари Ўз нуридан устларига ёғдирган бўлса!” деб жавоб қилди.

Яна у киши раҳимаҳуллоҳ деди: “Киши гуноҳ қилади, натижада таҳажжудга туришдан маҳрум бўлади”.

Фузайл ибн Йез раҳимаҳуллоҳ деди: “Кечаси таҳажжудга тура олмайётган, кундузи эса рўза тута олмайётган бўлсанг, билгин, сен маҳрумсан — гуноҳларинг кўпайиб кетган”.

Ривоят қилинишича, Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ таҳажжуд намозида Аллоҳ таолонинг **“Ёки ёмонликлар қилган кимсалар Биз уларни Аллоҳга иймон келтирган ва яхши амаллар қилган кишилар каби қилишимизни гумон қилдиларми?”** (Жосия, 21) оятини такрорлаб бутун кечани ўтказар эди”.

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтади: “Бир куни Қуръон ва таҳажжуддаги кундалик вазифамни ўқишдан

⁷⁵ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/6), Муслим (Нававий шарҳи, 16/38) ривояти.

чалғиб ухлаб қолибман. Шу кеча туш кўрдим. Тушимда ўта чиройли бир канизак қўлида нимадир ёзилган қоғоз ушлаб турибди. Мендан: «Ўқишни истайсанми?» деб сўради. Мен: «Ҳа, истайман», деган эдим, битикни менга узатди. Ўқисам, ушбулар ёзилган экан: «Сени дунё лаззатлари чалғитдими жаннатдаги оқ бадан ҳурлардан. Жаннатда ўлим йўқ боқий яшарсан, кўнгилхушликка ҳозирдир ул соҳибжамол. Тур уй-қунгдан уйғон, зеро уйқудан яхшидир таҳажжуд ила Қуръон».

Кечалари таҳажжудда қоимлиги билан танилган Азҳар ибн Муғисдан ривоят қилинади: “Тушимда дунёдаги аёлларга ўхшамайдиган аёлни кўрдим. Ундан: «Сен кимсан?» деб сўрадим. «Хурларданман», деб жавоб берди. «Менга турмушга чиқ», дедим. «Менга уйланмоқчи бўлсанг, Хожамга совчи қўйиб, маҳримни бер», деди. «Маҳринг нима?» деган эдим, «Таҳажжуд намозини узоқ ўқиш», деб жавоб берди”.

Таҳажжудга туришни енгиллатувчи омиллар

Мусулмон биродарим, тўғри, таҳажжудга туриш нафсга энг оғир келадиган ибодатлардан, лекин кимга Аллоҳ енгил қилиб қўйса, қийинлиги қолмайди. Таҳажжудга туришни енгиллатувчи бир қанча омиллар бор, киши агар шуларга риоя этса, кечаси туриб намоз ўқишга муяссар бўлади, иншааллоҳ. Улар икки хил — бири зоҳирий ва яна бири ботиний ишлардир.

Зоҳирий ишлар:

- 1) кўп еб-ичмаслик, чунки одам кўп еса, уни уйқу босади, натижада кечаси туриши қийинлашади. Бекорга айтилмаган: “Кўп есанг, кўп ичасан, кўп еб-ичсанг, кўп ухлайсан, кўп ухласанг, кўп йўқотасан”;

- 2) кундузида тинкани қуритиб, асабни толиқтирадиган ишлар билан баданни чарчатмаслик, чунки бу ҳам уйқуни келтиради;
- 3) кечаси туришга ёрдам бўлсин учун кундузида бир оз бўлса-да қайлула (кундузги уйқу) қилиш;
- 4) гуноҳ қилишдан тийилиш, чунки гуноҳ қалбни қотириб, қалбни раҳмат сабабларидан тўсиб қўяди.

Бир киши Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан: “Эй Абу Саид, мен касалмасман, соғломман, кечаси таҳажжудга туришни хоҳлайман, шунга яраша ҳозирлигимни олиб ётаман, лекин тура олмайман, сабаби нимада?” деб сўради. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Сени гуноҳларинг кишанлаб қўйибди”, деб жавоб берди.

Ботиний ишлар:

- 1) мусулмонларга кек сақлашдан, бидъат-хурофотлардан ҳамда дунёга керагидан ортиқ ғам-ташвиш қилишдан қалбни саломат сақлаш;
- 2) қалбда орзу-ҳавасни озайтириб, хавфни кўпайтириш, чунки инсон охират даҳшати ва жаҳаннам азоби ҳақида фикр юритса, уйқуси қочиб, хушёрлиги ортади. Шоир айтганидек (шеър мазмуни):

“Қуръондаги ажру савоб ва азоб ҳақидаги хабарлар кўзни тундаги уйқудан тўсди. Аллоҳнинг каломини фаҳмлаган оқиллар ибодат билан бўйнини эгди”.

Яна:

“Тунлари нафсни чарчатиб ибодат қилдилар,
Тонг уларни рукуъдалиқ ҳолида топди.
Аллоҳдан қўрқув кўзларидан уйқуни қочирди,
Улар қоим эдилар, дунё аҳли эса ғафлатда ётди”;

- 3) таҳажжуд намозининг фазилатини Қуръон оятлари, ҳадислар ва шу ҳақда келган ривоятлардан ўқиб ўрга-

ниш, чунки кечасини намоз билан бедор ўтказиш (қиёмул лайл)нинг фазлини билиш кишини амалга ундайди ҳамда унинг машаққатини осонлатади;

- 4) Аллоҳ ҳузурида туриш ва Унга илтижо қилиш ҳаловатини эслаш. Бу ҳаловат ва лаззатни Аллоҳ таолони чин юракдан яхши кўрган ва расулига чинакам эргашган кишигина ҳис қила олади.

“Айтинг, эй Пайғамбар: “Агар Аллоҳни чиндан яхши кўрсанглар, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингизни кечиради” (Оли Имрон, 31).

ДЎЗАХДАН ҚЎРҚИШ

“Улар жаҳаннам азобидан нажот беришини илтижо этиб Аллоҳга дуо қиладилар. Зеро, жаҳаннам азоби дўзахийлардан ҳеч қачон ажралмайди. Албатта, жаҳаннам энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон ўриндир” (Фурқон, 65).

Ушбу оятни Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ: “Улар шу қадар жидду жаҳд билан ибодат қилишларига қарамасдан, Аллоҳнинг азобидан қўрқадилар”⁷⁶, деб тафсир қилган.

Аслида, бу — тоат-ибодатда жидду жаҳд қилиш билан бирга Аллоҳ азза ва жалланинг азобидан қўрқиш барча мўмин-мусулмоннинг сифати бўлиши керак. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: **“Улар Аллоҳнинг азобидан қўрқувчи кишилардир. Албатта, Раббиларининг азобидан ҳеч ким хотиржам бўла олмайди”** (Маориж, 27-28).

Аллоҳ таоло мана бундай деб турганидан кейин улар Унинг азобидан қандай ҳам қўрқишмасин:

“Эй мўминлар, сизлар ўзингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлардан иборат дўзахдан сақланг. У дўзах устида куч-қувватли, раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва фақат ўзларига буюрилган ишни бажарадиган малоикалар турадилар” (Таҳрим, 6);

⁷⁶ «Тафсир Қуртубий», 13/72.

“Эй Пайғамбар, айтинг, ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат кунда ўзларини ва аҳли оилаларини бой берган кишилардир. Огоҳ бўлинг, ана шу очик-ойдин кўришиб турган зиёнدير. Улар учун жаҳаннамда устларидан соябон шаклидаги олов парчалари, остларида ҳам айни шундай кўринишдаги оловли тўшамалар бўлади. Бу азоб-уқубат билан Аллоҳ таоло бандаларини қўрқитаётганининг сабаби — улар ундан ҳазир бўлсинлар. Эй бандаларим, Мендан қўрқинглар!” (Зумар, 15-16).

Табиийки, дўзах азобидан қўрқиш кишининг қалбига ўзидан-ўзи жойлашиб қолмайди, уни тасаввур қилиб хаёлга келтириш лозим. Дўзах ҳақида келган хабарларни билиш, ўрганиш уни тасаввур қилишни осонлаштиради. Шундан келиб чиқиб дўзах васфи ҳақидаги айрим хабарларни бу ўринда келтириб ўтамиз. Аллоҳ барчамизни Ўзининг фазли-марҳамати билан дўзах ўтидан сақласин.

Дўзахнинг эшиклари

Аллоҳ таоло деди: **“Унинг еттита эшиги бўлиб, ҳар бир эшик учун одамлардан ўз улуши бор”** (Ҳижр, 44).

Уқба ибн Абд ас-Суламий разияллоҳу анҳу бундай дейди: **“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатнинг саккизта, дўзахнинг еттита эшиги бор», деганларини эшитганман»⁷⁷.**

Дўзах ўтининг ўта иссиқлиги

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Ёқаётган бу оловингиз дўзах ҳароратининг етмишдан бир бўла-**

⁷⁷ Аҳмад ривояти. Албоний “Ас-силсила ас-саҳиҳа”да (1812) саҳиҳ деган.

гидир”. Саҳобалар: “Аллоҳга қасам, шунинг ўзи бўлганида ҳам етарди”, дейишди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дўзахдаги ўтга яна олтмиш тўққиз баробар зиёда қилинган, ҳар бири ўшанча иссиқликдадир”, дедилар⁷⁸.

Дўзахнинг ранги

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: “Дўзахга минг йил ўт ёқилди. У қип-қизил бўлди. Сўнг унга яна минг йил ўт ёқилди. У оппоқ бўлди. Сўнг унга яна минг йил ўт ёқилди. У қоп-қора бўлди. Дўзах зулматли тундек қоп-қорадир”⁷⁹.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Дўзах оловини мана бу оловингиз каби қизил деб ўйлаясизми? У қора сақичдан ҳам қорароқдир”⁸⁰.

Дўзахнинг чуқурлиги

Холид ибн Умайр айтишича, Утба ибн Ғазвон разияллоҳу анҳу хутба қилатуриб бундай деган: “Бизларга айтилишича, дўзах лабидан бир тошни ташлаб юборилади ва у етмиш йилда ҳам унинг қаърига етмайди. Аллоҳга қасам, ўша дўзах инсонлар билан тўлдирилади, бундан ажабланияпсизларми?”⁸¹.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ деди: “Умар разияллоҳу анҳу бундай дер эди: «Дўзахни кўп-кўп эслаб туринглар, унинг ҳарорати ўта иссиқ, қаъри тубсиз чуқур ва гурзилари темирдир»»⁸².

⁷⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/330), Муслим (Нававий шарҳи, 17/179) ривояти.

⁷⁹ Термизий (4/111) ривояти, ҳасан ҳадис.

⁸⁰ Имом Молик «Муваддо»да (2/994) саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

⁸¹ Муслим (Нававий шарҳи, 18/102) ривояти.

⁸² Термизий (4/104) ҳасан санад билан ривоят қилган.

Дўзахнинг занжир ва кишанлари

Аллоҳ таоло деди: **“Биз кофирлар учун оёқларига боғланадиган кишанлар, қўлларини бўйинларига тортиб боғлаб қўядиган занжирлар ҳамда уларни ёндириб-куйдирадиган дўзах ўтини ҳозирлаб қўйганмиз”** (Инсон, 4).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо айтади, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Агар мана шу бош суягича тош осмондан ерга ташланса, бунинг масофаси беш юз йиллик йўлдир, кеч киришдан олдин ерга етади. Агар уни (тош бўлагини) жаҳаннам занжирларининг бошидан ташланса, унинг аслига ёки жаҳаннам қаърига етгунча қирқ йил кечаю кундуз тушади”⁸³.*

Дўзах аҳлининг ичимлиги

Аллоҳ таоло деди: **“Ҳар қандай мутакаббир ҳалок бўлди. Унинг қаршисида жаҳаннам бордир. У жаҳаннам азоби-га дучор бўлади, у ерда унга сув ўрнига дўзах аҳлининг жасадларидан чиқаётган қон ва йиринглар берилади. Ўша мутакаббир дўзахиларнинг баданидан оқаётган қон, йиринг ва бошқа нарсаларни ютишга зўр бериб уринади, бироқ ўта жирканч, қайноқ ва аччиқ бўлганидан уларни томоғидан ўта қийинлик билан зўрға ўтказади. Бас, унинг ичакларини тилка-пора қилиб юборади. Унга жасадининг ҳар бир аъзосидан ҳар турли қаттиқ азоб келади, бироқ у ўлиб қутула олмайди. Мана шунча азобдан кейин унга яна бошқа, бундан-да қаттиқроқ азоблар бордир”** (Иброҳим, 15-17).

⁸³ Термизий (4/109) ривоят қилиб: «санади ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган.

Дўзах аҳлининг таомлари

Аллоҳ таоло деди:

“Дўзах аҳли учун тиканли, бадбўй “зарё” ўсимлигидан ўзга егулик йўқдир. Еган кишини семиртirmайди, очликни ундан даф ҳам қилмайди” (Ғошия, 6-7);

“Албатта, жаҳаннамнинг тубидан ўсиб чиқадиган заққум дарахти гуноҳ қилувчи кишиларнинг таомидир. У заққум эритилган темирдек мушрикларнинг қоринларида худди қайноқ сувнинг қайнаши каби қайнайди” (Духон, 43-46).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхумо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Агар заққумдан бир томчиси бу дунёга томиб кетса, дунё аҳлининг ҳаётини бузиб юборади. Энди таоми заққум бўлган кишининг ҳоли қандай бўларкин?!”*⁸⁴.

Дўзахийлар жасадларининг дағал ва хунук бўлиши

Аллоҳ таоло деди: “Кимнинг яхши амаллари тарозида енгил келиб, ёмонликлари оғир босса, ана ўшалар зиён кўрган ва ўзларини бой берган кимсалар бўлиб, жаҳаннам ўтида абадий қоладилар. Жаҳаннам олови уларнинг юзларини кўйдириб ташлайди. Уларнинг юзлари буришиб, лаблари жизғанақ бўлиб, тишлари кўришиб қолади” (Мўъминун, 103-104).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:

⁸⁴ Термизий (4/107) ривоят қилиб: «ҳасан, саҳиҳ» деган.

“Дўзахдаги кофирнинг озиқ тиши Уҳуд тоғичалик катта, терисининг қалинлиги эса уч кунлик йўл қадар бўлади”⁸⁵.

Абу Хурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Жаҳаннамдаги кофир терисининг қалинлиги қирқ икки зироф, озиқ тиши Уҳуд тоғича улкан, жаҳаннамдаги ўтирадиган жойи эса Макка билан Мадина оралиғичадир”⁸⁶.*

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаҳаннам олови уларнинг юзларини кўйдириб бадбашара бўлиб қоладилар”** (Мўминун, 104) оятини ўқиб, кофирлар дўзахда кўйдирилганида уларнинг юқори лаблари ғужанак бўлиб бошининг тепасигача, пастки лаблари эса киндигигача осилиб тушади”, дедилар⁸⁷.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо Мужоҳид раҳимахуллоҳдан: “Жаҳаннам кенглиги қанча эканини биласанми?” деб сўради. Мужоҳид: “Йўқ, билмайман”, деб жавоб қилди. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо: “Ҳа, шундай, билмайсан, Аллоҳга қасам, билмайсан... Кофирларнинг қулоқ юмшоғи билан елкасининг ораси етмиш йиллик йўл масофасида бўлиб, ундан йиринг ва қон сойлари оқиб туради”, деди⁸⁸.

Дўзахийларнинг азоби энг енгили

Нўмон ибн Башир разияллоҳу анҳумо деди: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Дўзах аҳли ичи-*

⁸⁵ Муслим (Нававий шарҳи, 17/186), Термизий (4/104) ривояти.

⁸⁶ Термизий (4/105) ривоят қилиб: «ҳасан, ғариб, саҳиҳ» деган.

⁸⁷ Термизий (4/109) ривоят қилиб: «ҳасан, ғариб, саҳиҳ» деган.

⁸⁸ Мунзирий «Тарғиб»да (6/261) айтишича, Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

да азоби энг енгил бўлгани — қадамнинг ерга тегмайдиган қисмига чўғ қўйилиб, шу билан унинг мияси қайнаб турадиган кишидир», деганларини эшитдим”⁸⁹.

Дўзахдаги азоб даражаси фарқли экани

Самура ибн Жундуб разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Дўзах ўти айримларнинг тўпиғигача, айримларнинг тиззасигача, айримларнинг белигача, айримларнинг бўйнигача ва айримларнинг бўғзигача етади”⁹⁰.

Дўзахга бир ботириб олиш дунё роҳатларини унуттириб юбориши

Аллоҳ таоло деди: “**Кофирларга Аллоҳнинг азобидан бир улуш етиб қолса, тамом, улар: «Ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар ўз жонимизга зулм қилувчи бўлдик», деб қоладилар**” (Анбиё, 46).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Дўзах аҳлидан бўлган, дунёда роҳат-фароғатда яшаган киши олиб келиниб дўзахга бир ботириб олинади-да: «Эй одам боласи, ҳаётингда бирон яхшилик кўрдингми? Сенга бирон неъмат берилган эканми?» деб айтилади унга. У: «Аллоҳга қасам, йўқ, эй Раббим», дейди. Кейин жаннат аҳлидан бўлган, дунёда қаттиқ машаққатлар кўрган киши олиб

⁸⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/417), Муслим (Нававий шарҳи, 3/85) ривояти.

⁹⁰ Муслим (Нававий шарҳи, 17/180) ривояти.

келиниб уни бир марта жаннатга ботириб олинади-да: “Эй одам боласи, ҳаётингда бирон машаққат кўрдингми? Бошингга бирон бир қийинчилик тушганмиди?» деб сўралади. У: «Йўқ, Аллоҳга қасам, эй Раббим, бирон-бир машаққат кўрмадим ва бошимга ҳам бирон қийинчилик тушмади», дейди»⁹¹.

Дўзах аҳлининг йиғи-сиғиси ва дод-фарёди

Аллоҳ таоло деди: “Аллоҳ ва расулига кофир бўлган кимсалар учун алангали жаҳаннам азоби бордир. Улар на ўлишга ҳукм қилиниб ўлиб-қутулиб кетурлар ва на улардан дўзахнинг азоби енгиллатилур. Биз ҳар бир кофирни ана шундай жазолаймиз. Ўша кофирлар жаҳаннамда азобнинг шиддатидан дод-фарёд қилиб: «Эй Раббимиз, бизни жаҳаннамдан чиқар ва дунёга қайтар. Дунё ҳаётимизда қилиб ўтган ишларимиздан бошқа яхши амалларни қиламиз», дейдилар. Шунда Аллоҳ уларга: «Биз сизларга ҳаётда ибрат олишга етгудек узун умр бермаганмидик? Сизларга огоҳлантирувчи пайғамбар ҳам келган эди. Энди жаҳаннам азобини тотинглар. Золимлар учун Аллоҳнинг азобидан қутқариб қоладиган бирон ёрдамчи йўқдир», дейди” (Фотир, 36-37).

Абдуллоҳ ибн Қайс разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Дўзах аҳли йиғлайди, йиғлаганда ҳам кўз ёшларида кемалар сузадиган даражада йиғлайди! Улар қон йиғлайди!”⁹².

⁹¹ Муслим (Нававий шарҳи, 17/149) ривояти.

⁹² Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ деган. Заҳабий ҳам тасдиқлаган. Албоний “Ас-силсила ас-саҳиҳа”да (1679) Бухорий ва Муслим шартларига кўра саҳиҳ деган.

Дўзахга юбориладиган қавмлар

Аллоҳ таоло деди: “Истаганимизда эди, Аллоҳга ширк келтирувчи ўша мушрикларга ҳам рушду ҳидоятларни бериб қўйган ва уларни иймонга муваффақ қилган бўлар эдик. Лекин Мен айтган, инсу жинлардан иборат куфр аҳли билан жаҳаннамни албатта тўлдирурман, деган сўз ҳақ ва вожиб бўлгандир” (Сажда, 13).

Абу Саид Худрий разияллоҳу анху ривоятида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Аллоҳ таоло хитоб қилди: «Эй Одам!» Одам алайҳиссалом: «Лаббай, эй Раббим, ҳамма яхшиликлар Сенинг қўлингдандир», деди. «Дўзахга юборилувчиларни ажратиб чиқар!» «Дўзахга юборилувчилар кимлар?» (деб сўради Одам). Аллоҳ таоло: «Ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси жаҳаннамга, биттаси жаннатга!» деди. Бу ҳодиса даҳшатнинг зўридан ёш боланинг сочи оқариб кетадиган, ҳомиладор аёл кўрқувдан ҳомиласини ташлаб қўядиган бир кунда бўлади. Ўшанда одамларни маст-аласт ҳолда кўрасиз. Ҳолбуки, улар маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир”. Бу гап саҳобаларни жуда қийин аҳволга солиб қўйди. Улар: “Эй Расулуллоҳ, қайси биримиз ўша бир киши?” деб сўрашди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Хурсанд бўлинглар! Тўққиз юз тўқсон тўққизтаси яъжуж ва маъжуждан, бир киши эса сизлардан!” дедилар. Сўнг давом этдилар: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, умид қиламан, сизлар жаннат аҳлининг учдан бири бўласизлар”. Биз Аллоҳга ҳамду сано ва такбирлар айтдик. Сўнг яна дедилар: “Жоним қўлида бўлган Аллоҳга қасам, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўласизлар деб умид қиламан. Сизларнинг ўтган умматлар ичидаги мисолингиз қора ҳўкиз терисидаги оқ тук ёки эшак оёғидаги майда холга ўхшайди”⁹³.

⁹³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/338), Муслим (Нававий шарҳи, 3/97) ривояти.

Қиёмат кунида дўзахнинг гапириши

Аллоҳ таоло деди: **“Қиёмат кунида Биз жаҳаннамга: «Тўлдингми?» деганимизда, жаҳаннам: «Яна қўшимча борми?» деб сўрайди»** (Қоф, 30).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Қиёмат куни дўзахдан кўрадиган икки кўзи, эшитадиган икки қулоғи ва гапирадиган тили бўлган бўйин (шаклидаги аланга) чиқиб дейди: «Мен уч тоифа кимсага вакил қилиндим (яъни, шу уч тоифани дўзахга киритиб азоблашга Аллоҳ менга ваколат берди): ҳар бир зўравон мутакаббир-қайсар кимсага, Аллоҳга бошқа илоҳларни шерик қилган кимсага ва мусаввирларга”⁹⁴.*

Дўзах аҳлининг кийими

Аллоҳ таоло деди:

“Мана бу икки гуруҳ (яъни иймон аҳли билан куфр аҳли) **Раббилари ҳақида талашиб-тортишди. Азоб кофирларни оловдан қилинган кийим кўринишида ўраб олади, эгниларидаги бу оловли кийим уларнинг баданларини пишириб қўяди. Бошларидан ўта қайноқ сув қуйилади, бу сув уларнинг ичларига кириб, ички аъзоларини эритиб ташлайди, териларидан чиқиб, уларни ҳам куйдиради, натижада терилари тўкилиб тушади. Фаришталар уларнинг бошларига темир гурзилар билан урадилар. Ҳар қачон ғам-аламларининг қаттиқлигидан дўзахдан чиқмоқчи бўлсалар, яна азобга қайтарилдилар ва уларга: «Куйдирувчи дўзах азобини тотинглар!» деб айтилади”** (Ҳаж, 19-22);

⁹⁴ Термизий (4/103) ривоят қилиб: «ҳасан, саҳих, ғариб» деган.

“Эй Пайғамбар, қиёмат кунда жиноятчи кимсаларни қўл-оёқлари кишанланган ҳолда кўрасиз. Уларнинг кийимлари ловуллаб ёнувчи қора мойдан бўлиб, юзларини аланга ўраб олур” (Иброҳим, 49-50).

Жаҳаннамнинг катталиги

Аллоҳ таоло деди: **“Жаҳаннам қаср сингари улкан учқунларни ён-атрофга отади”** (Мурсалот, 32).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Қиёмат кунда жаҳаннам олиб келинади, унинг етмиш минг тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади”*⁹⁵.

Аллоҳ таолодан қўрқишнинг фазилати

Аллоҳ таоло деди: **“Парвардигорларидан қўрқиб хавотирда турадиган кишилар”** (Мўъминун, 57).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эдим: «Аллоҳ таоло етти тоифа мўмин кишиларни Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ бўлган қиёмат кунда Ўзи (яратган) сояда соялантиради: одил подшоҳ; Аллоҳ азза ва жалланинг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; бир-бирини Аллоҳ йўлида яхши кўрган икки киши — улар шу йўлда жамланишган ва шу йўлда ажралишади; насл-насабли, бой-бадавлат ва соҳибжамол аёл зинога чорлаганида: “Мен Аллоҳдан қўрқаман”, деб бош тортган киши; ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган даражада махфий

⁹⁵ Муслим (Нававий шарҳи, 17/179), Термизий (4/103) ривояти.

*садақа қилган киши ва Аллоҳни холи жойда зикр қилиб, кўздан шашқатор ёш оққан киши*⁹⁶.

Яна Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган киши то сут елинига қайтмагунича (яъни асло) дўзахга кирмайди ҳамда Аллоҳ йўлидаги чанг-ғубор билан жаҳаннам тутуни бир бандада асло жамланмайди*⁹⁷.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларинини эшитдим: *«Икки хил кўзга дўзах ўти ҳеч қачон тегмайди: Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўзга ва Аллоҳ йўлида қўриқчилик қилган кўзга»*⁹⁸.

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Икки томчи ва икки оёқ изидан кўра Аллоҳга суюкли нарса йўқ: Аллоҳдан қўрқув сабаб оқиб чиққан кўз ёш томчиси, Аллоҳ йўлида тўкилган қон томчиси. Икки из эса: Аллоҳ йўлида юрилган оёқ изи ва фарз амаллардан бирини бажариш учун босилган оёқ изи*⁹⁹.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўрқувлари

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қилган: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Менга Қуръон ўқиб бер»*, дедилар. Мен: *«Эй Расулуллоҳ, Қуръон сизга нозил бўлган бўлса, мен сизга ўқиб берайми?»* дедим.

⁹⁶ Муттафақун алайҳ.

⁹⁷ Насоий (6/12), Термизий (3/93) ривояти. Термизий: «ҳасан, саҳиҳ» деган.

⁹⁸ Термизий ривоят қилиб: «ҳасан, ғариб» деган.

⁹⁹ Термизий (3/109) ривоят қилиб: «ҳасан, ғариб» деган.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мен Қуръонни ўзимдан бошқадан эшитишни яхши кўраман*», дедилар. Мен у зотга Нисо сурасидан ўқий бошладим. “**Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳар бир умматнинг пайғамбарини ўз уммати қилган амалларга гувоҳ қилиш учун олиб келганида ва сизни — эй Пайғамбар — ўз умматингиз устида уларга Раббингизнинг рисолатини етказганингиз борасида гувоҳ бўлишингиз учун олиб келганида, одамларнинг холи не кечаркин?!**” оятига етганимда: «*Бўлди, етади*», дедилар. Қарасам, кўзларидан дув-дув ёш қуйилаётган экан”¹⁰⁰.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар. Мен бундай хутбани илгари ҳеч эшитмаган эдим. «*Агар мен билган нарсани сизлар ҳам билганингизда эди, оз қулиб, кўп йиғлаган бўлар эдингиз*», дедилар. Анас айтади: “Шунда юзларини ёпиб олган саҳобаларнинг йиғидан ҳўнграган товушлари эшитилиб турди”¹⁰¹.

Абдуллоҳ ибн Шиххир разияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганимда у зот намоз ўқиётган эдилар, ичларидан эса худди биқиллаб қайнаётган қозон каби йиғи товуши эшитилиб турарди”¹⁰².

Саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг қўрқувлари

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб разияллоҳу

¹⁰⁰ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/250), Муслим (Нававий шарҳи, 6/87) ривояти.

¹⁰¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/280), Муслим (Нававий шарҳи, 15/111) ривояти.

¹⁰² Абу Довуд (1/338) ва Термизий («Шамойл»да) ривояти, Нававий: «санади саҳиҳ» деган.

анхуга бундай дедилар: “Аллоҳ азза ва жалла мени сенга ушбу оятни ўқиб беришимга амр этди: **«Яҳуд, насоро ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар то уларга очик хужжат келгунича ўз куфрларини тарк қилувчи бўлмадилар»** (Баййина, 1). Убай ибн Каъб разияллоху анху: «Аллоҳ таоло менинг исмимни зикр қилдими?» деганида, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «*Ҳа*», деб жавоб қилдилар. Буни эшитган Убай ибн Каъб роса йиғлади”¹⁰³.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анхумо деди: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламда оғриқ зўрайиб кетганида, у зотга намоз вақти бўлгани айтилди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «*Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин*», дедилар. Ойша разияллоху анҳо: «Абу Бакр кўнгли бўш одам, Қуръон ўқиса, йиғи устун келиб (ўқиёлмай) қолади» деди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «*Абу Бакрга айтинглар, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин*», дедилар”¹⁰⁴.

Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авф айтади: “Абдурахмон ибн Авф разияллоху анху рўза тутган эдилар, ифтор қилишлари учун у кишига таом олиб келинди. Шунда улут саҳобий: «Мусъаб ибн Умайр разияллоху анху қатл қилинди, ҳолбуки, у мендан яхши эди. Кафанлашга эгнидаги яктагидан бошқа нарса топилмади. Боши ёпилса, оёғи очилиб қолди, оёғи ёпилса, боши очилиб қолди. Сўнг мўл-кўлчилик бўлди, биз кўп мол-дунёга эга бўлдик. Яхшиликларимиз шу дунёда берилган бўлишидан кўрқамиз», деб йиғлаб юборди ва таомни ҳам емай туриб кетди”¹⁰⁵.

¹⁰³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 7/127), Муслим (Нававий шарҳи, 6/85) ривояти.

¹⁰⁴ Бухорий ва Муслим ривояти.

¹⁰⁵ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/141) ривояти.

САРФ-ХАРАЖАТДА ЎРТАЧАЛИК

Аллоҳ таоло айтади: **“Улар молларидан сарфлаганларида исрофга йўл қўймайдиган ва зиқналик ҳам қилмайдиган зотлардир”** (Фурқон, 67).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ бу оят тафсирида бундай деган: “Аллоҳнинг суюкли бандалари сарф-харажат қилсалар, эҳтиёждан ортиқ даражада исрофга йўл қўймайдилар, шу билан бирга, оилалари таъминотида бахиллик ҳам қилмайдилар. Балки ўртача бўладилар. Ишларнинг энг яхшиси исрофгар ҳам, бахил ҳам бўлмай, ўртача бўлишдир”¹⁰⁶.

Язид ибн Абу Ҳабиб бу оят ҳақида бундай деган: “Оятда таърифланган зотлар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидир. Улар таомни лаззатланиш учун емасдилар, либосни кўрк, зийнат учун киймасдилар. Балки таомни очликни кетказиш ва ибодатга қувват бўлиши учун ердилар, кийимни авратларни тўсиш, иссиқ ва совуқдан сақланиш учун киярдилар”¹⁰⁷.

Умар разияллоҳу анҳу ўғли Осимга насиҳат қилиб деди: “Эй ўғлим, қорнингни овқат билан тўлдирма, ярмига е, кийимни ҳам эскиртиб-тўзитмагунингча ташлама. Аллоҳ бер-

¹⁰⁶ Тафсир Ибн Касир, 3/325.

¹⁰⁷ Тафсир ал-Қуртубий, 13/73.

ган мол-дунёни фақат қорни ва эғнига сарфлайдиган одамларга ўхшама”¹⁰⁸.

Ҳикматли сўзларда келган:

“Агар сен қорнинг ва жинсий аъзоингга сўраганини берадиган бўлсанг, иккиси бир бўлиб сени доимий мазамматга йўлиқтиради”;

“Киши нафсига эрк берса, уни тиймаса, нафс ҳар бир ботилни хоҳлаб қолади. Ўткинчи роҳатга чорлаган нафс кишига гуноҳ ва шармандалик олиб келади”.

Эҳсоннинг фазли ва бахилликнинг қоралангани ҳақида

Аллоҳ таоло деди: “Сизлар неки эҳсон қилган бўлсангиз, Аллоҳ унинг ўрнини тўлдиради” (Сабаъ, 39).

Яна Аллоҳ таоло деди: “Не бир яхшиликни — молни — эҳсон қилсангиз, унинг фойдаси ўзингизга қайтади. Мўминлар фақат Аллоҳнинг юзини истаб эҳсон қиладилар. Неки бир молни эҳсон қилсангиз, сизларга унинг ажру савоби тўла-тўқис, ҳеч камайтирилмаган ҳолда берилади” (Бақара, 272).

Яна деди: “Аллоҳ йўлида не бир пул-молни эҳсон қилсангиз, албатта уни Аллоҳ билувчидир” (Бақара, 273).

Яна деди: “Аммо ким молига бахиллик қилса ва Аллоҳ ҳузуридаги мукофотларга ўзини муҳтож эмас деб билса, иймон калимаси бўлмиш “Ла илаҳа иллаллоҳ”-ни, унинг мазмун-моҳиятини ҳамда унинг ортидан келувчи жазою мукофотларни ёлғон санаса, Биз унинг бошига бахтсизлик сабабларини ёғдирамиз ва дўзахга тушган пайтида бахиллик қилган моли унга фойда бермайди” (Лайл, 8-11).

¹⁰⁸ Тафсир ал-Қуртубий, 13/74.

Яна деди: **“Ким бахиллигидан ва ортиқча молига қизганчиқликдан сақлана олса, ана ўшалар нажот топувчидир”** (Тағобун, 16).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Икки кишига ҳавас қилса бўлади: Аллоҳ таоло бойлик берган ва шу бойликни яхши ишларга сарфлайдиган қилиб қўйган кишига ҳамда Аллоҳ ҳикмат (Қуръон ва суннат) берган ва ушбу ҳикмат билан ҳукм қиладиган, бу ҳикматни бошқаларга ҳам ўргатадиган кишига”*¹⁰⁹.

Яна ибн Масъуд разияллоху анхудан ривоят: Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: *“Қай бирингизга ўзининг молидан кўра ворисининг моли севимлироқ?”* деб сўрадилар. Саҳобалар: *“Ҳар биримизга ўз мол-дунёмиз севимли, ё Расулulloҳ”*, деб жавоб қилишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: *“Ҳар кимнинг Аллоҳ йўлида сарфлаган моли ўзининг моли, сақлаб қўйгани эса ворисининг молидир”*, дедилар¹¹⁰.

Адий ибн Ҳотим разияллоху анху айтишича, Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: *“Сизлардан ҳар бирингизга (қиёмат кунини) Парвардигори гапиради, ўртада таржимон бўлмайди. Банда ўнг томонига қараса ҳам, чап томонига қараса ҳам, ўзи қилган амалдан бошқа нарсани кўрмайди. Олд томонига қараса, қаршисида дўзахни кўради. Яримта хурмо бериб бўлса ҳам, дўзахдан сақланинглар”*, дедилар¹¹¹.

Абу Ҳурайра разияллоху анху қилган ривоятда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда икки фаришта тушиб,*

¹⁰⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/165), Муслим (Нававий шарҳи, 6/98) ривояти.

¹¹⁰ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/260) ривояти.

¹¹¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/448), Муслим (Нававий шарҳи, 7/101) ривояти.

бири: «Эй Аллоҳ, инфоқ-эхсон қилган банданга ўрнини тўлдириб қўй», деб дуо қилса, бошқаси: «Эй Аллоҳ, бермай бахиллик қилган кимсанинг молига талофат етказ», деб ёмон дуо қилади»¹¹².

Яна Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Аллоҳ таоло деди: “Эй одам боласи, берсанг, сенга ҳам берилади”»*, дедилар¹¹³.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: *“Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Исломда қайси (хислатлар) афзал?» деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таом едиришинг ва хоҳ таниш бўлсин, хоҳ бегона — мусулмон биродарингга салом беришинг»*, дедилар¹¹⁴.

Абу Умома разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Эй одам боласи, эҳтиёжингдан ортиғини Аллоҳ йўлида сарфлашинг сен учун яхши, уни ўзингда ушлаб қолишинг ўзингга ёмон. Эҳтиёжингга етарли нарсани ушлаб турсанг, маломат қилинмайсан. Беришни муҳтож бўлган яқинларингдан бошла. Тенадаги (берувчи) қўл пастдаги (олувчи) қўлдан яхшидир”¹¹⁵.*

Анас разияллоҳу анҳу айтади: *“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кимдир Ислом учун бирон нарса сўраса, албатта берар эдилар. Бир киши у зотнинг ҳузурларига келганида, унга икки тоғ орасидаги бир пода қўйни бердилар. У қавмига қайтиб: «Эй қавмим, Исломга киринглар, чунки Муҳаммад камбағалликдан қўрқмайдиган кишидек берар*

¹¹² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/304), Муслим (Нававий шарҳи, 7/9) ривояти.

¹¹³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/352), Муслим (Нававий шарҳи, 7/79) ривояти.

¹¹⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/55), Муслим (Нававий шарҳи, 2/9) ривояти.

¹¹⁵ Муслим (Нававий шарҳи, 7/126) ривояти.

экан», деди. Бирон киши мол-дунё илинжида Исломга кирган бўлса ҳам, оз фурсат ўтмай Ислом у учун дунё ва ундаги нарсалардан ҳам суюклироқ бўлиб қолар эди”¹¹⁶.

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Садақа мол-дунёни камайтирмайди. Кечиримли бўлган бандасига Аллоҳ таоло иззатни кўпайтириб беради ва Аллоҳ Ўзи учун тавозе қилган кишининг мартабасини кўтаради”*¹¹⁷.

Амр ибн Саъд Анморий разияллоху анху Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай сўзларини эшитган: *“Уч нарсага қасам ичаман ва сизларга бир сўз сўзлайман, яхшилаб ёдлаб олинглар: ҳеч қайси банданинг моли садақа қилиши билан камаймайди, банда бирон зулмга йўлиқса ва сабр қилса, Аллоҳ таоло уни янада азиз қилади. Тиланчилик эшигини очган кишига эса Аллоҳ қашшоқлик эшигини очиб қўяди. Энди сизларга бир сўз айтаман, уни яхшилаб ёдлаб олинглар: «Дунё тўрт киши учундир: бири — Аллоҳ таоло унга илм ва мол-дунё берган, бу мол (тасарруфи)да у Парвардигоридан қўрқадди, қариндошлари билан борди-келдини узмайди ва бу молда Аллоҳнинг ҳаққини билади. Мана шу энг афзал ўриндадир; яна бири — Аллоҳ таоло унга илм берган, мол-дунё бермаган, бироқ унинг нияти тўғри: “Менда ҳам мол-дунё бўлганида фалончи каби иш қилардим”, деб айтади, мана шу нияти билан иккаласининг ажри тенг бўлади; учинчи киши — Аллоҳ таоло унга мол-дунё берган, лекин илм бермаган, илмсиз бўлганидан молини пала-партиш ишлатади, Раббидан тақво қилмайди, қариндош-уруғлари билан алоқа боғламайди, молида Аллоҳнинг ҳаққини билмайди — бу одам энг ёмон манзилатдадир; тўртинчиси — Аллоҳ таоло унга мол ҳам, илм ҳам бермаган, “Менда ҳам мол-дунё бўлганида, фалончи (ёмон манзилатдаги одамнинг) ишини қилган бўлар эдим”, деб айтади — у ҳам*

¹¹⁶ Муслим (Нававий шарҳи, 15/72) ривояти.

¹¹⁷ Муслим (Нававий шарҳи, 16/141) ривояти.

ниятига яраша олиб иккисининг гуноҳлари теппа-тенг бўлади»¹¹⁸.

Ойша разияллоҳу анҳо қилган ривоятда айтилишича, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли байтлари қўй сўйди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қўйдан бирон нима қолдимиз?” деб сўраган эдилар, Ойша разияллоҳу анҳо: “Қўйнинг қўлидан бошқа ҳеч ери қолмади”, деб жавоб қилди. “Қўйнинг қўлигина кетибди, қолгани қолибди”, дедилар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам¹¹⁹.

Ҳадис маъноси: улар сўйилган қўйнинг қўлидан бошқа ҳамма қисмини садақа қилиб юборишди ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг эҳсон этиб тарқатилган қисми охиратга ажр бўлганига, ўзларига олиб қолганлари ейиш билан шу дунёда битганига ишора этиптилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Ким ҳалол-пок касб орқали топган молидан хурмочалик бўлса ҳам бирон нима садақа қилса — зеро, Аллоҳ таоло фақат ҳалол-пок нарсаларнигина қабул қилади — унинг садақасини Аллоҳ таоло ўнг қўли билан қабул қилади, сўнг сизлардан бирортангиз тойчоғини парваришлаб катта қилганидек, садақа соҳибига уни кўпайтириб бераверади, ҳатто тоғдек бўлиб кетади”¹²⁰.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган яна бир ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Бир киши саҳрода кетаётганида, бир булутдан: «Фалончининг боғини суғор!» деган товуш эшитди. Шунда булут бир тарафга бурилиб, тошлоқ ерга сувини қуйди, сув тошлоқдаги ирмоқдан тўлиб оқа бошлади. Сув ортидан юриб бориб қара-

¹¹⁸ Термизий ривоят қилиб: «ҳасан, саҳиҳ» деган.

¹¹⁹ Термизий ривоят қилиб: «ҳасан, саҳиҳ» деган.

¹²⁰ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/287), Муслим (Нававий шарҳи, Закоат китоби «Ҳалол ризқдан садақа қилиш» боби) ривояти.

са, бир киши боғида туриб, кетмони билан сувни тараётган экан. Ундан: «Эй Аллоҳнинг бандаси, исминг нима?» деб сўраган эди, у булутдан эшитилган ҳалиги исмни айтди. Сўнгра: «Эй Аллоҳнинг бандаси, отимни нимага сўрадинг?» деб сўради. «Мана шу ёмғирни устингдан қуйган булут сенинг отингни айтиб: «Фалончининг боғини суғор!» деганини эшитдим. Сен бу боғингда нима ишлар қиласан?» деб сўради. «Мен бу боғдан чиққан ҳосилнинг учдан бирини фақир ва мискинларга садақа қиламан, учдан бирини ўзим оилам билан ейман, қолган учдан бирини боғнинг ўзига қайтараман (уруғликка олиб қўяман)», деди»¹²¹.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Зулмдан сақланинглар! Чунки зулм қиёмат кунндаги кўп зулматлардир. Бахилликдан сақланинглар! Чунки сизлардан олдин ўтган қавмларни бахиллик ҳалок этди, уларни қон тўкишга ва ҳаромларни ҳалол санашига олиб борди”, дедилар¹²².

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Билол разияллоҳу анҳуни кўргани бордилар. Билол разияллоҳу анҳу улуғ меҳмонга бир ҳовуч хурмо олиб чиқиб қўйди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нима бу, эй Билол?» деб сўраган эдилар, Билол разияллоҳу анҳу: «Сиз учун сақлаб қўйган эдим, эй Расулulloҳ», деб жавоб қилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен учун жаҳаннам ўтидан бир тутун қилиб қўйишидан қўрқмайсанми?! Эй Билол, бу хурмоларни эҳсон қил, арш эгаси Аллоҳ сени камбағал қилиб қўйишидан қўрқма», дедилар»¹²³.

¹²¹ Муслим (Нававий шарҳи, 18/114) ривояти.

¹²² Муслим (Нававий шарҳи, 16/134) ривояти.

¹²³ Мунзирий «Ат-тарғиб»да (2/183) айтишича, бу ҳадисни Абу Яъло ҳамда Табароний «Ал-Кабир» ва «Ал-Авсат»да ҳасан санад билан ривоят қилган.

Яна Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Кимга Аллоҳ таоло мол-дунё берса-ю, у унинг закотини бермаса, (шу бойлиги) қиёмат кунда ялтирбош, икки қора холи бўлган катта илонга айлантирилади ва бўйнига ўралиб олиб, уни тишлайди-да: «Мен сенинг бойлигинг ва хазинангман», дейди”*. Сўнгра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу оятни ўқидилар: **“Аллоҳ Ўз фазли марҳамати билан ато этган нарсаларда бахиллик қилаётган кимсалар бу бахилликларини ҳаргиз ўзлари учун яхши деб ўйлама-синлар! Балки бу улар учун ёмондир. Чунки тўплаган мол-дунёлари яқинда — қиёмат кун уларнинг бўйинларига ўраладиган оловли бўйинбоққа айланади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигина мулк эгасидир ва барча махлуқот фанога юз тутганидан сўнг боқий қолувчи ёлғиз Унинг Ўзидир! У сизларнинг барча амалларингиздан хабардор Зотдир”** (Оли Имрон, 180)¹²⁴.

Нажот топиш ва ютуққа эришиш йўлларида бири бахилликнинг ҳар қандай кўринишини тарк этишдир. Буни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларга қуйидаги оятида баён қилган: **“Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўшалар нажот топувчи зотлардир”** (Ҳашр, 9).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Аллоҳ таоло: «Эй бандам, инфоқ қил, Мен сенга инфоқ қиламан», деган. Аллоҳнинг қўли неъматлар билан тўладир. Уни кечаю кундуз тинмай сарф этган билан асло камаймайди. Кўрмайсизларми, ахир осмонлару ерни яратганидан бери инфоқ қилса ҳам, Аллоҳнинг қўлидаги ризқ камаймади! Аллоҳнинг арши сув устида эди. (Ризқ ва амаллар) мезони Унинг қўлидадир, уни туширади ва кўтаради”* (яъни бандалар

¹²⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 3/268) ривояти.

ризқини гоҳ камайтиради, гоҳ кўпайтиради ёки хоҳлаган бандасининг мартабасини кўтаради, хоҳлаган бандасининг мартабасини туширади)¹²⁵.

Абу Хурайра разияллоху анху айтди: Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: *“Кишидаги энг ёмон иллат жазавага туширувчи бахиллик ва ўта қўрқоқликдир”*¹²⁶.

Бахиллик муолажаси

Бахилликнинг асл сабаби мол-дунёни яхши кўришдир. Одам асосан икки сабаб билан мол-дунёни яхши кўради:

Биринчи сабаб — орзу-ҳавас ва нафс истаклари. Буларга эса мол-дунё билангина эришилади. Одам эртага ўлишини билганида эди, мол-дунёсини бунчалик қизғанмаган, бахиллик қилмаган бўлар эди. Чунки бойлиги ёнида бир кунлик эҳтиёжига етарли бўлса бўлди-да! Боринг ана бир ойлик ёки бир йиллик эҳтиёжига етарли бўлсин. Бахиллик қилиб ўтиришидан нима манфаат топади? Албатта, агар орзу-ҳавасга муккасидан кетмаган бўлса... Лекин болалари кўп бўлса-чи? Унда у фарзандларини орзу-ҳавас мақомига қўйиб олади-да, уларнинг яшашларини ўзининг яшаши каби ҳисоблаб, фарзандларим учун деб мол-дунёсини ўзида сақлаб қолади. Шу боис ҳам Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: *“Фарзанд бахиллик, қўрқоқлик ва маҳзунлик (сабаби)дир”*, деб айтганлар¹²⁷. Энди бунга камбағалликдан кўрқиш ва ризқ кафолатланганлигига ишончининг озлиги кўшилса, бахиллик янада ортади.

¹²⁵ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 13/393), Муслим (Нававий шарҳи, 7/80) ривояти.

¹²⁶ Абу Довуд (3/12) ҳасан санад билан ривоят қилган.

¹²⁷ “Асна ал-матолиб”да (268) бундай дейилган: «Ҳадис заиф, санадида Атиёя Авфий бор. Ибн Можа ривоят қилган».

Иккинчи сабаб — кўз тўймаслик, қаноатланмаслик.

Одамлар орасида бойлиги ошиб-тошиб ётган шундай бойлар бор, уларнинг мол-дунёси бутун бир умрга етади, ўлгунига қадар ишламасдан сарфлаб борса ҳам тугамайди ва яна қанчадан-қанча пули ортиб қолади, буларнинг устига, ўзи ёши катта қария, фарзанд йўқ! Лекин бахиллиги, дунёга бўлган муҳаббати уни закот чиқаришдан тўсади, ҳатто касал бўлса, даволанишга ҳам сарфламайди. Динор ва дирҳамга ҳирс қўйган ошиқ пуллари қўлида турганидан, шунча мол-дунёга эга эканининг ўзиданоқ лаззат туяди, роҳатланади. Ҳазина қилиб ер тагига кўмиб қўяди. Йўқса, яқинда вафот этишини жуда яхши билади, бойлиги қўлдан кетиб зое бўлиши ёки душманлари олиб қўйиши мумкинлигини ҳам билади, шунга қарамай, бахиллиги уни еб-ичишдан ёки бир сўм бўлса ҳам садақа қилишдан тўсади.

Бахилликнинг бу тури ўта оғир қалб касаллиги бўлиб, унинг давоси жуда қийин кечади. Хоссатан, одам ёши катта бўлганида. Баъзида эса тузалмас-давосиз даражага ҳам чиқиши мумкин. Динор ва дирҳам (доллар, евро ва умуман пул бирликлари) хоҳиш-истакларга етказадиган воситачи, улов ўрнида бўлганидан одамлар уни яхши кўради. Зеро, лаззатга элтувчи ҳам лаззатли бўлади. Бориб-бориб нафснинг хоҳиш-истаклари ҳам унут бўлиб, пулнинг ўзи энг яхши кўрган севгилисига айланиб қолади. Залолатнинг охирги чегараси ҳам шу аслида! Балки пул билан тошнинг фарқи бор деб билишнинг ўзи ҳам бир нав жохилликдир. Чунки эҳтиёжларни ўташ жиҳатидангина пулнинг эътибори бор, йўқса эҳтиёждан ортиқча бекор ётган пул нимаю оддий тош нима — бир даражададир.

Булар мол-дунёни яхши кўриш сабаблари эди. Ҳар қандай касаллик унга олиб келган сабабларни ўртадан кўтариш билан тузалади. Нафс истакларига муҳаббат қўйиш хасталигининг давоси оз нарсага қаноат қилиш ва сабр билан бўлади.

Орзу-ҳавасга берилиш хасталигининг давоси ўлим-ни эслаш, тенгқурларнинг бирма-бир вафот этаётганини, мол-дунё тўплашда улар чеккан машаққатларнию дунёдан ўтгач бутун умри бўйи йиққан бойлиги қолиб кетганини кўриш ва идрок этиш билан бўлади.

Фарзандлар ҳақида ҳаддан зиёд қайғуришнинг муолажаси шу фарзандни берган Аллоҳ таоло у билан қўшиб ризқини ҳам яратиб қўйганини фикр қилиш билан бўлади. Отасидан мерос олмаган, лекин мерос олганлардан кўра ҳаёти яхши кечаётган неча-неча фарзандлар бор.

Яна, ота: “Болаларим мендан кейин яхши ҳолатда ҳаёт кечирсин деб мол-дунё тўпласам, улар бу мол-дунё сабабидан ёмон кўчаларга кириб кетиши мумкин”, деб ўйлаши ҳам мол-дунё тўплаш ҳирсини даволаш йўлларида бири-дир. Фарзанд агар тақводор, солиҳ бўлса, Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. Аллоҳ сақласин, агар фосиқ бўлса-чи? Унда қолдирган мол-дунёси билан болаларининг маъсиятига кўмак-лашган бўлади, сўнгида жабрини ҳам ўзи тортади.

Бахиллик мазаммат қилиниб, саховат мадҳ этилган, шунингдек, бахилликка ҳозирлаб қўйилган аламли азоблар ҳақидаги оят ва ҳадислар борасида мушоҳада юритиш ҳам қалбдаги бахилликни муолажа қилиш йўлларида бири-дир.

Бахиллик дардига фойдали даволардан яна бири бахилларнинг ҳолига назар солишдир. Одам табиатан бахиллардан нафратланади, бахилликни ёқтирмайди. Бахил борки, бахиллиги уни бошқаларга хунук қилиб кўрсатади, ҳатто дўстлари ҳам уни яхши кўрмайди. Ҳатто бахилнинг ўзи ҳам ичдан бошқа бахиллардан ғижиниб юради. Модомики шундай экан, демак, одамлар юзада сездирмасдан уни-да ёқтирмаслигини ўзи ҳам билади.

Қалбни бахилликдан тозалаш йўлларида яна бири мол-дунё инсонга нима учун кераклигини ва умуман молнинг нима учун яратилганини тафаккур қилишдир. Ана шунда мол-дунёдан эҳтиёжга етарлисини олиб қолиб,

қолганини савоб умидида охирати учун ўзига захира бўладиган ўринларга сарфлайди.

Бу даволар илм-маърифат жиҳатидандир. Мол-дунёни яхшилик йўлида сарфлаш бахиллик қилиб ўзида олиб қолишдан кўра дунёю охиратда ўзи учун фойдали эканини очиқ кўз билан кўрса-билса, одам агар шу дамгача ғофил бўлган бўлса ҳам, бундан бу ёғига унда инфоқ-эҳсон қилишга рағбат уйғонади. Бордию шундан кейин яна нафс истаклари жунбушга келиб, қалбига бахиллик ораласа, ҳаёлига олдин келган “мол-дунёни сарфлаган яхши” деган фикрга қулоқ солиши лозим бўлади. Муҳими — тўхтаб қолмаслик керак. Чунки шайтон уни камбағал бўлиб қолишдан кўрқитиб, бахилликка ундайди, эҳсон қилишига ғов бўлади¹²⁸.

Исрофгарчиликнинг қораланиши

Аллоҳ таоло бахиллик ва қизғанчиқликдан қайтаргани каби, исрофгарчиликдан ҳам қайтаргандир. Аллоҳ таоло деди: **“Ўзингга ҳам, аҳли оилангга ҳам, муҳтожларга ҳам қисиб-қимтима, яхши ишларга пул сарфлашдан қўлингни тортма. Шунингдек, инфоқ-эҳсонда исроф қилиб, куч-тоқатингдан ташқари нарсаларни берма. Акс ҳолда, одамларнинг маломати остида ва молингни исроф билан йўқ қилганингга ҳасрат-надоматда қоласан”** (Исро, 29).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: “Аллоҳ таоло ҳаётда тежаб яшашга буюриб, бахилликни қоралаб ва исрофгарчиликдан қайтариб бундай дейди: «Ўзингдан ҳам, аҳли оилангдан ҳам, муҳтожлардан ҳам қисиб-қимтима, яхши

¹²⁸ «Ихёу улуми ал-дин» китобидан (10/1805) қисқатриб олинди.

ишларга пул сарфлашдан қўлингни тортма», яъни, бировга ҳеч нарса бермайдиган бахиллардан бўлма; «Инфоқ-эхсонда исроф қилиб, куч-тоқатингдан ташқари нарсаларни берма», яъни, инфоқ қилишда ортиқча сарфлаб, киримдан чиқимни кўпайтириб юбориб тоқатингдан ташқари даражада ҳам берма; «Акс ҳолда, одамларнинг маломати остида ва молингни исроф билан йўқ қилганингга ҳасрат-надоматда қоласан», яъни, бахиллик қилсанг, одамлар сени маломат қилиб айблайдилар, тоқатингдан ортиқ кўп бериб юборсанг, кейин инфоқ қилишга қодир бўлмай қоласан — бошида тез югуриб, сўнг кучи кетиб толиқиб юролмай қолган улов каби, ҳеч вақосиз ўтириб қоласан»¹²⁹.

Раббимиз Аллоҳ азза ва жалла яна бундай дейди: **“Молингни Аллоҳнинг тоатидан бошқа ўринларга ёки исрофгарчилик билан сарфлама. Исроф қилувчилар фисқ-фасод ва гуноҳда шайтоннинг дўстларидир. Шайтон эса Раббининг неъматини инкор қилувчи ва Унга куфр келтирувчидир”** (Исро, 26-27).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: “Исрофгарчилик — молни ноўрин сарфлаш”, деб айтган.

Қатода раҳимахуллоҳ: “Исроф — гуноҳ ва маъсиятга пул сарфлаш”, деган.

Мужоҳид раҳимахуллоҳ эса: “Одам агар барча мол-дунёсини ҳақ йўлда сарфлаб юборса, исроф қилувчи бўлмайди. Лекин бир ҳовуч нарсани ноўрин сарфласа, исроф қилувчи бўлади”, деб айтган.

Исроф еб-ичишда бўладими, кийим-кечак, ҳовли-жой, уй-анжом, гапириш, гапирмаслик, ухлаш, ухламаслик, очлик, тўқлик ва булардан бошқа ишларда бўладими, қоралангандир. Биз шу ўринда исрофнинг бир турига батафсил тўхталиб ўтамиз:

¹²⁹ Тафсир Ибн Касир, 3/37.

Таомланишдаги исроф

Аллоҳ таоло деди: “Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол нарсаларни еб-ичаверинглар ва бунда мўътадиллик чегарасидан ўтиб кетманглар! Албатта, Аллоҳ таоло емак-ичмак ва бошқа нарсаларда ҳаддидан ошувчи исрофгарларни ёқтирмайди” (Аъроф, 31).

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “*Одамзот қорнидан кўра ёмонроқ бирон идишни тўлдирмаган. Одам боласига белини (яъни, жасадини) тик ушлаб туриши учун бир икки луқма етарлидир. Жуда бўлмаса (бир икки луқмадан кўпроқ ейдиган бўлса), учдан бири таоми учун, учдан бири ичимлиги учун ва яна учдан бири нафасига (қолсин)*”¹³⁰.

Мўмин киши таом еганда қорнининг учдан бирига ейди, қолганини ичимлиги ва нафасига қолдиради. Чунки мўмин қаноатлидир, озгина таом билан ҳам кифояланиб кетаверади, еб тўймайдиган, берилганига қаноатланмайдиган кофирдан тамоман фарқ қилади.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кофир кишини меҳмон қилдилар. Қўйни соғиб сутидан меҳмонга олиб келишни буюрдилар. Янги соғилган сутдан олиб келинди. Меҳмон сутнинг ҳаммасини ичиб қўйди. Сўнг яна соғиб келинди, уни ҳам ичди. Сўнг яна соғиб келинди, уни ҳам ичиб юборди. Шу ҳолат етти бор такрор бўлиб, еттита қўйдан соғилган сутни бир кечада ичиб қўйди. Тонг отгач, бу кофир меҳмон Исломни қабул қилиб мусулмон бўлди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳмон учун қўйни соғиб сутидан олиб келишга амр этдилар. Меҳмон сутни ичди. Сўнг яна

¹³⁰ Аҳмад ва «Сунан» асҳоблари ривоят қилган. Термизий «ҳасан ҳадис» деган.

олиб келишни буюрган эдилар, меҳмон уни охиригача ича олмади. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мўмин киши бир ичакка ичади, кофир эса еттита ичакка ичади*», дедилар¹³¹.

Бу гап ичишнинг ўзигагина хос эмас, албатта, балки емакнинг ҳамма турига тегишлидир. Шунинг учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Мусулмон битта ичакка ейди, кофир эса еттита ичакка ейди*”, деб айтганлар¹³².

Бундан чиқиб келадики, мусулмон киши бу дунёда тўйиб емасин, бу дунё унинг ҳақиқий маскани-ҳовлиси эмас, роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловатни у охиратга, кенглиги осмонлару ерча бўлган, Аллоҳ таоло уни тақводор бандалари учун ҳозирлаб қўйган жаннатга олиб қўйсин.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “*Бу дунёда доим қорни тўқ юрганлар эртага охиратда оч бўладилар*”¹³³.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга бир қоида тузиб берганлар, биз ҳаётдаги ишларимизни ана шу қоида асосида олиб боришимиз лозимдир. Ҳабибимиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “*Исроф ва манманликни аралаштирмай энглар, ичинглар ва садақа қилинглари*”¹³⁴.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу деди: “Қорин қўйишдан сақланинглари, чунки қоринни кўтариб юриш дунёда оғир, ўлганда сассиқ бўлади”.

Луқмон Ҳаким ўғлига: “Эй ўғилчам, ошқозон тўла бўлса, фикрлаш ухлайди, ҳикмат соқов бўлиб қолади ва аъзолар ҳам ибодат қилишдан ўтириб қолади”, деб насиҳат қилган.

¹³¹ Муслим (Нававий шарҳи, 14/25) ривояти.

¹³² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 9/536), Муслим (Нававий шарҳи, 4/24) ривояти.

¹³³ Мунзирий «Ат-тарғиб»да (4/199) айтишича, бу ҳадисни Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

¹³⁴ Ҳасан ҳадис. Насоий ва Ибн Можа (2/1192) ривоят қилган.

Абу Сулаймон Дороний айтади: “Кимнинг қорни тўқ бўлса, унга олти офат етади: Аллоҳга илтижо қилиш ҳаловати йўқолади, ҳадис ёдлаш қийинлашади, одамларга меҳр-шафқат кўрсатишдан маҳрум бўлади, чунки тўқ одам бошқаларни ҳам тўқ деб ўйлайди, ибодат унга оғирлик қилади, шахвоний ҳирс ортади; мўмин-мусулмонлар масжидлар атрофида бўлса, қорни тўқлар ҳожатхона атрофида бўлади”.

Нофеъ раҳимахуллоҳ деди: “Бир киши Ибн Умар разияллоху анхумога ширинлик олиб келди. Ибн Умар: «Нима бу?» деб сўради. У: «Ҳазми таом», деди. Ибн Умар: «Нима қилман буни, шундоқ ҳам ойлаб қорним тўймай юраман», деб жавоб берди”.

Муҳаммад ибн Восеъ раҳимахуллоҳ деди: “Кам овқат еган киши ўзи ҳам фаҳм-идрокли бўлади, бировларга ҳам тушунтира олади. Овқатни кўп ейиш кишини оғирлаштириб, қилмоқчи бўлган кўпгина ишларидан тўсиб қўяди”.

Абу Убайда Ҳаввос айтади: “Ўлиминг тўқлигингда, омонлигинг эса очлигингдадир. Чунки тўқ бўлсанг, оғирлашсан, оғирлашгач, ухлаб қолсан, ухлаганингда душман сени босиб олиб маҳв эта олади”.

Амр ибн Қайс деди: “Қорин қўйишдан сақланинглари. Қорин қўйиш қалбни қотиради”.

Ҳасан раҳимахуллоҳ айтади: “Отангиз Одам алайҳиссаломнинг кўргулиги ейиш бўлган эди. Айни шу ейиш қиёматга қадар сизнинг ҳам мусибатингиз бўлади”.

“Баданинг соғ, уйқинг оз бўлишини хоҳласанг, оз е!” (Ҳикматли сўз).

Бишр раҳимахуллоҳ деди: “Киши ҳалолдан қорнини тўйдирмаслиги лозим, негаки гарчи ҳалолдан тўйган бўлса ҳам, кейин унинг нафси ҳаромга чорлайди”.

Иброҳим ибн Адҳам раҳимахуллоҳ айтади: “Ким қорнини (нафсини) ушлай олса, динини ушлайди. Ким очлигини бошқара олса, гўзал хулқларга эга бўлади. Чунки маъсият очдан узоқ, тўққа яқиндир. Тўқлик қалбни ўлдирди. Шўх-

лик, ўйин-кулги ва мазахнинг бари тўқликдан келиб чиқади”.

Ривоят қилинишича, Иблис лаъин Яҳё алайҳиссаломга: “Қорнинг тўқ бўлганида намозни сенга оғирлаштирдик”, деганида Яҳё алайҳиссалом: “Аллоҳга қасам, энди ҳеч қачон қорнимни тўқ қилмайман!” деб жавоб қилганлар. Иблис: “Аллоҳга қасам, мен ҳам бундан буён мусулмонга насихат қилмайман”, деди.

Имом Шофеий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Тўқлик баданни оғирлаштириб, уйқуни келтиради ва ибодатдан заифлаштиради”.

Демак, мусулмон киши ҳар бир ишда ўртача бўлиши — исрофга ҳам йўл қўймаслиги, бахиллик ҳам қилмаслиги лозим: **“Шунингдек (яъни, ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), биз сизларни энг яхши ва адолатли уммат қилдик”** (Бақара, 143).

ЁЛҒИЗ АЛЛОҲГА БАНДАЛИК ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло деди: **“Улар Аллоҳни ягона ҳақ илоҳ деб эътиқод қиладиган, Аллоҳдан бошқа бирон «илоҳ»га дуо ва ибодат қилмайдиган кишилардир”** (Фурқон, 68).

Аллоҳ суйган бандалар ибодатни ёлғиз Аллоҳ азза ва жалла учун холис қиладилар. Қандай бўлишидан қатъи назар, ибодат турларидан биронтасини Аллоҳдан ўзгага — хоҳ у муқарраб фаришта бўладими, ё пайғамбар, ё авлиё бўладими — қилмайдилар.

Ибодат нима?

Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: “Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган ҳар қандай зоҳирий ва ботиний сўз ва амалларни ўзида мужассам этган калимага «ибодат» деб айтилади”.

Уламолар ибодатни тўрт хилга ажратганлар:

1. Бадан билан бажариладиган ибодатлар. Улар “Баданий ибодатлар” дейилади. Намоз, рўза, руку ва саждалар, эътиқоф, ҳаж ва тавоф каби ибодатлар шу турга киради.
2. Мол-дунё билан адо этиладиган ибодатлар. Булар “молиявий ибодатлар” дейилади. Закот, садақа, қурбонлик ва назрга ўхшаш ибодатлар бу турга киради.

3. Қалбга боғлиқ бўлган ибодатлар. Булар “қалбий ибодатлар” дейилади. Хавф-қўрқув, ўзни хор тутиш, синиқлик, итоаткорлик, камтарлик, муҳаббат, таваккул, тавба, паноҳ тилаш, умид ва улуғлаш шулар жумласидандир.
4. Тил билан айтиб қилинадиган ибодатлар. “Қавлий ибодатлар” дейилади. Қасам ичиш, ёрдам сўраш, паноҳ сўраш, дуо ва Қуръон ўқиш кабилар.

Биринчи: Баданий ибодатлар

Намоз

Намоз холис Аллоҳ азза ва жалла учун бўлиши лозим.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилган: «(Эй Пайғамбар, мушрикларга) **айтинг: “Менинг намозим ҳам, жонлиқ бўғизлашим-қурбонлигим ҳам, ҳаётим ҳам, ўлимим ҳам бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ таоло учундир. Унинг шериги йўқдир. Раббим мени мана шундай холис тавҳидга буюрди. Мен Аллоҳга бўйсунувчиларнинг энг биринчисиман”**» (Анъом, 162-163).

Қабристонга масжид қуриш ёки қабр бор масжидда намоз ўқишнинг ҳаром қилингани ҳам шу ҳукм остига киряди.

Ойша разияллоҳу анҳодан қилинган ривоятга кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этишларидан олдинги касаллик пайтларида: *“Пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олган яҳуд ва насороларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”*, дедилар. Ойша разияллоҳу анҳо айтадилар: *“Шу қайтариқ бўлмаганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари ҳам кўтарилиб, кўзга кўри-*

нарли қилиб қўйилар эди, аммо масжид қилиб олинишидан хавфсираб (уйларига дафн қилиндилар)»¹³⁵.

Пайғамбарлар ҳамда солиҳ кишиларнинг қабрларини масжид қилиб олиш борасида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан очик қайтариқ келган.

Жундуб ибн Абдуллоҳ Бажалий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этишларидан беш кун бурун айтган сўзларини эшитди, ўшанда Ҳабибимиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Сизлар менинг биродарларим ва дўстларимсиз. Мен Аллоҳ ҳузурида сизлардан ўзим учун халил қилиб олишдан ўзимни поклайман. Чунки Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни Ўзига халил қилиб олгани каби, мени ҳам халил қилиб олди. Мен умматимдан халил қилиб олганимда Абу Бакрни халил қилиб олган бўлардим. Огоҳ бўлинглар, сизлардан илгари ўтган қавмлар ўз пайғамбарлари ва солиҳ кишилари қабрларини масжид қилиб олдилар. Сизлар қабрларни масжид қилиб олманглар. Мен бундан сизларни қайтараман”*¹³⁶.

Қабрларни масжид қилиб олганларни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам махлуқотнинг энг ёмони деб атаганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтади: *“Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бундай деганларини эшитдим: «Махлуқот ичидаги энг ёмон кишилар қиёмат кўпган пайт ҳаёт бўлганлар ва қабрларни масжид қилиб олганлардир”*¹³⁷.

Шунинг учун ичида қабр бўлган масжидларда намоз ўқишни уламолар ҳаром деб айтганлар.

¹³⁵ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 30/255), Муслим (Нававий шарҳи, 5/12) ривояти.

¹³⁶ Муслим (Нававий шарҳи, 5/13) ривояти.

¹³⁷ Табароний «Кабир»да ривоят қилган, Ҳайсамий “Мажмаъ аз-завоид”да (92/72) ва Албоний “Таҳзир ас-сожид”да ҳасан санаган.

“Завожир” китоби муаллифи ёзишича, ханбалий мазҳабидаги айрим олимлар бундай дейишган: “Кишининг қабрини улуғлаб, унинг олдида намоз ўқишни қасд қилиши Аллоҳ ва расулига айни адоват ва Аллоҳ изн бермаган динни пайдо этишдир. Бундай қилишдан қайтарилган ва шунга ижмо қилинган. Ҳаром амалларнинг энг катталаридан ҳамда ширкка олиб боровчи сабаблардан бири қабр олдида намоз ўқиш, қабрни масжид қилиб олиш ёки қабристонга масжид қуришдир. Бундай масжидларни ва қабрлар устидаги сағаналарни бузиб ташлаш лозим. Бундай масжидлар мусулмонларга зарар етказиш ва уларнинг сафларини бўлиш мақсадида қурилган “масжиди зирор”дан ҳам зарари кўпроқ. Чунки бу масжидлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлиш асосига қурилгандир. Ҳолбуки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига масжид қуришдан қайтарганлар, баланд қабрларни эса бузиб ташлашга буюрганлар”¹³⁸.

Имом Қуртубий тафсиридан: “Уламоларимиз: «Пайғамбарлар ва уламоларнинг қабрларини масжид қилиб олиш мусулмонларга ҳаромдир», дейишган”¹³⁹.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳдан: “Қабр бор бўлган масжидда одамлар беш вақт жамоат намози ҳамда жума намозини ўқисалар, ушбу намозлар қабул бўладими ёки йўқми? Масжиддаги қабрни ер билан теп-текис қилиш керакми ёки бир тўсиқ ё девор билан тўсиб қўйилса ҳам бўлаверадими?” деб сўраганида, Шайхулислам бундай жавоб берган эди: “Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Қабр устига масжид қуриб бўлмаслигига уламолар иттифоқ қилишган. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан илгари ўтган қавмлар қабрларни масжид қилиб олар эдилар. Огоҳ бўлингизким, сиз-

¹³⁸ «Таҳзир ас-сожид»дан (50) нақл қилинди.

¹³⁹ «Таҳзир ас-сожид»дан (58) нақл қилинди.

лар қабрларни масжид қилиб олманглар. Мен сизларни бундан қайтараман», деганлар. Бундан ташқари, ўликни масжидга кўмиш ҳам жоиз эмас. Агар масжид илгаридан бор бўлиб, кейин ўлик кўмилган бўлса, бу ҳолни ўзгартирилади. Ўзгартириш ё қабрни теп-текис қилиш билан бўлади ёки янги кўмилган бўлса, кавлаб олиб бошқа ерга кўмиш билан бўлади. Агар масжид қабрдан кейин қурилган бўлса, бу ҳолда масжидни бошқа ерга кўчириш керак ёки қабр шаклини кеткизиш лозим. Чунки бундан қайтарилгани учун қабр бор масжидда — фарз бўладими, нафлми — ҳеч бир намоз ўқилмайди”¹⁴⁰.

Куннинг уч вақтида — қуёш чиқаётган, ботаётган ҳамда қуёш тиккага келган қиём пайти намоз ўқимаслик ҳам шу жумладандир.

Амр ибн Абаса разияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Аллоҳнинг пайғамбари, менга намоз ҳақида хабар беринг”, дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бомдод намозини ўқи, сўнг қуёш чиқиб кўтарилиб бўлгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи ўртасидан чиқади ва бу пайтда кофирлар унга сажда қиладилар. Сўнг то қуёш тиккага келиб соя найза баробарида бўлгунига қадар намоз ўқийвер, чунки бу пайтдаги намозга (малоикалар) ҳозир бўладилар. Сўнг яна намоз ўқимай тур, чунки бу пайт жаҳаннам қиздирилади. Энди соя (шарқ томонга) оға бошласа, намоз ўқийвер, чунки бу пайтдаги намозга (малоикалар) ҳозир бўладилар. Аср намозини ўқиганингдан сўнг то қуёш ботгунига қадар намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи ўртасида ботади ва бу пайтда кофирлар унга сажда қиладилар”¹⁴¹.

¹⁴⁰ «Таҳзир ас-сожид»дан (64) нақл қилинди.

¹⁴¹ Муслим ривояти.

Рўза

Рўза баданий ибодат бўлиб, фақат ёлғиз Аллоҳ учун тутилади. Аллоҳдан бошқани рози қилиш мақсадида рўза тутилмайди.

Айрим сўфилар пирларининг амрига биноан бир неча кун емоқ-ичмоқдан тийиладилар ёки қирқ кун мобайнида фақат нон билан туз ейдилар ва ҳоказо. Улар бу ишларини пирларини рози қилиш, амрига лаббай деб итоат этиш ва уларни улуғлаш учун бажарадилар.

Руку

Руку — улуғлаш ниятида эгилиш бўлиб, бу ҳам ёлғиз Аллоҳ таоло учун қилиниши фарз бўлган ибодатлардан. Ким подшоҳ, президент, вазир, қўмондон ё бошқа бирон кимса учун улуғлаш ниятида эгилса, Аллоҳдан бошқага руку қилган бўлади ва бу мутлақо жоиз эмас. Лекин, минг афсус, бундай эгилишлар баъзи давлатлардаги ҳукумат доираларида тарқалган. Аллоҳдан бошқага эгилаётганлар руку ёлғиз Аллоҳнинг ҳаққи эканини, Ундан ўзгага эгилиш жоиз эмаслигини билишлари лозим. Аллоҳ таоло айтган: **“Эй иймон келтирганлар, руку ва саждалар қилинг, ёлғиз Раббингизга ҳеч кимни шерик қилмай ибодат қилинг, яхшиликлар қилинг, шояд нажот топсангиз”** (Ҳаж, 77).

Сажда

Сажда — сажда қилинаётган зотни улуғлаб пешонани ерга қўйишдир.

Ўзини мусулмон дейдиган кишилар орасида Аллоҳдан ўзгага сажда қилаётганларни кўрмоқчи бўлсангиз, зиёратгоҳларга боринг. Кўпгина жоҳил-нодон кимсалар ўша ердаги қабрга сажда қилиб, унинг остонасини ўпиб, йиғлаб, юз-қўлларини суртиб, ўша қабрда ётган ўликдан ёрдам сўрайдилар. Бу очиқдан-очиқ катта ширкдир... Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ. Аллоҳдан ўзимизга ва уларга ҳидоят беришини сўраб қоламиз.

Эътикоф

Эътикоф — бирор нарсага маҳкам боғланиш ва оз муддат бўлса ҳам ундан айрилмаслик.

Бу ҳам ёлғиз Аллоҳ учун, Аллоҳнинг ўйи (масжид)да ва Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш (яқинлашиш) нияти билан қилиниши лозим бўлган ибодат. Айримларни кўрасиз, ўзини бир ой, ё бир йил бирон азиз-авлиёнинг қабри хизматига бағишлайди ва ўша жойдан айрилмайди. Қабр учун назрлар йиғади, атрофини супуриб-сидириб, сувлар сепиб тозалайди. Бу билан тоат-ибодат қияпман деб ўйлайди, ҳақиқатда эса у Аллоҳга осийлик қилиш билан бирга гуноҳга ёрдамчи ҳам бўлмоқда. Бошқа бири бир ҳафтага ҳамма нарсдан узилиб, Бадавий, Дусуқий, Ҳусайн ё бошқа бирон “авлиё”нинг туғилган куни муносабати билан уюштириладиган маросимларда хизмат қилади, одамларга таом ва сув тарқатади. Буни у ўша авлиё учун хизмат деб билади ва уни улуғлаб қилади. Бу каби ишларнинг ҳеч бири жоиз эмас.

Ҳаж

Ҳаж — Аллоҳга ибодат ниятида ҳаж амалларини бажариш учун Маккани қасд қилиб бориш.

Айрим жоҳил кишилар ҳар йили авлиё ва солиҳлар қабрини қасд қилиб, зиёратларга боради. Қабр атрофини тавоф қилиб, улуғлайди, ҳатто Аллоҳга ёлғон тўқиб: “Ким фалончи авлиё қабрини етти маротаба зиёрат қилса, ҳаж савоби ёзилади”, деб айтади.

Эй Раббимиз, Сени поклаймиз, бу сўзлар гуноҳи ўта оғир бўлган бўҳтондир.

Тавоф

Тавоф — Каъба атрофида ёлғиз Аллоҳ учун қилиниши фарз бўлган ибодат.

Аллоҳ таоло деди: **“Ўз зиммаларига вожиб қилган назрларига вафо қилсинлар ва Байтул атиқни (яъни, Каъбани) тавоф қилсинлар”** (Ҳаж, 29).

Айрим жоҳиллар қабрларни тавоф қиладилар. Ҳеч қандай қабрни — хоҳ у пайғамбар қабри бўлсин, авлиё ёки солиҳ инсон қабри бўлсин — атрофида айланиб тавоф қилиш жоиз эмас. Умуман Каъбадан бошқа бирон жойни тавоф қилинмайди.

Иккинчи: Молиявий ибодатлар

Закот ва садақа

Бу ибодатлар ёлғиз Аллоҳ учун, холис, ширкдан пок бўлмоғи лозим.

Аллоҳ таоло дейди:

“Эй мўминлар, намозни тўқис адо этинглар, фарз қилинган закотни беринглар” (Бақара, 110);

“Эй Пайғамбар, уларнинг молларидан садақани (закотни) олинг. Бу садақалари уларни гуноҳлар кирлигидан тозалайди ва қалбларини поклайди” (Тавба, 103).

Қурбонлик

Қурбонлик ҳам барча ибодатлар каби ёлғиз Аллоҳ таоло учун бўлмоғи лозим.

Авлиёлар ва солиҳ кишиларга атаб қурбонлик қилиш ширк бўлиб, асло жоиз эмас. Жинларга атаб сўйиш ҳам шу жумладандир. Одамлар орасида бирон яқини касал бўлиб қолса, товламачи сохта табиб ё сеҳргар фолбинга борадиганлар кўп. Фолбин эса унга оқ товук ёки ёввойи қора каптар ё шу каби бошқа бир ҳайвон олиб келишга буюради, сўнг у олиб келинган ҳайвонни Аллоҳнинг исмини зикр қилмай (бисмиллоҳсиз) сўйиб, бирон қудуққа ё булоққа, анҳоргами ёки хароба ташландиқ ергами ташлаб келишни айтади. Ташлаётганда “бисмиллоҳ” деб айтмасликни таъкидлайди. Чунки сўйиш ёки ташлаш асносида “бисмиллоҳ” дейилса, ундан шайтонлар ейишга қодир бўла олмайди.

Унутманг, хароба-ташландиқ ерлар шайтонлар маскани бўлади. Бундай жойларда шу тариқа жонлиқ сўйиш Аллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилиш бўлиб, ширк ҳисобланади ва шу ишни қилган киши лаънатга дучор бўлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Аллоҳдан бошқа учун қурбонлик қилган кимсага Аллоҳнинг лаънати бўлсин”*¹⁴².

Аллоҳ таоло қурбонликни ёлғиз Ўзи учун, холис қилишга амр этган: **«(Эй Пайғамбар, мушрикларга) айтинг: “Менинг намозим ҳам, қурбонлигим ҳам ягона Аллоҳнинг Ўзигадир. Ҳаётим ҳам, ўлимим ҳам бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ таоло учундир. Унинг шериги йўқдир.**

¹⁴² Муслим ривояти.

Раббим мени мана шундай холис тавҳидга буюрди. Мен Аллоҳга бўйсунувчиларнинг энг биринчисиман»» (Анъом, 162-163).

Имом Аҳмад Ториқ ибн Шиҳобдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Пашиша сабабли бир киши жаннатга, бошқа бир киши эса дўзахга кирди”*. Саҳобалар: *“Бу қандай содир бўлди, эй Расулуллоҳ?”* деб сўрашди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Икки киши бут-санамлари бўлган бир қавм олдидан ўтди. Бутнинг олдидан унга атаб бирон нарса қурбонлик қилмагунча ҳеч ким ўта олмасди. Ўша қавм аҳли бу икки кишининг бирига: «Қурбонлик қил!» деди. У: «Қурбонлик қиладиган бирон нарсам йўқ», деди. Улар: «Бир пашишани бўлса ҳам қурбонлик қил!» дейишди. У бир пашишани қурбонлик қилди. Шунда унинг йўлини очиб қўйишди. Шу сабаб дўзахга кирди. Иккинчисига ҳам: «Қурбонлик қил!» дейишди. У: «Мен Аллоҳ азза ва жалладан бошқага атаб бирон нарса қурбонлик қилмайман!» деди. Шунда унинг бошини танидан жудо қилишди. Шу сабаб у жаннатга кирди»¹⁴³.*

Назр

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳнинг розилигини истаб неки сарф қилсангиз ёки бирон нарсани бериш ё қилишни зиммангизга назр этган бўлсангиз, албатта, Аллоҳ буни билади”** (Бақара, 270).

Бошқа оятда эса мўмин бандаларининг сифатларини зикр қилиб, бундай дейди: **“Улар дунёда зиммаларига олган назрларига вафо қиладилар ва ёмонлиги ҳаммаёқни қоплаб олган қиёмат кунидан кўрқадилар”** (Инсон, 7).

¹⁴³ Аҳмад “Зухд”да (84) ривоят қилган.

Яна бир оятда Аллоҳ таоло Марям алайҳассаломнинг онаси айтган сўз ҳақида хабар бериб, бундай деган: **“Ўшанда Имроннинг аёли ҳомиладор бўлгач: «Эй Раббим, қорнимдаги ҳомилани холис Сен учун, Байтул Мақдис хизматига атадим. Назримни қабул эт. Албатта, Сенгина дуоларимни эшитувчи ва ниятимдан хабардор Зотсан», деди”** (Оли Имрон, 35).

Аллоҳдан ўзга учун назр қилиш жоиз эмас. Хоҳ у пайгамбар бўлсин, хоҳ фаришта бўлсин ва хоҳ солих, валий зот бўлсин! Агар киши Аллоҳдан ўзга учун назр этган бўлса, назрига вафо қилмайди, балки Аллоҳга тавба қилади, гуноҳини кечиришини сўраб Унга илтижо этади.

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким Аллоҳга тоатни назр қилган бўлса, итоат этсин. Ким Аллоҳга осий бўладиган ишни назр қилган бўлса, осийликдан қайтсин”*¹⁴⁴.

Гуноҳ иш учун қилинган назрга вафо қилиш жоиз эмас.

Учинчи: Қалбий ибодатлар

Хушу ва хузу

Бу иккиси Аллоҳдан ўзга учун қилиб бўлмайдиган қалбий ибодатлардандир.

Аллоҳ таоло деди: **“Иймон келтирган кишилар учун Аллоҳни зикр қилган ва Қуръон тиловатини эшитган пайтда кўнгиллари юмшаш фурсати етмадими?”** (Ҳадид, 16).

¹⁴⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/581), Абу Довуд (3/232), Термизий (3/41), Насоий (7/17), Ибн Можа (1/687), Доримий (2/184), Имом Молик (2/476) ривояти.

Яна Аллоҳнинг сўзи: **“Одамлардан кўркманглар, Мендангина кўрқинглар. Сизлар Мен туширган нарсалар билан ҳукм қилишни тарк этиш эвазига арзимас матони қабул қилманглар”** (Моида, 44).

Ибн Манзур айтган: “Хушу — кўзни ерга қадаш, уни сақлаш, тийиш ва товушни пасайтириш. Хузу — тавозелик ва ўзни паст тутиш. Баъзи луғатшунослар айтишларича, хушу билан хузу бир-бирига яқин маънодаги сўзлар. Фақат хузу баданнинг ўзида, хушу эса баданда ва товушда бўлади”¹⁴⁵.

Ҳокисорлик ва синиқлик

Бу иккиси ҳам қалбий ибодатлардан ҳисобланади.

Азиз биродарим, шуни билинг: Аллоҳ учун ўзни хор олиш азизлик, Аллоҳ учун камтарлик қилиш олийликдир. Мўминнинг шарафи кечаси ўқиган таҳажжуд намозида, азизлиги эса инсонларга муҳтожлик ҳис этмаслигидадир. Қўлингизда бўлган нарсадан кўра Аллоҳнинг қўлида бўлгани сиз учун ишончлироқ бўлсин... **“Азизлик Аллоҳга, пайғамбарига ва мўминларга хосдир”** (Мунофиқун, 8). Шундай экан, ўзингизни Аллоҳдан бошқасига хор тутманг, Ундан ўзгага бош эгманг.

Тавозе билан бўйсунуш (ихбот)

“Лисонул-араб” китобида “ихбот” (Раббига бўйсунуш) маъносини “унга тавозе билан бўйсунуш” деб тушунтирилган¹⁴⁶.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ ва расулига иймон келтириб, солиҳ амаллар қилган ва буюрилгану қайтарилган**

¹⁴⁵ «Лисон ал-араб» (2/1156, 1178).

¹⁴⁶ «Лисон ал-араб» (2/1087).

ҳар бир ишда Аллоҳга тавозе билан бўйсунган кишилар — ана ўшалар жаннат аҳлларидир. Улар унда ўлмайдилар ва ундан ҳеч қачон чиқмайдилар” (Худ, 23).

Бошқа оятда: “Аллоҳ бу имтиҳонни ҳақ билан ботил ўртасини ажрата оладиган илм аҳллари Қуръони карим сизга Аллоҳ туширган ҳақ эканини билишлари ва шу билан иймонлари зиёда бўлиб, қалблари унга тавозе билан бўйсунуши учун қилди” (Ҳаж, 54).

Яна: “Эй одамлар, сизларнинг илоҳингиз ягона илоҳ (яъни, Аллоҳ)дир. Унинг ва пайғамбарининг буйруқларига бўйсунинглар. Эй Пайғамбар, Раббиларига тавозе билан бўйсунувчи зотларга дунё ва охират яхшиликларидан хушxabар беринг” (Ҳаж, 34).

Муҳаббат

Аллоҳ таоло айтади: “Одамлардан бир гуруҳи Аллоҳдан ўзгаларни илоҳ, бут-санам ва дўст тутиб, уларни Аллоҳга тенг кўришади ва Аллоҳдан ўзга ҳеч кимга лойиқ бўлмайдиган муҳаббат, таъзим ва итоатни уларга қилишади. Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати эса кучлироқдир” (Бақара, 165).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ бу оят тафсирида айтади: “Аллоҳ таоло мушрикларнинг бу дунёдаги ва охират диёридаги ҳолатларини зикр қилмоқда. Мушриклар Аллоҳга бошқа бут-санамларни тенг кўриб, Аллоҳга қўшиб уларга ҳам ибодат қилдилар, уларни худди Аллоҳни севгандек севдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ субҳонаҳу шундай бир Зотки, Ундан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, шериги, ўхшаши ва тенги йўқ. Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху бундай деган: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Эй Расулуллоҳ, энг катта гуноҳ қайси?» деб сўрадим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Аллоҳ сени яратган бўлатуриб, Унга ўзгани шерик қилишинг». Аллоҳ таолонинг: «**Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати эса кучлироқдир**» сўзидаги мўминлар Аллоҳга бўлган муҳаббатлари, Аллоҳни ягона ҳақ илоҳ деб билишлари, Уни улуғлашлари сабабли Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмайдилар, балки ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига ибодат қиладилар ва барча ишларида Унгагина суянадилар»¹⁴⁷.

“**Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати эса кучлироқдир**” ояти ҳақида Ҳофиз Ҳакамий бундай деган: “Аллоҳ таоло бизларга хабар бериб айтадики, мўмин бандаларининг Аллоҳга муҳаббатлари кучли эканининг сабаби — мўминлар Аллоҳга муҳаббатни даъво қиладиган, лекин Аллоҳдан ўзгаларни илоҳ, бут-санам ва дўст тутиб, уларни ҳам Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўрадиган мушриклар каби бўлмаганлари, муҳаббатда Аллоҳга ҳеч кимни шерик қилмаганларидир. Банданинг Парвардигорига бўлган муҳаббати ушбуларда кўринади:

- ҳавои нафсига хилоф келса-да, Аллоҳ яхши кўрган нарсаларни биринчи галга қўйиш;
- ҳавои нафси мойил бўлса ҳам, Рабби ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўриш;
- Аллоҳ ва расули дўст тутганларни дўст деб билиш, душман тутганларни душман деб қараш;
- Аллоҳнинг расулига қадамма-қадам эргашиб, йўлини тутиш.

Ушбу белгилар муҳаббатдаги шартлардир. Бу шартлардан биронтаси топилмаса, муҳаббат бор деб тасаввур ҳам қилинмайди.

Аллоҳ таоло деди: “**Эй Пайғамбар, ўз нафс-ҳавосига ҳудди Аллоҳга итоат қилгандек итоат қилган кимсага**

¹⁴⁷ Ибн Касир тафсири, 1/202.

қаранг. Сиз уни иймонга қайтариш учун унга ҳимоячи бўласизми?!” (Фурқон, 43).

Аллоҳ билан бирга бошқага ҳам ибодат қилаётган ҳар қандай кимса, аслида, ўз нафс-ҳавосининг қулидир”¹⁴⁸.

Муҳаббат белгилари

Аллоҳ таоло Ўзи уларни яхши кўрган ва улар ҳам Уни яхши кўрган бандаларининг белгилари ҳақида Қуръонда бундай деган: **“Эй мўминлар, сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ улардан кўра яхшироқ бўлган, Ўзи яхши кўрадиган ва улар ҳам Уни яхши кўрадиган, мўминларга раҳмли ва кофирларга қаттиққўл бир қавмни келтиради. Улар Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қиладилар ва Аллоҳ йўлида ҳеч кимнинг маломатидан қўрқмайдилар”** (Моида, 54).

Аллоҳ таоло оятда мазкур бандаларнинг тўртта белгисини санади:

- 1) мўминларга раҳм-шафқат ва ғамхўрлик кўрсатиш;
- 2) кофирларга қаттиққўл ва шафқатсиз бўлиш. Бошқа бир оятда келганидек: **“Улар кофирларга қаттиққўл ва бир-бирларига меҳр-шафқатлидирлар”** (Фатх, 29);
- 3) жони, моли, тили ва қўли билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш;
- 4) Аллоҳ йўлида ҳеч кимнинг маломатидан қўрқмаслик.

Чунки Аллоҳни яхши кўрган мўминга маломат етиши аниқ, ҳатто кулги ва масхарага ҳам қолиши мумкин. Ким Аллоҳга муҳаббат лаззатини тотган бўлса, бу нарсаларга эйтибор бермайди, бировнинг маломати ва масхаралаш таъсирида ҳақ йўлдан қайтиб кетмайди. Ҳақда юрувчиларнинг озли-

¹⁴⁸ Ҳофиз Ҳакабий, «Маорижул қабул» (1/313).

гидан ўкинмайди, ҳалок бўлувчиларнинг кўплиги билан алданиб қолмайди.

Муҳаббат нима?

Азиз биродар, муҳаббатни таърифлаб бўлмайди. Муҳаббатнинг ҳақиқатини унинг таъмини тотиб, ҳаловатини ҳис қилган, Раббининг яқинлиги билан кўнгли таскин топган ва қалби покланган инсонгина билади.

Аллоҳ бандани яхши кўришига элтувчи сабаблар

1. Қуръонни тафаккур билан, мазмун ва моҳиятини англаб ўқиш;
2. Фарзлардан ташқари нафл ибодатларни кўпайтириш орқали Аллоҳ таолога яқинлашиш;
3. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ таолони қалб, тил ва амал билан ёд этиш;
4. Ҳавои нафс устунлик қилган дамларда Аллоҳ яхши кўрган нарсаларни ўзи яхши кўрган нарсалардан афзал деб билиш;
5. Аллоҳнинг исм ва сифатларини қалб кўзи билан мушоҳада қилиш, уларнинг оламдаги инъикосини билиш ва қалбнинг маърифат бўстонида сайр этиши;
6. Аллоҳнинг яхшиликлари, эҳсонлари ва ошкораю яширин неъматларини ҳис қилиш;
7. Аллоҳ ҳузурини синиқ қалб бўлиш;
8. Аллоҳ таоло дунё осмонига тушадиган вақт — кечанинг охиригидан бирида холи қолиб Қуръон ўқиш, кечани истиғфор ва тавба билан тугатиш;
9. Аллоҳни сидқидилдан яхши кўрувчи инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, уларнинг пурмаъно сўзларидан баҳра

олиш, сукут сақлаш, ўзи ёки ўзгаларга фойдали бўлган ҳоллардагина гапириш;

10. Инсон қалбини Аллоҳ азза ва жалладан тўсиб қўядиган сабаблардан узоқ бўлиш.

Муҳаббат турлари

Муҳаббат беш хилдир.

1) Аллоҳни яхши кўриш

Аллоҳни яхши кўриш фақат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш билан бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **“Айтинг, эй Пайғамбар: “Аллоҳни чиндан яхши кўрсангиз, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингизни кечиради. Шубҳасиз, У гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибон Зотдир. Эй Пайғамбар, «Аллоҳ ва Расулига итоат қилинглари!» деб айтинг. Агар юз ўгиришса, улар Аллоҳнинг муҳаббатига лойиқ бўлмайдилар. Зеро, Аллоҳ кофирларни ёқтирмайди”** (Оли Имрон, 31-32).

Кўпчилик Аллоҳни яхши кўришни даъво қилса-да, Раббимиз яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларни қилмаётганини ва ҳатто айримлар Аллоҳ азза ва жалланинг амрларига қарши чиқиб, осийлик қилаётганини кўрасиз. Бундай кимсаларга Имом Шофеий раҳимахуллоҳ танбеҳ бериб бундай деган эди:

Аллоҳ муҳаббатин даъво қилиб сан
Яна Унга очиқ исён қиласан.

Ақлга ҳеч тўғри келамайди бу иш,
Билиб қўй, эй оқил, қилмиш — қидирмиш.

Муҳаббатда чиндан содиқ бўлсанг гар,
Тоат учун белга боғлайсан камар.

Зеро, масалларда айтилганидак,
Ҳабиб маҳбубига муте бўлажак.

Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг шартлари:

1. Аллоҳнинг амрларига итоат қилиш;
2. Аллоҳ қайтарган ишлардан тийилиш;
3. Аллоҳ хабар берган нарсаларни тасдиқлаш. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ рост айтди, деб айтинг”** (Оли Имрон, 95);
4. Аллоҳ яхши кўрган нарсаларни яхши кўриш;
5. Аллоҳ ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўриш: **“Эй Пайғамбар, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган бирон қавмни Аллоҳ ва Пайғамбарига адоват қилган кимсаларни дўст тутаётганини топмайсиз”** (Мужодала, 22);
6. Аллоҳнинг дўстларини яхши кўриш. Аллоҳнинг дўстлари — иймон ва тақво сифатларига эга бўлган кишилардир. Аллоҳ таоло деди: **“Билингларки, Аллоҳнинг дўстлари учун ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Улар Аллоҳга иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир”** (Юнус, 62-63);
7. Аллоҳнинг душманларини душман деб билиш. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, яхуд ва насороларни дўст тутмангиз! Улар бир-бирларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларни дўст тутса, у ўшалардан бўлади. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмайди”** (Моида, 51);
8. Аллоҳнинг китоби Қуръонга амал қилиш. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, Биз сизга Қуръонни ҳақни ўз ичига олган ҳолида, одамлар орасида сиз Аллоҳ ўзингизга ваҳий қилган ва кўрсатган ҳукмлар**

билан ажрим қилишингиз учун нозил қилдик”
(Нисо, 105).

2) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш ҳам фарз саналиб, Аллоҳга бўлган муҳаббатга тобе ва чамбарчас боғлиқдир. Чунки Аллоҳнинг элчисини яхши кўриш Аллоҳни яхши кўриш ва Аллоҳ учун яхши кўриш ҳисобланади. Мўминнинг қалбида Аллоҳга муҳаббат туйғуси жўшса, пайғамбарига бўлган муҳаббати ҳам жўшади, униси камайса, буниси ҳам камаяди.

Анас разияллоҳу анҳу ривоятида айтилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Уч нарса бор, кимда шулар бўлса, иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг расули барча нарсадан кўра унга суюклироқ бўлиш; кимни яхши кўрса, фақатгина Аллоҳ учун яхши кўриш; Аллоҳ уни куфрдан қутқарганидан сўнг яна куфрга қайтиб қолишни оловга ташланишидан кўра ҳам ёмонроқ деб билиш”*¹⁴⁹.

Анас разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Сизлардан биронтангиз то мен унга ота-онасидан, боласидан ва барча инсонлардан сеvimли бўлмагунимча комил иймонли бўлмайди”*¹⁵⁰.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатнинг шартлари:

¹⁴⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/60), Муслим (Нававий шарҳи, 2/13) ривояти.

¹⁵⁰ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/58), Муслим (Нававий шарҳи, 2/15) ривояти.

1. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига итоат этиш.

Аллоҳ таоло деди: **“Биз бирор пайғамбарни юборган бўлсак, фақатгина унга Аллоҳнинг изни-иродаси билан итоат қилиниши учун юбордик”** (Нисо, 64).

2. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам огоҳлантирган ва қайтарган нарсалардан тийилиш.

Аллоҳ таоло деди: **“Ким Аллоҳ ва расулига осий бўлса ва Аллоҳ белгилаган ҳадлардан ошса, Аллоҳ уни дўзахга мангу киритади. У учун хорловчи азоб бордир”** (Нисо, 14).

3. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган хабарларни тасдиқлаш. Бу Расулulloҳга бўлган комил иймондандир.

4. Зоҳиру ботинда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга тақлид қилиш.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, сизлардан Аллоҳни ва охират кунини умид қилганлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига гўзал намуна бордир”** (Аҳзоб, 21).

5. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам номлари тилга олинганда у зотга салавот айтиш.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ таоло ва Унинг малоикалари Пайғамбарга салавот айтадилар. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг пайғамбарига салавот ва саломлар йўлланглар”** (Аҳзоб, 56).

3) Аллоҳ учун яхши кўриш

Аллоҳ учун яхши кўриш пайғамбарлар ва уларга эргашган чин мусулмонларни, шунингдек, Аллоҳ таоло яхши кўрган амал, замон ва маконларни яхши кўришдир. Бу муҳаббат

Аллоҳни яхши кўришга тобе ва иймон тақозо қилган ишлардан саналади.

Абу Умома разияллоҳу анҳу ривоятига кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким Аллоҳ учун яхши кўрса ва Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, иймони комил бўлибди”*¹⁵¹.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким иймон таъмини топгани ёқтирса, бирон кишини яхши кўргананда Аллоҳ учунгина яхши кўрсин”*, деганлар¹⁵².

Баро разияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ансорларни фақат мўмин кишигина яхши кўради ва уларни мунофиқ одамгина ёмон кўради. Ансорларни яхши кўрган кишини Аллоҳ яхши кўради, уларни ёмон кўрган кимсани Аллоҳ ёмон кўради”*¹⁵³.

4) Аллоҳ билан бирга қўшиб яхши кўриш

Бундай яхши кўриш ширкдир. Аллоҳ таоло деди: **“Одамлардан бир гуруҳи Аллоҳдан ўзгаларни Аллоҳга тенг қилади ва уларни Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўради. Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати эса кучлироқдир”** (Бақара, 165).

Бу билан солиҳ кишилар қабрларини силаб-сийпалаб, қабр пойига бош эгаётганларнинг қанчалар адашган экани очик маълум бўлади. Улар ўзларича: “Биз уларни яхши кўрамыз”, деб даъво қиладилар, аммо бу яхши кўриш ширкий муҳаббат эканини билмайдилар.

¹⁵¹ Абу Довуд ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (5841) саҳиҳ деган.

¹⁵² Аҳмад ва Баззор ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (5834) ҳасан деган.

¹⁵³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 7/113), Муслим (Нававий шарҳи, 2/63) ривояти.

5) Табиий муҳаббат

Инсон ўз оиласини, фарзандларини ва булардан бошқа нарсаларни яхши кўриши унинг фитратида бўлган муҳаббатдир. Муҳаббатнинг бу хили ҳалол бўлиб, агар ибодатга ёрдам берса, ўзи ҳам ибодатга айланади. Лекин маъсиятга ёрдам берса, унда гуноҳ бўлади. Тоат-ибодатга ҳам, гуноҳ-маъсиятга ҳам тортмаса, ҳалоллигича қолади.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳ йўлидан тўсадиган душманларингиз бор. Улардан эҳтиёт бўлинглар”** (Тағобун, 14).

Таваккул

Таваккул — ҳар бир ишда қалбнинг Аллоҳ таолога суянишидир. Таваккул қилиш сабаб ва воситаларни ишга солишга зид келмайди. Чунки сабабларни ишга солмаслик шариятда қораланган бўлса, сабабларгагина суяниб қолиш тавҳидга зиддир.

Аллоҳ таоло деди: **“Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига таваккул қилингиз!”** (Моида, 23).

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, Ўзи кифоя қилувчидир” (Талок, 3).

«Мусо деди: “Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, фақат Унга ишонинг, Унинг амрига таслим бўлинг! Агар мусулмон бўлсангиз, Унинг ўзигагина таваккул қилинг!”» (Юнус, 84).

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ шу оят ҳақида бундай деган: “Аллоҳ таоло таваккулни чинакам мусулмонлик белгиси қилди. Банданинг иймони кучли бўлган сари таваккули ҳам кучли бўлади. Иймони заифлашса, таваккули ҳам за-

ифлашади. Бу дегани, таваккулнинг заифлиги иймоннинг заифлигидан далолат, деганидир. Аллоҳ таоло Қуръонда таваккул билан ибодат, таваккул билан иймон, таваккул билан тақво, таваккул билан Ислому ва таваккул билан ҳидоятни бир ўринда зикр қилган. Маълум бўладики, таваккул иймон ва эҳсон даражалари ва бутун Ислому амалларининг негизидир. Таваккулнинг амалларга нисбатан тутган ўрни тананинг бошга нисбатан тутган ўрнига ўхшайди. Бош танадагина тургани каби иймон, унинг даражалари ва амаллари ҳам таваккул танасида қоим бўлади”¹⁵⁴.

Инобат – Аллоҳга қайтиш

Инобат гуноҳларга сидқидилдан тавба қилиб, Аллоҳга қайтиш демакдир.

Аллоҳ таоло деди: **“Раббингизга тоат-ибодат ва тавба билан қайтинглар ва Унга бўйин эгинглар”** (Зумар, 54).

“Тоғутга итоат қилишдан сақланган, Аллоҳга холис тоат-ибодат билан Унинг Ўзига тавба қилган кишилар учун Аллоҳнинг розилиги, жаннатдаги абадий ноз-неъматлар хушхабари бордир” (Зумар, 17).

Истионат – ёрдам сўраш

Аллоҳ таоло деди: **“Фақат Сенга ибодат қиламиз ва барча ишларимизда фақат Сендан ёрдам сўраймиз”** (Фотиҳа, 5).

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Сўрасанг Аллоҳдан сўра, ёрдам сўрасанг Аллоҳдан ёрдам сўра”**¹⁵⁵.

¹⁵⁴ “Фатҳ ал-Мажид” китоби (353-бет).

¹⁵⁵ Термизий ривоят қилиб, “ҳасан саҳиҳ” деган

Хавф — қўрқув

Аллоҳ таоло деди: **“Парвардигорининг ҳузурида туришдан қўрқиб, Унга итоат қилган бандалар учун иккита жаннат бордир”** (Раҳмон, 46).

“Раббиларининг раҳматидан умидвор бўладилар, азобидан қўрқадилар” (Исро, 57).

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен билган нарсани билганларингизда эди, оз кулиб кўп йиғлаган, тўшакларда хотинларингиз билан лаззатланмаган, чўл-даштларга чиқиб илтижолар қилган бўлар эдингиз”*¹⁵⁶.

Бошқа бир ҳадисда бундай келган: *“Ким (саҳардаги душман ҳужумидан) қўрқса, тунда йўлга чиқади. Ким йўлга чиқса, манзилига (мақсадига) етади. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг (жаннат неъматларидан бўлган) матоси қимматдир. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг матоси жаннатдир”*¹⁵⁷.

Хавфнинг турлари

Хавф икки хил бўлади:

1. Фитрий хавф

Бирон йиртқич ҳайвондан, душмандан, оловдан, золимдан ва ҳоказолардан қўрқиш хавфнинг бу хилига киради. Бундай қўрқишни Аллоҳ инсон хилқатида яратган бўлиб, у фитрий қўрқувдир.

¹⁵⁶ Термизий ривояти, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6098) “саҳиҳ” деган.

¹⁵⁷ Термизий ривоят қилиб, “ҳасан” деган.

Бундай хавф тавҳидга зид эмас, иймонга ҳам путур етказмайди, ҳатто айрим пайғамбарларда ҳам содир бўлган.

Аллоҳ таоло деди: **“Мусо ва Ҳорун: «Эй Раббимиз, у бизни зудлик билан азобга дучор қилишидан ёки туғён қилиб ҳақни қабул қилмаслигидан қўрқамиз», дейишди. Аллоҳ таоло уларга: «Қўрқманглар! Мен сизлар билан биргаман. Гапларингизни эшитиб, ишларингизни кўриб турибман», деди”** (Тоҳа, 45-46).

Бундай қўрқувга арзигулик бирон сабаб бўлса, маломат қилинмайди. Агар сабабсиз ёки арзимас сабаб билан қўрқилса, унда киши маломатга қолади ва уни “қўрқоқ” дейилади.

Қўрқоқлик Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳдан паноҳ тилаган манфур иллатлардандир.

2. Тааббудий (ибодатга, қулликка хос) хавф

Тааббудий хавф — бирон нарсани улуғлаб, унга қуллик изҳор қилиб, ғойибона қўрқишдир. Бундай хавф ёлғиз Аллоҳ таборака ва таолога хос бўлиб, Ундан ўзгага бўлиши жоиз эмас. Ким бу тариқа Аллоҳдан ўзгадан қўрқса, Исломдан чиқарадиган катта ширк қилган бўлади. Масалан, қабрда ётган ўлик унинг ўзига ё оиласи ё мол-дунёсига бирон зарар етказиши мумкин деб қўрқиши каби.

Аллоҳ таоло деди: **“Сизлар улардан қўрқманглар. Агар чиндан мўмин бўлсангиз, Мендан қўрқинглар”** (Оли Имрон, 175).

Бошқа оятда: **“Улардан қўрқасизларми? Агар чин мўмин бўлсаларингиз, қўрқишингизга лойиқроқ Зот Аллоҳдир”** (Тавба, 13).

Яна: **“Аллоҳга холис, Унинг азобидан қўрқиб ва савобини умид қилиб дуо этинглар”** (Аъроф, 56).

Демак, ибодатда қўрқув ва умид бўлади ва бўлиши лозим. Шу оятга кўра, “Мен Аллоҳга дўзахидан қўрқиб ёки жаннатини умид қилиб ибодат қилмайман”, деб даъво қиладиганларнинг адашганлиги маълум бўлади.

Фитрий ва тааббудий хавф ўртасидаги фарқ

Бу икки хавф ўртасини қандай ажратамиз?

Улар ўртасидаги фарқ очиқ ва равшандир.

Фитрий қўрқув — нафрат билан қўрқиш, тааббудий қўрқув эса муҳаббат билан қўрқишдир.

Шердан ёки душмандан қўрқаётган киши улардан нафратланиб қўрқади. Аллоҳдан қўрқаётган киши эса Уни яхши кўриб қўрқади. Шунингдек, авлиё ёки солиҳ кишиларнинг қабридан қўрқаётган мушрик ҳам уни яхши кўриб қўрқади. Демак, қўрқувнинг муҳаббат билан бирикиши айни ибодатдир.

Ражо — умид қилиш

Умид қилиш ҳам ёлғиз Аллоҳ учун бўлиши лозим ибодатлардандир.

Аллоҳ таоло деди: “**Ким Раббига йўлиқадиган куни У берадиган азобдан қўрқса ва Унинг ажру савобидан умидвор бўлса, солиҳ амаллар қилсин ва ибодатда Раббига бировни шерик қилмасин!**” (Каҳф, 110).

“**Бизга рўбарў келишни умид қилмайдиган ва охират ўрнига дунё ҳаётига рози бўлган ва унга суянган ҳамда Бизнинг оятларимиздан ғофил бўлган кимсаларнинг — ана ўшаларнинг қилмишларига жазо ўлароқ охиратдаги борар жойлари жаҳаннамдир**” (Юнус, 7-8).

Тўртинчи: Қавлий (тил билан айтиладиган) ибодатлар

Қасам

Қасам икки хилдир:

1. Аллоҳ билан қасам ичиш

Аллоҳ таоло деди: “**Айтинг: «Йўқ, Раббимга қасамки, сизлар албатта тирилиб, қабрларингиздан чиқасиз!»**” (Тағобун, 7).

Аллоҳ билан қасам ичиш Унинг исмлари ёки сифатларидан бири билан бўлади ва уч турга бўлинади:

1) Дилдан қасд қилинмаган беҳуда қасам

Аллоҳ таоло фақат тилда, ниятсиз ичилган беҳуда қасам учун бизларни жазоламаслиги У зотнинг бизга бўлган раҳматидандир.

Аллоҳ таоло деди: “**Эй мусулмонлар, Аллоҳ сизларни дилдан қасд қилмасдан тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз учун жазоламайди**” (Моида, 89).

Лекин мусулмон киши тилини тийиши ва беҳуда кўп қасам ичишдан сақланиши лозим. Аллоҳ таоло юқоридаги оят давомида: “**Эй мусулмонлар, (сизлар қасамдан четланиш билан ёки қасам ичган бўлсангиз устидан чиқиш, устидан чиқолмасангиз каффоратини ўташ билан) қасамларингизни муҳофаза қилинглар**”, деб айтган.

2) Каффорат қасами

Каффорат қасами деб келажакдаги бирон нарсага қасам ичишга айтилади.

Киши келажакда қиладиган бирон нарсага қасам ичса, сўнг ичган қасамининг устидан чиқа олмаса ёки қасам ичган ишидан бошқа иш Аллоҳ таоло наздида афзал эканини билиб, қасамини бузса, каффорати қуйидаги тартибда бўлади:

1. Ўнта камбағални тўйдиради ё уларни кийинтиради ёки бир қул озод қилади.
2. Уч кун рўза тутатади.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй мусулмонлар, Аллоҳ сизларни қасам ичишни дилдан қасд қилмасдан қасам лафзларини талаффуз қилганингиз учун жазоламайди, балки дилингизда қасамни қасд қилиб айтган сўзингиз учун жазолайди. Агар қасамингизда тура олмасангиз, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларни кийинтириш ёки бир қулни озод қилишдир. Ким шу уч нарсадан бирортасини топа олмаса, уч кун рўза тутатади. Қасамларингизда тура олмаслигингиз каффоратлари шудир. Эй мусулмонлар, қасамларингизни муҳофаза қилинглар!”** (Моида, 89).

3) Ғамус — ботирувчи қасам

Ўтмишдаги ишга ёлғондан қасам ичиш.

Бундай қасам кишини жаҳаннамга ботиргани боис “ғамус”, яъни ботирувчи деб номланган.

Бу қасамнинг каффорати йўқ. Бундай қасам ичган одам қуйидаги шартлар асосида сидқидилдан тавба қилиши лозим:

1. Ёлғон қасам билан бировнинг ҳаққини олган бўлса, уни эгасига қайтаради.
2. Ҳақ эгасини рози қилади.
3. Қилган ишига астойдил пушаймон бўлади.
4. Қайта бундай иш қилмасликка азму қарор қилади.

Ёлғон (ғамус) қасам ҳақида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким бошқа бир инсоннинг молини тортиб олиш мақсадида ёлғон қасам ичса, Аллоҳ таолога Унинг ғазабига дучор бўлган ҳолда йўлиқади”*¹⁵⁸.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғон қасамни гуноҳи кабиралар, яъни катта гуноҳлар қаторига қўшганлар: *“Катта гуноҳлар — Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш ва ёлғон қасам ичиш”*¹⁵⁹.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарлари олдида ичилган ёлғон қасамнинг гуноҳи янада катта ва улкан бўлади.

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким менинг бу минбарим олдида туриб, гарчи янги ҳўл мисвок(ни ўзлаштириб олиш) учун бўлса ҳам ёлғон қасам ичса, ўзига дўзахдан жой ҳозирлаб қўйсин”*¹⁶⁰.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини ривоят қилган: *“Бу минбар олдида туриб, бир қул ё чўри ҳўл мисвок учун бўлса ҳам ёлғон қасам ичса, дўзах унга возиб бўлади”*¹⁶¹.

¹⁵⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/212), Муслим (Нававий шарҳи, 2/158) ривояти.

¹⁵⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/555) ривояти.

¹⁶⁰ Ибн Можа (2/779), Ҳоким ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6081) саҳиҳ деган.

¹⁶¹ Ибн Можа (2/779) ривояти. Бусирий “ал-Завоид”да: “Санади саҳиҳ, ровийлари ишончли”, деган.

2. Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш

Ота-она, фарзанд, омонат ва шулар каби Аллоҳнинг махлуқотлари билан қасам ичиш. Қасамнинг бу тури кичик ширк саналиб, мусулмон киши бундан эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Насл-насаб билан, “Пайғамбар ё фалончининг ҳаёти билан” деб қасам ичиш ҳам шулар жумласидандир.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса, ширк келтирибди”*¹⁶².

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисга кўра, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Огоҳ бўлинглар, Аллоҳ таоло сизларни ота-боболарингиз билан қасам ичишдан қайтаради. Ким қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳ номи билан қасам ичсин ёки жим бўлсин”*¹⁶³.

Бурайда разияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким омонат билан қасам ичса, биздан эмас”*, дедилар¹⁶⁴.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида одамлар “Каъбага қасам!” деб айтарди. Ҳабибимиз бундан қайтариб: *“Ким қасам ичса, Каъбанинг Рабби номи билан қасам ичсин”*, дедилар¹⁶⁵.

¹⁶² Аҳмад, Термизий ривояти. Ҳоким ҳасан деган, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6080) саҳиҳ деган

¹⁶³ Муттафақун алайҳ.

¹⁶⁴ Абу Довуд (3/223) ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6079) саҳиҳ деган.

¹⁶⁵ Аҳмад ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6090) саҳиҳ деган.

Аллоҳдан бошқа билан қасам ичишнинг каффорати

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ким қасам ичса-ю, қасамида “Лот ва Уззога (жоҳилиятдаги бутлар номи) қасам” деса, ортидан “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб қўйсин*”¹⁶⁶.

Эслатма

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилади: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини отаси билан қасам ичаётганини эшитиб: «Ота-боболарингиз билан қасам ичманглар. Ким Аллоҳ билан қасам ичса, қасамида содиқ бўлсин. Кимга Аллоҳ номи билан қасам ичилса, (қасам ичувчининг қасамига) рози бўлсин. Ким Аллоҳнинг (шариати-га) рози бўлмаса, Аллоҳга бегонадир», дедилар*”¹⁶⁷.

Истиғоса – ёрдам сўраш

Ёрдам сўраш ҳам ибодатдир, Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраш жоиз эмас.

Аллоҳ таоло деди: **“Ўшанда сизлар Аллоҳдан душманларингизга қарши нусрат беришини сўраб дуо қилганингизда У дуоларингизни ижобат қилди”** (Анфол, 9).

Аллоҳ азза ва жаллагина қодир бўлган ишларда махлуқотлардан ёрдам сўраш жоиз эмас. Масалан: “Эй Ба-

¹⁶⁶ Бухорий ривояти.

¹⁶⁷ Ибн Можа (1/679) ривояти. Ҳофиз “Фатҳ ал-Борий”да (11/536) санадини ҳасан деган.

давий, менга ёрдамга етиб келинг!” ёки “Эй Хусайн, мен сизнинг ҳимоянгиздаман!” ёки “Эй Жийлоний, қўллаб-қувватлаб юборинг!..” каби. Буларнинг бари буюк Аллоҳ азза ва жаллага ширк келтиришдир.

Истиоза – паноҳ сўраш

Аллоҳ таоло деди: “Эй Пайғамбар, айтинг: «Мен тонгинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»” (Фалақ, 1).

“Эй Пайғамбар, айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан паноҳ сўрайман»” (Нос, 1).

Дуо

Аллоҳ таоло айтади: “Раббингиз деди: «Фақат Менга дуо қилинлар, дуоларингизни ижобат қиламан. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қиладиган кимсалар яқинда хор бўлган ҳолда жаҳаннамга кирадилар” (Ғофир, 60).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Дуо ибодатдир”¹⁶⁸.

Бу айтилганлардан бизга маълум бўладики, Аллоҳнинг суюкли бандалари фақат Аллоҳдан кўрқадилар, фақат Аллоҳга бўйсунадилар, фақат Аллоҳ ҳузурида ўзларини хокисор тутадилар, фақат Аллоҳдан умид қиладилар, фақат Аллоҳга таваккул қиладилар, фақат Аллоҳдан ёрдам сўрайдилар, фақат Аллоҳдан паноҳ тилайдилар, фақат Аллоҳга дуо-илтижо қиладилар, фақат Аллоҳ номи билан қасам ичадилар, фақат Аллоҳ учун қурбонлик қиладилар, фақат Ал-

¹⁶⁸ Имом Аҳмад ва “Сунан” соҳиблари ривояти, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (3401) саҳиҳ деган.

лоҳга назр қиладилар, фақат Аллоҳнинг уйи Каъбани тавоф қиладилар. Улар фойда ё зарар берувчи ҳам ёлғиз Аллоҳ, ризқ берувчи раззоқ ҳам Аллоҳ, тирилтирувчи ва ўлдирувчи ҳам Аллоҳ деб иймон келтирадилар. Ҳар бир хатти-ҳаракатларида, сўзларида ва ишларида Аллоҳ таоло мени кўриб, кузатиб турибди, деб ишонадилар. Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан кўрқадилар.

Эй Раббим, эй марҳаматли Зот! Лутфи караминг ила бизларни ҳам суюкли бандаларинг қаторида қилгин.

IXLOS
Nashriyoti

ОДАМ ЎЛДИРИШДАН САҚЛАНИШ

“(Раҳмоннинг суюкли бандалари) Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмайдиган кишилардир” (Фурқон, 68).

Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ оятдаги “**ноҳақ**” сўзи тафсирида: “Мусулмон киши диндан қайтиб муртад бўлса ёки турмуш қургандан кейин зино қилса, қатл қилинишга ҳақли бўлади”, деган¹⁶⁹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ деб ва мени Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик берган мусулмон кишининг қони ҳалол бўлмайди. Бундан қуйидаги уч ишдан бирини қилган кишининг жони мустаснодир: жонга жон (яъни ноҳақ одам ўлдирган кишидан қасос олинади), турмуш кўрган зинокор, Ислоҳ динидан чиқиб, мусулмонлар жамоасидан ажраган муртад”¹⁷⁰.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ўлдиришга ҳақли қиладиган шу уч ишдан бири содир бўлган тақдирда ҳам, оддий халқдан бирон киши ўзича ўлдириши мумкин эмас. Бу иш халифа ёки унинг ўринбосарининг ваколатидадир”¹⁷¹.

¹⁶⁹ Қуртубий тафсири, 13/76.

¹⁷⁰ Муттафақун алайҳ.

¹⁷¹ Ибн Касир тафсири, 1/534.

Мусулмонни ўлдиришнинг ёмон оқибати

Аллоҳ таоло деди: “Ким мўмин кишини қасддан ноҳақ ўлдирса, унинг жазоси Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлиш ҳамда жаҳаннамда абадий қолиш бўлади. Қилган ушбу улкан жинояти учун Аллоҳ таоло унга оғир азобни ҳозирлаб қўйгандир” (Нисо, 93).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Қиёмат куни одамлар ўртасида дастлаб қон тўкиш масаласида ажрим қилинади”, дедилар¹⁷².

Абу Ҳурайра разияллоху анҳу айтишича, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “*Етти ҳалок қилувчи ишлардан сақланинглар*”, дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?” деб сўрашган эди, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Аллоҳга ширк келтириши, сеҳргарлик, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириши, етимнинг молини ейиши, судхўрлик, жиҳод майдонидан қочиши ва покиза, иффатли муслимага (бузуқ деб) тўхмат қилиши”, деб жавоб қилдилар¹⁷³.

Ибн Умар разияллоху анҳумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Мўмин киши модомики ҳаром (яъни, ноҳақ) қон тўкмас экан, дини саломат бўлади”.

Ибн Умар разияллоху анҳумо айтдилар: “Киши ўзини унинг ичига ташлагандан сўнг чиқиши йўли йўқ бўлган ҳалокатлардан бири ноҳақ қон тўкишидир”¹⁷⁴.

Билиб қўйинг, мусулмон кишини ноҳақ ўлдириш Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида энг катта гуноҳлардан ҳисобланади, Аллоҳ асрасин.

¹⁷² Бухорий ва Муслим ривояти.

¹⁷³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 5/393), Муслим (Нававий шарҳи, 2/82) ривояти.

¹⁷⁴ Бухорий ривояти.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Дунёнинг йўқ бўлиб кетиши Аллоҳ наздида бир мусулмон кишининг қатл қилинишидан кўра энгилроқдир”*¹⁷⁵.

Баро разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса: *“Дунёнинг йўқ бўлиб кетиши Аллоҳ наздида бир мўминни ноҳақ қатл қилинишидан кўра энгилроқдир”*, деб айтилган¹⁷⁶.

Абу Саид ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Агар осмон ва ер аҳли бир мўминнинг қонини ноҳақ тўкишда иштирок этса, Аллоҳ азза ва жалла барчасини дўзахга ташлайди”*, деганлар¹⁷⁷.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мўминни қасддан ўлдиришнинг ёмон оқибатидан огоҳлантириб, шундай деганлар: *“Муширик ҳолида ўлган ёки бир мўминни қасддан ўлдирган кишининг гуноҳидан бошқа ҳар қандай гуноҳни Аллоҳ таоло кечирishiга умид қилса бўлади”*¹⁷⁸.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ўлдирилган киши қиёмат куни қотили билан бирга келади, унинг боши қотилининг қўлида, бўйин томирларидан қон оқиб турган бўлади. У: “Эй Раббим, бундан сўрагин, нега мени ўлдирди экан?!” дейди. Ҳатто ўлдирилган киши қотилни Аршга яқин келтиради”*¹⁷⁹.

¹⁷⁵ Бухорий ва Насоий ривояти.

¹⁷⁶ Ибн Можа (2/874) ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (4954) саҳиҳ деган.

¹⁷⁷ Термизий ривояти, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (5123) саҳиҳ деган.

¹⁷⁸ Абу Довуд ва бошқалар ривояти. Албоний “ас-Саҳиҳа”да (511) саҳиҳ деган.

¹⁷⁹ Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (7887) саҳиҳ деган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоятида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “*Бир киши бошқа бир кишининг қўлидан тутган ҳолда олиб келади ва: «Эй Раббим, бу мени ўлдирган», дейди. Аллоҳ таоло қотилдан: «Уни нега ўлдирдинг?» деб сўрайди. Қотил: «Иззат Сеники бўлиши учун ўлдирдим», дейди. Аллоҳ айтади: «Албатта, иззат Меникидир». Яна бир киши бошқа бир кишининг қўлидан тутган ҳолда олиб келади ва: «Эй Раббим, бу мени ўлдирган», дейди. Аллоҳ таоло қотилдан: «Уни нега ўлдирдинг?» деб сўрайди. Қотил: «Иззат фалончига бўлиши учун ўлдирдим», дейди. Аллоҳ таоло: “Иззат фалончи учун эмас!» дейди. Шунда гуноҳи ўзига юкланади*”¹⁸⁰.

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: “*Ким бир мўминни ўлдирса ва ўлдирганига хурсанд бўлса, Аллоҳ таоло ундан нафл ва фарз амалларини қабул қилмайди*”, дейилган¹⁸¹.

Қотилликка томошабин бўлишнинг ёмон оқибати

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “*Ҳеч бирингиз биров ноҳақ қатл қилинаётган ўринда турмасин. Чунки одамлар ноҳақ қатл қилинаётган кишини ҳимоя қилмасалар, у ерда ҳозир бўлган барчага лаънат тушади. Ҳеч бирингиз биров ноҳақ калтакланаётган ўринда турмасин. Чунки одамлар ноҳақ калтакланаётган кишини ҳимоя қилмасалар, у ерда ҳозир бўлган барчага лаънат тушади*”¹⁸².

¹⁸⁰ Насоий ривояти, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (8785) саҳиҳ деган.

¹⁸¹ Абу Довуд ривояти, Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6330) саҳиҳ деган.

¹⁸² Мунзирий «Тарғиб»да (4/337) айтишича, Табароний ва Байҳақий ҳасан санад билан ривоят қилган.

Зиммийни ўлдириш ҳаромлиги

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ким аҳдлашилган кишини (зиммий ёки омонлик берилган кофирни) ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туради”*¹⁸³.

Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Ким (мусулмонлар билан) аҳдлашган кишини ноҳақ ўлдирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади”*¹⁸⁴.

Бошқа ривоятда: *“Ким аҳдлашилган кишини ноҳақ қатл қилса, Аллоҳ унга жаннатнинг ҳидини ҳидлашни ҳам ҳаром қилади”*, дейилади¹⁸⁵.

Ўз жонига қасд қилиш ҳаромлиги

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят этишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, жаҳаннам ўтида шу азоб (яъни, тоғдан думалаш) билан азобланган ҳолда абадий қолади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, қўлидаги заҳарни қийналиб ичган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади. Ким ўзини тиғ билан ўлдирса, қўлидаги тиғни қорнига санчган ҳолида жаҳаннам ўтида абадий қолади”*, деганлар¹⁸⁶.

¹⁸³ Бухорий ривояти. “Фатҳ ал-Борий”, 12/259.

¹⁸⁴ Абу Довуд ва бошқалар ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6332) саҳиҳ деган.

¹⁸⁵ Аҳмад ва Насоий ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6334) саҳиҳ деган.

¹⁸⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/257), Муслим (Нававий шарҳи, 2/118) ривояти.

Собит ибн Заҳҳок разияллоҳу анҳу ривоят қилади, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ким Исломдан бошқа бирон динга қасам ичса (масалан, шуни қилсам на-сроний ё яҳудий бўлай, деса), ўзи айтганидек бўлади. Одам ўзи эга бўлмаган нарсани назр қилса, назрига вафо қилиши вожиб эмас. Ким шу дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат кунини ўша нарса билан азобланади. Ким мўминни лаънатласа ёки куфрда айбласа, уни ўлдиргандек бўлади”*¹⁸⁷.

Жундуб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Сизлардан илгари ўтган кишилардан бири жароҳат олган эди. Жароҳат оғриғига чидаёлмай, пичоқни олиб қўлини кесиб ташлади ва кўп қон йўқотиши натижасида вафот этди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам (жонига қасд қилиб,) ўлимга шошилди, шунинг учун Мен унга жаннатни ҳаром қилдим», деди”*¹⁸⁸.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: *“Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Хайбар ғазотида иштирок этдик. Исломни даъво қилиб, ўзини мусулмон санаган бир кишини: «Бу дўзах аҳлидан», дедилар саллалллоҳу алайҳи ва саллам. Жанг бошлангач, ҳалиги киши урушга кириб, қаттиқ жанг қилди. Урушда оғир жароҳат олди. Шунда: «Эй Расулulloҳ, бу дўзах аҳлидан деганингиз киши бугун қаттиқ жанг қилиб вафот этди», дейилди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «У дўзахга тушади», дедилар. Айрим кишилар шубҳалангандек бўлиб турганларида, «У ўлмаган экан, қаттиқ жароҳатланибди», деган хабар келди. Кечга бориб ҳалиги киши жароҳатига чидай олмай, ўзини ўлдирди. Бу ҳақда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва*

¹⁸⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/464), Муслим (Нававий шарҳи, 2/119) ривояти.

¹⁸⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/496), Муслим (Нававий шарҳи, 2/124) ривояти.

салламга хабар берилганида: *«Аллоҳу акбар, гувоҳлик бераманки, мен Аллоҳнинг бандаси ва элчисиман!»* дедилар. Сўнг Билол разияллоҳу анҳуга одамлар ичида: *«Жаннатга фақат мусулмон кишигина киради, Аллоҳ таоло бу динни фожир киши билан ҳам қувватлайди»*, деб эълон қилишни буюрдилар¹⁸⁹.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ўзини бўғиб ўлдирган одам дўзахда ҳам ўзини бўғади. Ўзига тиғ урган дўзахда ҳам ўзига тиғ уради. Ўзини (тоғдан ё жарликка ё оловга) ташлаб ўлган одам дўзахга ўзини ташлайди”*, деганлар¹⁹⁰.

IXLOS
Nashriyoti

¹⁸⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/179), Муслим (Нававий шарҳи, 2/122) ривояти.

¹⁹⁰ Бухорий ривояти.

ЗИНОДАН ЧЕТЛАНИШ

“**Раҳмоннинг суюкли бандалари) зино қилмайдиган кишилардир**” (Фурқон, 68). Мусулмон киши доимо иффатини ва авратини сақловчи бўлади.

Аллоҳ таоло деди: **“Улар ўз жинсий аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган ҳар қандай фаҳш ишлардан сақловчилардир. Фақат ўз хотинлари ёки чўрилари бундан мустасно бўлиб, улар билан қўшилиш ва улардан лаззат олишларида ҳеч қандай гуноҳ ва маломат йўқ. Ким ўзининг хотини ё чўрисидан бошқа билан ҳузурланишни истаса, у ҳалолдан ҳаромга ўтган бўлади”** (Муъминун, 5-7).

Қуйида буни батафсил баён қиламиз.

Жинсий аъзони зинодан сақлаш

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Зинокор зино қилаётган пайтида мўмин ҳолида зино қилмайди, ўғри ўғрилик қилаётган пайтида мўмин ҳолида ўғрилик қилмайди, ароқ (маст қилувчи ичимлик) ичувчи одам ичаётган пайтида мўмин ҳолида ичмайди”*¹⁹¹.

¹⁹¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/30), Муслим (Нававий шарҳи, 2/41) ривояти.

Абдуллоҳ ибн Зайд разияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Ҳой араблар! Ҳалокат, ҳалокат! Огоҳ бўлинглар! Мен сизлар учун энг қўрққан нарса зино ва махфий шаҳват (яъни риёкорлик)дир», деганларини эшитдим*”¹⁹².

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу қилган ривоятда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Аллоҳ таоло қиёмат кунини уч тоифа кишига — зинокор қария, ёлғончи подшоҳ ва кибри камбағалга гапирмайди, уларни покламайди, уларга қарамайди ва уларга аламли азоб бордини”¹⁹³.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу деди: “Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдан: «Аллоҳ таоло ҳузурини энг катта гуноҳ қайси?» деб сўраган эдим, «Аллоҳ таоло сени яратгани ҳолда сен Унга ширк келтиришинг», дедилар. Мен: «Ҳақиқатда бу энг катта гуноҳдир. Ундан кейин-чи?» деб сўрадим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Таоминга шерик бўлишидан қўрқиб, ўз болангни ўлдиршинг”, дедилар. Мен: “Ундан кейин-чи?” деб сўрадим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Қўшинингнинг хотини билан зино қилишинг”, деб жавоб қилдилар”¹⁹⁴.

Бундай разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Мужоҳидларнинг аёллари жиҳодга чиқмаган кишиларга худди ўз оналаридек ҳаромдирлар. Жиҳодга чиқмаган қай бир киши бирон мужоҳиднинг аҳли оиласига қараб турган бўлса-ю уларга хиёнат қилса, қиёмат кунини мужоҳид унга (даъвогар бўлиб) туради ва хоҳлаганича унинг савобларидан олади” (бир риво-

¹⁹² Табароний ривояти. Албоний “Ас-силсила ас-саҳиҳа”да (508) саҳиҳ деган.

¹⁹³ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 2/115.

¹⁹⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 8/163), Муслим (Нававий шарҳи, 2/80) ривояти.

ятда: “Нима деб ўйлайсизлар, савобларидан унга бирон нима қолдирармикин?!”¹⁹⁵.

Баччабозликдан сақланиш

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Мен умматим ҳақида энг қўрққанам Лут қавмининг ишидир*”, дедилар¹⁹⁶.

Муҳаммад ибн Мункадирдан ривоят қилинади: “Ҳолид ибн Валид Абу Бакр разияллоҳу анҳуга мактуб ёзиб, арабларнинг чекка бир қишлоғида ўзи эркак бўла туриб, эркак кишига хотин бўлган бир кимсани ушлаб олгани ҳақида ёзиб юборди. Сиддиқ разияллоҳу анҳу саҳобаларни йиғиб, кенгашди. Улар ичида Али разияллоҳу анҳу ҳам бор эди. У бундай деди: “Бу шундай гуноҳки, уни илгари фақат бир халқ (Лут қавми) қилган. Аллоҳ уларни нима қилганини яхши биласизлар. Мен у кимсани ўтда куйдиришни маслаҳат берман”. Бошқа саҳобалар ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг Абу Бакр уни ўтда куйдиришга буюрди”¹⁹⁷.

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Ҳаё қилинглар, Аллоҳ таоло ҳақни баён қилишдан уялмайди. Аёлларингизнинг орқа авратига қўшилманглар*”, деб айтганлар¹⁹⁸.

¹⁹⁵ Муслим (Нававий шарҳи, 13/41), Абу Довуд (4/8), Насоий (6/51) ривояти.

¹⁹⁶ Термизий (3/9), Ибн Можа (2/856) ривояти. Термизий ҳасан ғариб деган.

¹⁹⁷ Мунзирий «Тарғиб»да (4/325) айтишича, Ибн Абу Дунё ва Байҳақий яхши санад билан ривоят қилган.

¹⁹⁸ Абу Яъло ривояти. Мунзирий «Тарғиб»да (4/326) санадини яхши деган.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу бундай деди: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Аёлларнинг орқа авратига яқинлик қилманглар, Аллоҳ таоло ҳақни баён қилишдан уялмайди*», деганларини эшитганман”¹⁹⁹.

Ҳайвонлар билан қўшилишдан сақланиш

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “*Тўрт тоифа кимсалар Аллоҳнинг ғазабида тонг оттириб, ғазабида кеч киритадилар*”. “Улар кимлар, ё Расулуллоҳ?” деб сўрашди. “*Ўзини хотинларга ўхшатган эркаклар, ўзини эркакларга ўхшатган аёллар, ҳайвон билан яқинлик қилган кимса, эркак билан қўшилган эркак*”, дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам²⁰⁰.

Ҳоким Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган марфуъ ҳадис²⁰¹да бундай дейилган: “*Лут қавмининг ишини (яъни, баччабозлик) қилган киши малъундир. Ҳайвонларга (жинсий) яқинлик қилган киши малъундир*”²⁰².

Юқорида келган ҳадислар заиф бўлишига қарамай, ула-молар ҳайвонлар билан жинсий яқинлик қилиш ҳаромлигига иттифоқ қилганлар. Бунга қуйидаги оятнинг умумийлиги далил бўлади. Аллоҳ таоло деди: “**Улар ўз жинсий аъзоларини Аллоҳ ҳаром қилган ҳар қандай фаҳш ишлардан сақловчилардир. Фақат ўз хотинлари ёки чўрилари бундан мустасно бўлиб, улар билан қўшилиш ва улардан лаззат олишларида ҳеч қандай гуноҳ ва маломат**

¹⁹⁹ Аҳмад, Термизий (2/316) ривояти. Термизий ҳасан деган.

²⁰⁰ Табароний ва Байҳақий заиф санад билан ривоят қилган.

²⁰¹ Марфуъ ҳадис — саҳоба Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат берган сўз.

²⁰² Ҳоким заиф санад билан ривоят қилган.

йўқ. Ким ўзининг хотини ё чўрисидан бошқа билан ҳузурланишни истаса, у ҳалолдан ҳаромга ўтган бўлади” (Муъминун, 5-7).

Ҳайз пайтида аёлига қўшилиш

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким аёлига ҳайз пайтида ёки унинг орқа авратига яқинлик қилса ёки фолбинга бориб, уни тасдиқласа, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган динга кофир бўлибди”*²⁰³.

Аъзоларни зинодан сақлаш

Инсон танасидаги ҳар бир аъзонинг у ёки бу тарзда ўз зиноси бор.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Кўз зино қилади, унинг зиноси қарашдир. Тил зино қилади, унинг зиноси гапиришдир. Қўл зино қилади, унинг зиноси ушлашдир. Қалб эса хоҳлайди ва орзу қилади. Буларнинг барини жинсий аъзо ё (зино қилиб) тасдиқлайди, ё (зинодан тийилиб) ёлғонга чиқаради”*²⁰⁴.

Аллоҳ суйган бандалар барча аъзосини Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор қиладиган ҳар қандай ишдан сақлайди. Чунки улар Парвардигорлари Аллоҳ азза ва жалла ҳузурда ҳисоб-китоб учун туришларига ва қилган ҳар бир ишлари учун яхшисига мукофот, ёмонига жазо олишларига аниқ ишонган кишилардир.

²⁰³ Абу Довуд (4/15) ривояти. Албоний “Одоб ал-зифоф”да (15) саҳиҳ деган.

²⁰⁴ Бухорий ва Муслим ривояти.

Аллоҳ таолодан бизларни Ўзига давомли тоат-ибодат қилишга муваффақ этишини, яхши амалларга йўллашини ва Ўз фазли марҳамати билан бизларни жаннатга ворис бўладиган бандаларидан қилишини сўраймиз.



IXLOS
Nashriyoti

Тўққизинчи сифат

ТАВБА ҚИЛИШ

“Аmmo ким гуноҳлардан холис тавба этиб, чин иймон келтирган ҳолда солиҳ амаллар қилса, Аллоҳ уларнинг ёмонликларини яхшиликка, гуноҳларини савобларга айлантириб қўяди. Аллоҳ тавба қилган кишининг гуноҳини кечирувчи, бандаларига раҳмли Зотдир. Ким ўзи қилган гуноҳлардан тавба этиб, солиҳ амаллар қилса, бу билан Аллоҳга чинакам тавба қилган бўлади” (Фурқон, 70-71).

Аллоҳ суйган бандалар инсоний заифлик билан бирон гуноҳ қилиб қўйсалар, дарҳол гуноҳдан тийиладилар, афсус-надомат чекиб, тавбага шошиладилар. Гуноҳ қилмай туриб ҳам, амалларидаги камчиликларни эътироф этган ҳолда Раббиларига тавба этадилар, даргоҳига бош уриб қуллик қиладилар. Улар кўп тавба қилувчидирлар: ё қилган гуноҳлари учун, ё амалларидаги нуқсон-камчиликлар учун, ё комилликка етиша олмаганлари, ё бўлмаса неъматларнинг шукрини адо қила олмаганлари учун.

Аллоҳ таоло бизни Ўзига тавба қилишга амр этган: “**Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга холис ва чинакам тавба қилинглар!**” (Таҳрим, 8).

Раббимиз Аллоҳ таоло тавба нажот йўли эканини бизларга баён қилиб, яна бундай деган: “**Эй мўминлар, дунё ва охират яхшилигига эришиб нажот топишингиз учун барчангиз Аллоҳга тавба қилинглар!**” (Нур, 31).

Тавба қилиш фақат гуноҳкор-жиноятчиларга хос эмас, балки дунё ва охиратда нажот топиб, бахтли бўлишни истаган барча тавбага шошилиши керак.

Абу Хурайра разияллоҳу анху айтади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман: *«Аллоҳга қасам, мен бир кунда Аллоҳ таолога етмиш мартадан кўп тавба қилиб истиғфор айтаман»*”²⁰⁵.

Ағар ибн Ясор Музаний разияллоҳу анху ривоят этишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Эй инсонлар, Аллоҳга тавба қилиб, гуноҳингизни кечиришини сўранглар. Мен ҳам бир кунда юз бор тавба қиламан”*²⁰⁶.

Маъсум бўлган — ўтган ва келгуси гуноҳлари кечирилган Расулуллоҳ бир кунда Парвардигорларига юз маротаба тавба қилганлар!

Ҳадисдаги саноқ (“юз маротаба”) тавба ададини чегаралаш маъносида эмас, балки тавба ва истиғфор нақадар кўп айтилса, шунча яхши эканини билдириш учундир.

Бандаси тавба қилиб тоат-ибодатга қайтса, Раббимиз Аллоҳ таборака ва таоло хурсанд бўлади. Буни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяси билан сафарга чиққан кишини мисол қилиб тушунтирганлар. Яъни, йўловчи киши қуп-қуруқ сувсиз саҳрода кетаётганида туясини йўқотиб қўяди. Йўл учун олган емак-ичмаги ҳам туясига юкланган эди. Боши-адоғи кўринмайдиган бу саҳрода энди нима қиламан деб ҳайрон бўлиб қолади. Ўлимни бўйнига олиб, бир дарахт сояси остида ухлаб қолади. Бирдан уйғониб кетиб қараса, қаршисида туяси турибди! Озиқ-овқат солинган хуржун ҳам туя устида! Бирдан хурсанд бўлиб кетади. Ўрнидан сакраб туриб, Аллоҳ таолога ҳамдлар айта бошлайди. Аммо қаттиқ қувонганидан сўзларда янглишиб: “Эй Аллоҳ, Сен менинг бандамсан, мен Сенинг Раббингман!” деб юборади!

²⁰⁵ Бухорий ривояти. “Фатҳ ал-Борий”, 11/101.

²⁰⁶ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 17/24

Аллоҳ таоло бандасининг тавбасига саҳрода туясини топиб олган мана шу киши хурсандлигидан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўлади.

Мана ўша ҳадис. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Бир киши кимсасиз саҳрода бораётганида устига озиқ-овқати ортилган туяси қочиб кетди. Туяни топишдан умиди узилгач, хомуш бўлиб бир дарахт соясига бориб ётиб олди. Бир вақт қараса, туяси олдида турибди. Унинг тизгинидан тутганича, қаттиқ хурсанд бўлиб кетганидан тили адашиб: «Эй Парвардигор! Сен бандамсан, мен Раббингман», деб юборди. Аллоҳ таоло бандасининг тавбасига мана шу кишидан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўлади*”²⁰⁷.

Аллоҳ таоло бандаларини умидсиз қилмаган, аксинча, уларга тавба эшикларини ланг очиб қўйган. Бу эшиклар то қиёматнинг катта аломати кўрингунига қадар, яъни қуёш шарқдан эмас, ғарбдан чиққунигача очиқ қолади.

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилган киши тавба қилиши учун тунда қўлини очади, тунда гуноҳ қилган киши тавба қилиши учун кундузи қўлини очади. То қуёш ботиши томонидан чиқмагунича (шу ҳол давом этаверади)*”²⁰⁸.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят этишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Ким қуёш ботиши томонидан чиққунича тавба қилган бўлса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади*”²⁰⁹.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан қилинган ривоятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳ азза ва*

²⁰⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 11/102), Муслим (Нававий шарҳи, 17/63) ривояти.

²⁰⁸ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 17/76.

²⁰⁹ Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 17/25.

жалла банданинг жони бўғзига келгунига қадар қилиб қолган тавбасини қабул этади”, деганлар²¹⁰.

Абу Саид Худрий разияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Сизлардан олдин ўтганлар орасида тўқсон тўққиз одамни ўлдирган бир киши бор эди. У (тавба қилишни истаб,) ер юзидаги энг илмли киши ҳақида суриштирди. Одамлар уни бир роҳибга йўлладилар. Роҳибнинг олдига бориб, унга тўқсон тўққиз кишини ўлдирганини айтди ва: «Тавба қилсам, қабул бўладими?» деб сўради. Роҳиб: «Йўқ», деган эди, уни ҳам ўлдириб, ўлдирганлари саноғини юзтага етказиб қўйди. Кейин яна ер юзидаги энг илмли киши ҳақида суриштирди. Уни бир олимга жўнатишиди. У олимга юз кишини ўлдирганини айтди ва: «Тавба қилишимга имкон борми?» деб сўради. «Ҳа, тавба қилишдан сени нима ҳам тўсар эди? Фалон шаҳарга бор, у ерда Аллоҳга ибодат қиладиган одамлар бор. Сен ҳам улар билан бирга ибодат қил. Юртингга қайтиб келма, чунки бу ер ёмон жой», деб жавоб берди олим. У ўша шаҳар томон йўл олди. Ярим йўлга етганида ўлим фариштаси келиб унинг жонини олди. Раҳмат ва азоб фаришталари тортишиб қолишди. «У тавба қилган эди ва Аллоҳ томон кетаётган эди», деди раҳмат фаришталари. «У бирорта ҳам солиҳ амал қилмади-ку», деди азоб фаришталари. Шунда уларнинг ёнига одам қиёфасида бир фаришта келди. Фаришталар ундан ечим сўрашиди. «Иккала томон (яъни яшаган юрти ва кетаётган шаҳри)нинг ҳам масофасини ўлчаб кўринглар. У қайси томонга яқин бўлса, демак ўша томондан», деб жавоб қилди у. Улар иккала томонни ҳам ўлчаб кўришиди. Натижада у кетаётган шаҳарига яқинроқ бўлиб чиқди ва уни раҳмат фаришталари олиб кетди”²¹¹.

²¹⁰ Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис деган.

²¹¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/512), Муслим (Нававий шарҳи, 17/82) ривояти.

Имрон ибн Хусойн разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Зинодан ҳомила орттирган Жуҳайна қабиласилик бир аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг элчиси, мен ҳад (шаръий жазо) қўлланиладиган иш қилиб қўйдим. Мени жазоланг», деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлнинг валийсини чақириб: «*Бунга яхшилик қилиб, ҳолидан хабар олиб тур. Ҳомиласини туққач, ҳузуримга олиб кел*», дедилар. Аёлнинг валийси шундай қилди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлнинг (аврати очилиб кетмаслиги учун) кийимларини маҳкам боғлашга ва тошбўрон қилиб ўлдиришга буюрдилар. Сўнг ўзлари аёлга жаноза ўқидилар. Умар разияллоҳу анҳу: «Эй Расулуллоҳ, сиз унга жаноза ўқийсизми, ахир у зино қилган-ку?» деган эди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Бу аёл Мадина аҳлидан етмиш кишига тақсимланса етадиган даражада тавба қилди. Аллоҳ азза ва жалла учун ўз жонини қурбон қилган бундан кўра афзалроқ бирор кишини биласанми?!*» дедилар²¹².

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «*Агар одам боласи бир водий олтинга эга бўлса, икки водий олтинга эга бўлишни хоҳлайверади. Унинг оғзини тупроқ тўлдиради (яъни, ўлгунича мол-дунёдан тўймаган одамнинг оғзини вафот этгач қабр тупроғи тўлдиради). Ким Аллоҳга тавба қилиб, тоат-ибодатга қайтса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади*»²¹³.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «*Аллоҳ таоло икки киши ҳолидан кулади. Улардан бири иккинчисини ўлдирган бўлса ҳам, ҳар иккиси жаннатга*

²¹² Муслим ривояти. Нававий шарҳи, 11/204.

²¹³ Бухорий («Фатҳ ал-Борий», 11/253), Муслим (Нававий шарҳи, 7/139) ривояти.

киради. Бири Аллоҳ йўлидаги жангда қатл қилинади. Кейин қотилнинг тавбасини Аллоҳ қабул этиб Исломга ҳидоят қилади ва у ҳам (Аллоҳ йўлида жанг қилиб) шаҳид бўлади”²¹⁴.

Сафвон ибн Ассол разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кунботар тарафда эни қирқ (ёки етмиш) йил масофачалик бўлган бир эшик бор. Аллоҳ азза ва жалла осмонлару ерни яратган кун бу эшикни тавба учун очиб қўйган, уни то қуёш кунботар тарафидан чиқмагунига қадар беркитмайди”²¹⁵.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Жаннатнинг саккиз эшиги бор: ундан етти таси ёпиқ ва биттаси қуёш то кунботар томондан чиқмагунича тавба учун очиқдир”²¹⁶.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилишича, у зот дедилар: “Хато қилсангиз ва гарчи хатоларингиз осмонга етган бўлса ҳам тавба қилсангиз, Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилади”²¹⁷.

Мусулмон одам Аллоҳнинг раҳматидан умидини узмайди. Кофир кимсаларгина Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлади. Мусулмон доим Аллоҳнинг раҳматидан умид қилади, тавба-тазарру ва тоат-ибодат билан Парвардигорига қайтади. Аллоҳ таоло астойдил тавба қилган бандасини албатта кечиради.

Лекин билиш керак бўлган бир жиҳат бор: банда агар ҳаммадан яшириб гуноҳ қилган бўлса, тавбани ҳам яшириб қилиши лозим, Аллоҳ яширганини очиб, ўзини ўзи шарман-

²¹⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/38), Муслим (Нававий шарҳи, 13/36) ривояти.

²¹⁵ Термизий ривоят қилиб, ҳасан саҳиҳ деган.

²¹⁶ Абу Яъло ва Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

²¹⁷ Ибн Можа ривояти, 2/1419. Ҳайсамий “Завоид”да санадини ҳасан деган

да қилмаслиги керак. Аммо бирон гуноҳни ёки Аллоҳ рози бўлмайдиган ҳар қандай ишни очиқ-ошкор қилган бўлса, унга шу маъсиятда эргашганлар ҳам қайтишлари учун ошкора тавба қилиши керак.

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу бундай ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Эй Расулуллоҳ, менга насиҳат қилинг», дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қодир бўлганингча Аллоҳ таолодан қўрқ (тақво қил). Ҳар бир тош ва дарахт олдида (яъни ҳар ерда) Аллоҳни зикр қилиб юр. Бирон ёмонлик (гуноҳ-маъсият) қилиб қўйсанг, кетидан дарҳол тавба эт. Гуноҳни махфий қилган бўлсанг, тавбани ҳам махфий, ошкор қилган бўлсанг, ошкора қил», дедилар»²¹⁸.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасам, агар гуноҳ қилмасангиз²¹⁹, Аллоҳ сизларни кетказиб, ўрнингизга бошқа қавмни келтиради. Улар гуноҳ қилдилар ва истиғфор сўрайдилар, Аллоҳ уларнинг гуноҳини кечиради»²²⁰.

Абу Зар разияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганларини эшитдим: «Ким Аллоҳга бир қарич яқинлашса, Аллоҳ унга бир газ яқинлашади. Ким Аллоҳга бир газ яқинлашса, Аллоҳ унга бир қулоч яқинлашади. Ким Аллоҳ азза ва жалла томон юриб борса, Аллоҳ у томон югуриб боради. Аллоҳ энг олий ва энг улуғдир. Аллоҳ энг олий ва энг улуғдир. Аллоҳ энг олий ва энг улуғдир»²²¹.

²¹⁸ Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

²¹⁹ Бундан мақсад гуноҳга рухсат ё тарғиб эмас, асло! Балки Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати юзага чиқиши учун тақдирда битилган гуноҳларнинг содир бўлиши назарда тутилган.

²²⁰ Муслим ривояти.

²²¹ Аҳмад ва Табароний ривояти, санади ҳасан.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Аллоҳ азза ва жалла деди: «Эй одам боласи, сен Мен томонга юриш учун ўрнингдан тур, Мен сен томон юраман. Сен Мен томон юр, Мен сен томон юраман»*²²².

Абу Зар разияллоҳу анҳу ривоят этишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким қолган умрида яхшилик қилса, ўтган умри(даги гуноҳлари) кечириб юборилади. Ким қолган умрида ёмонлик (ширк, куфр) қилса, ўтган ва қолган умри учун азобга тортилади”*, дедилар²²³.

Ойша разияллоҳу анҳодан қилинган ривоятда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Агар банданинг гуноҳлари кўпайиб кетса ва уларни ўчириб ташлайдиган амаллари бўлмаса, гуноҳларига каффорат бўлиши учун Аллоҳ таоло уни ғам-ташвишга мубтало қилади”*²²⁴.

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Одам болаларининг барчаси хатокордир. Хатокорларнинг энг яхшиси кўп тавба қилувчилардир”*²²⁵.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Гуноҳдан тавба қилувчи гуноҳи йўқдек бўлади”*, деганлар²²⁶.

Яна Ибн Масъуддан ривоят қилинган бошқа ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“(Гуноҳга) афсус-надомат чекиш тавба қилишнинг айни ўзидир”*, деганлар.

²²² Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

²²³ Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

²²⁴ Аҳмад ва Баззор ривояти, санади ҳасан.

²²⁵ Аҳмад, Термизий, Ибн Можа (2/1420), Доримий (2/303) ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (4391) ҳасан деган.

²²⁶ Ибн Можа (2/1420) ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (3005) ҳасан деган.

Салафлар тавба ҳақида

Саид ибн Мусайяб раҳимахуллоҳ деди: “Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳ тавба қилиб Ўзига қайтувчи кишиларни мағфират қилувчидир»** (Исро сураси, 25) ояти гуноҳ қилиб тавба қилган, сўнг яна гуноҳ қилиб тавба қилган киши ҳақида тушган”.

Талқ ибн Ҳабиб раҳимахуллоҳ деди: “Бандалар Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиғича адо этишдан ожиздир. Шунинг учун тонг отганда ҳам, кун ботганда ҳам кўп-кўп тавба қилувчи бўлинглар”.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтган: “Содир этган хатоларини эслаганида ич-этини еб, қалбини кўрқув босган кишининг гуноҳлари номаи аъмолидан ўчирилади”.

Ривоят қилинишича, банда бир гуноҳ қилади, қилган шу гуноҳига қаттиқ пушаймон бўлиб, ниҳоятда кўп афсус-надомат қилганидан охири жаннатга киради. Шунда шайтон: «Кошки уни шу гуноҳга туширмаганимда эди», деб қолади.

Ҳабиб ибн Абу Собит раҳимахуллоҳ деди: “Қиёмат куни бандага гуноҳлари рўбарў қилинади. Гуноҳларидан бирини кўриб: «Мен бу гуноҳни қилганимдан қаттиқ пушаймон бўлган эдим», дейди. Шунда унинг бу гуноҳи кечириб юборилади”.

Ривоят қилинишича, бир киши қилиб қўйган гуноҳининг тавбаси ҳақида Ибн Масъуд разияллоҳу анхудан сўрайди. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху олдинига ундан юз ўгиради, сўнг унга ўгирилиб қараса, кўзларидан ёш оқаётган экан. Шунда: “Жаннатнинг саккиз эшиги бор. Уларнинг ҳар бири очилиб ёпилиб туради. Фақат тавба эшигини ёпмаслик бир фариштага топширилган, у ёпилмайди. Амал қилавер, ноумид бўлма”, дейди.

Абдурахмон ибн Абу Қосим раҳимахуллоҳ айтади: “Биз Абдурахим билан иккимиз кофирнинг тавбасини ҳамда Аллоҳ таолонинг: **“Эй Пайғамбар, айтинг: агар куфрдан ва пайғамбарга адоват қилишдан тийилсалар, Аллоҳ уларнинг ўтган гуноҳларини кечиради”** (Анфол, 38) оятини муҳокама қилдик. Шунда Абдурахим: «Мен мусулмон киши Аллоҳ таоло ҳузурида бундан ҳам яхшироқ ҳолда бўлади деб умид қиламан», деди.

Абдуллоҳ ибн Салом разияллоху анҳу деди: “Мен сизларга ё Аллоҳ юборган пайғамбардан ёки Аллоҳ туширган Китобдангина сўзлайман. Банда агар бир гуноҳ қилса, сўнг шу гуноҳига кўз очиб юмгунча муддат бўлса-да надомат қилса, ундан шу гуноҳи кўз очиб юмгунча вақтдан ҳам тезроқ ўчириб юборилади”.

Умар разияллоху анҳу айтди: “Кўп тавба қилувчилар билан бирга ўтиринглар, чунки улар кўнгли энг юмшоқ инсонлардир”.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ деди: “Мўмин киши ўз нафсига назоратчи бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла учун уни ҳисоб-китоб қилиб туради. Нафсини шу дунё ҳаётида ҳисоб-китоб қилиб юрган кишиларга қиёмат куни савол-жавоб енгил бўлади. Дунёда нафсини ҳисоб-китоб қилмаган кишиларга қиёмат куни савол-жавоб қийин бўлади. Мўмин киши ўзи ёқтирган нарсага: «Ҳа, мен сени хоҳлайман, сенга истагим бор, лекин қасамки, сенга етишга ҳеч бир йўл йўқ, ҳайҳот, сен билан орамиз тўсилган», дейди. Мўмин бир ноҳўя ишни қилиб қўяди. Кейин ўзига келади ва нафсини маломат қилиб: «Нима қилиб қўйдим-а, менга бунинг нима кераги бор эди? Аллоҳга қасам, қайтиб бу ишга қўл урмайман, иншааллоҳ», дейди. Мўминларни Қуръон маҳкам боғлаб туради. Уларни ҳалокатдан тўсиб туради. Мўмин киши дунёда асирдир, ўзини озод қилиш ҳаракатида юради. То Аллоҳга йўлиққунига қадар хотиржам бўлмайди. Қу-

лоғи, кўзи, тили ва бошқа барча аъзоларидан сўралишини билади”²²⁷.

Ваҳб ибн Мунаббих раҳимахуллоҳ деди: “Довуд оиласининг ҳикматларида келишича, оқил киши қуйидаги тўрт нарсага алоҳида вақт ажратиши лозим:

- 1) Парвардигорига муножот қилишга;
- 2) ўзини ҳисоб-китоб қилишга;
- 3) айб-нуқсонларини айтиб, холис насихат қиладиган биродарларини зиёрат қилишга;
- 4) кўнгли тусаган ҳалол ва гўзал нарсалардан фойдаланишга. Бу иш ундан олдинги ишларга ёрдам беради, қалбдаги зеркиш ва чарчоқни ёзади.

Бундан ташқари, оқил киши ўз замонасини яхши англаши, тилини тийиши ва ўзини тузатиш билан овора бўлиши лозим.

Яна, оқил киши қуйидаги уч нарса: охирати учун захира йиғиш, тирикчилигини ўнглаш ва ҳалолдан лаззатланиш учун саъй-ҳаракат қилиши лозим”²²⁸.

Тавбанинг қабул бўлиш шартлари

Имом Нававий раҳимахуллоҳ айтади: “Уламолар айтишларича, ҳар қандай гуноҳдан тавба қилиш вожибдир. Агар гуноҳ банда билан Аллоҳ таоло ўртасида бўлиб, инсонлар ҳақларига тааллуқли бўлмаса, учта шарти бўлади:

1. Гуноҳдан тўхташ;
2. Гуноҳ қилганига афсус-надомат чекиш;
3. Қайта гуноҳ қилмасликка азм-қарор қилиш.

Шу уч шартдан бири бўлмаса тавбаси дуруст бўлмайди.

²²⁷ Ибн Муборак. “ал-Зухд”, 103. Абу Нуайм. “ал-Ҳилия”, 2/157.

²²⁸ Ибн Муборак. “ал-Зухд”, 105.

Агар гуноҳ инсонлар ҳақларига тегишли бўлса, унда юқоридаги учта шартга яна бир шарт — бировнинг ҳаққидан халос бўлиш шарти қўшилади. Ҳақ мол-дунё бўлса, уни эгасига қайтариш керак бўлади; тухмат ва шунга ўхшаш жиноятлар учун ҳад уриш бўлса, ҳақдор ҳузурига бўйин эгиб боради ёки ундан афв тилайди; агар ғийбат бўлса, ҳаққини халол этишни сўрайди.

Гуноҳларнинг барчасидан тавба қилиш вожибдир. Барчасидан эмас, айримларидан тавба қилса, аҳли илмлар наздида, тавбаси дурустдир, бироқ қолган гуноҳларидан ҳам тавба қилиши вожиб бўлиб қолаверади”²²⁹.

Энди юқоридаги шартларни бирма-бир шарҳлаб чиқамиз.

Биринчи шарт: Гуноҳдан тўхташ

Бир гуноҳни қилиб турган кишини шу гуноҳдан тавба қилган деб бўлмайди. Тавба қилиш учун аввало гуноҳдан тийилиш лозим. Вақтинча эмас, балки буткул тийилиш зарур. Қолаверса, балоғат ёшига етган биринчи кунга қайтиб, умридан ўтган йиллар, ойлар, кунлар, ҳатто лаҳзаларни бирма-бир сарҳисоб қилиши, камчиликка йўл қўйган тоат-ибодатларини ва содир этган гуноҳларини кўздан кечириши лозим.

Сусткашлик қилиб намозни тарк этган бўлса, дарҳол қазосини адо этишга ёки ўшанча нафл намозларни ўқишга шошилиши керак.

Рўза тутмаган, рўзасини қасддан бузган ёки узр билан очган-у қазосини тутмаган бўлса, қазосини тутиши шарт бўлади.

²²⁹ Ибн Усаймин. “Нузҳат ал-муттақийн шарҳу риёз ас-солиҳийн ли ан-Нававий”, 1/32.

Закотни ўтамаган бўлса ҳам шу. Барча молларини, моли нисобга етганидан бошлаб закот бермаган йилларни ҳисоблайди. Закотда балоғатга етган бўлиши шарт эмас, моли нисобга етган бўлса, бўлди. Шунинг учун балоғатга етган кунидан эмас, моли нисобга етган кунидан бошлаб бермаган закотларини адо этиши керак.

Тўлиқ адо этмаган бошқа барча тоат-ибодатларда ҳам айни шундай қилиши лозим.

Гуноҳ-маъсиятларга келсак, банда ўтмишга қайтиб, балоғатга етган кунидан бошлаб қулоғи, кўзи, тили, қорни, қўли, оёғи, жинсий аъзоси ва бутун вужудини тафтиш қилиб чиқиши керак. Сўнг ўтган кунларига, соатларига назар солиб, барча каттаю кичик гуноҳларини эслашга, хаёлига келтиришга ҳаракат қилиши керак.

Ҳаромга қараш, жунуб ҳолда масжидда ўтириш, бир бидъат ишни диндан деб эътиқод қилиш, маст қилувчи ичимлик ичиш, мусиқа эшитиш каби бировнинг ҳаққига алоқадор бўлмаган, ўзи билан Аллоҳ ўртасида содир этган гуноҳларнинг ҳар бири учун муносиб савоб амал изласин. Чунки Аллоҳ таоло: **“Албатта, савоб ишлар гуноҳ ишларни кетказди”** (Худ, 114), деган.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳдан қўрқ ва гуноҳ иш ортидан бир савобли иш қил, гуноҳни ўчириб юборади”*²³⁰.

Каффорат ўлароқ куй-қўшиқ эшитганига Қуръон эшитсин, беҳуда давраларда ўтирганига илм мажлисларида ўтирсин, жунуб ҳолида масжидга кирганига масжидда Аллоҳ учун эътиқоф ўтирсин, маст қилувчи ичимлик ичганига ҳалол ичимликларни эҳсон қилсин, номаҳрамларга қараганига Аллоҳнинг бошқа махлуқотига — ер, осмон, дарахт каби нарсаларга қараб тафаккур қилсин. Буларнинг бари

²³⁰ Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ деган.

содир этган гуноҳига надомат чекиб, истиғфор сўраш билан бирга бўлиши лозим.

Иккинчи шарт: Қилган гуноҳига афсус-надомат чекиш

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят этишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Гуноҳга) афсус-надомат чекиш тавба қилишининг айни ўзидир”, деганлар²³¹.

“Афсус-надомат” деганда киши қилган гуноҳини эслаб ғам-қайғуга ботиши, кўзидан ёш қуйилиб, изтироб чекиши тушунилади.

Чинакам афсус-надоматнинг белгиси борми? Бор! Киши юрагини ўша гуноҳ ишининг ёқимли мазаси эмас, унинг аччиқ таъми эгалласа, гуноҳга қизиқиш ўрнини ундан нафратланиш туйғуси қопласа, демак, афсус-надомати самимийдир.

Киши бошқалардан айб ва кир қидирадиганлардан бўлмаслиги, аксинча ўзини айблаши, ўз нафсини тергаши, ҳаётда ҳар бир қадамини гуноҳдан эҳтиёт бўлиб, ҳадиксираган кўйи босиши ҳам афсус-надомат самимийлигининг белгисидир.

Учинчи шарт: Қайта гуноҳ қилмасликка азм-қарор қилиш

Киши гуноҳдан тийилган пайтда қайтиб унга қўл урмасликка азму қарор қилмас экан, унинг тавбаси дуруст бўлмайди.

²³¹ Аҳмад, Бухорий (“ат-Тарих”да), Ибн Можа ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (6678) саҳиҳ деган.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга холис ва чинакам тавба қилинглар!”** (Таҳрим, 8).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу бундай деган: “Холис тавба дегани киши бир гуноҳдан тавба қилгач, қайтиб у гуноҳни қилмаслигидир”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу эса: “Холис тавба — гуноҳ қилиб, сўнг унга қайтмаслик”, деган.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: “Шунинг учун уламолар: «Холис тавба — гуноҳдан дарҳол тийилиш, қилган гуноҳга афсус чекиш ва келажакда унга қайтмасликдир», дейишган”.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ деди: “Холис тавба — олдин гуноҳни қандай яхши кўрган бўлса, энди шундай ёмон кўриш ва уни эслаганда истиғфор айтишдир”.

Тўртинчи шарт: Зиммасидаги бировнинг ҳаққидан қутулиш

Бир киши бировнинг нарсасини ўғирлаган бўлса, сўнг гуноҳига тавба қилмоқчи бўлса, энг олдин эгасига молини қайтаради ва ундан кечирим сўрайди. Ёки бир мусулмонни ғийбат қилган бўлса, ундан розилик сўрайди.

Бу ишлар билан бир қаторда Аллоҳ таолодан тавбасини қабул этишини, уни рад этмаслигини сўраб дуо қилади. Ҳаёти давомида қайта шу гуноҳни қилиб қўйишдан қўрқиб яшайди. Мана шу қўрқув жаннатга киришга сабаб бўладиган амаллардандир. Аллоҳ таоло мўмин бандалари тилидан бундай дейди: **“Улар айтадилар: «Биз дунёда аҳли оиламиз ҳузурда эканмиз, Раббимизнинг азоби ва жазосидан қўрқар эдик. Аллоҳ бизга ҳидоят ва тавфиқ ато этди ва бизни жаҳаннам азобидан сақлади. Биз илгари ёлғиз Унинг Ўзига илтижо қилар эдик”** (Тур, 26-28).

Тавба қилувчиларнинг даражалари

Имом Ғаззолий “Ихёу улум ад-дин” китобида ёзади: “Тавба қилувчилар тўрт даражага бўлинади:

Биринчи даража. Бунда киши гуноҳига тавба қилиб, то умрининг охиригача тавбасида давом этади. Ўзидан содир бўлган камчиликларни тузатади, қўлдан бой берган эзгу ишларнинг ўрнини тўлдиришга тиришади. Гуноҳларига қайтиш тўғрисида ўйламайди. Инсончилик билан содир бўладиган кичик хато-камчиликлар мустасно. Чунки одамзот улардан холи эмас. Тавбага содиқ қолиш шудир. Бундай тавба эгаси ҳар қандай яхши амалга шошилади, гуноҳлари савобга алмаштирилади. Мана шундай тавбага “тавбайи насух” (самимий тавба) ва шу тавба эгасининг нафсига “нафси мутмаинна” (хотиржам нафс) дейилади. Бундай нафс Парвардигори ҳузурига Ундан рози бўлган ва Парвардигори ҳам ундан рози бўлган ҳолда қайтади.

Иккинчи даража. Бу даража соҳиби асосий ибодатларни бажаришда ва барча катта гуноҳларни тарк этишда истиқомат йўлини тутган тавба қилувчидир. Лекин у айрим гуноҳлардан қутула олмайди.

Бу гуноҳларни беҳосдан, олдиндан режалаштирмаган ҳолда содир этади, кейин ўзини маломат қилиб, надоматлар чекади, шу гуноҳларга етакловчи сабаблардан сақланишга янгидан азм-қарор қилади.

Бундай нафс “маломатчи нафс” деб номланишга лойиқдир. Зеро, бу нафс ўз эгасини йўл-йўлакай шармандали аҳволларга тушиб қолишдан маломат қилиб туради.

Тавбанинг бу даражаси биринчи даражадан қуйи бўлса-да, юқори даражалардан ҳисобланади. Аксар тавба қилувчилар айни шу даражага мансубдирлар. Буларга Аллоҳ таолонинг гўзал ваъдалари бор: “**Улар** (яъни, жаннатга сазовор бўлган кишилар) **майда гуноҳлардан бошқа катта**

гуноҳлардан, фаҳш ишлардан узоқ бўладиган кишилардир. Албатта, Раббингиз мағфирати кенг бўлган Зотдир” (Нажм, 32).

Нафс унга ўрганиб қолмаган ҳолда, бехосдан содир бўлган ҳар қандай кичик хато-камчилик афв этиладиган майда гуноҳлар сирасига киради.

Аллоҳ таоло айтади: **“Яна улар бирон катта гуноҳ қилиб қўйсалар ёки кичикроқ гуноҳлар билан ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эсга олиб, Ундан гуноҳларини кечиришини сўрайдиган кишилардир”** (Оли Имрон, 135).

Улар ўзларига зулм қилган бўлсалар-да, бунга афсус-надомат чекиб, ўзларини маломат қилганлари учун Аллоҳ таоло уларни мақтади.

Учинчи даража. Бунда киши тавба қилади ва бир қанча муддат истиқоматда давом этади. Сўнг айрим гуноҳларда хоҳиш-истаги устун келиб, яна шу гуноҳни қилиб қўяди. Бехосдан эмас, шахватини, хоҳиш-истагини енга олмай, ўзи истаб қилади. Шу билан бирга, тоат-ибодатини ҳам давом эттираверади ва айрим гуноҳларни қилишга қодир бўлса-да, кўнгли тусаб турса-да, уларга қўл урмайди. Уни шу битта ё иккита гуноҳга бўлган хоҳиш-истаги енга олади, холос. Ўша гуноҳни қилаётганида ҳам Аллоҳдан шу гуноҳга бўлган хоҳиш-истагини йўқ қилишини ва уни енгиб ўтишга куч-қувват беришини сўрайди, унинг ёмонлигидан Ўзи асрашини орзу қилади. Гуноҳни қилгач эса, надомат чекади, ўзига-ўзи: “Эҳ, қанийди шуни қилмаганимда эди. Тавба этдим, бошқа қайтариб қилмайман. Энди бу ёғига нафсимни, шахватимни енгишга жидду жаҳд кўрсатаман”, дейди. Лекин йўлдан урувчи нафси уни васваса қилаверади ва тавбасини кечиктириб, ортга суриб юборади.

Бу нафсни “нафси мусаввила” (йўлдан урувчи нафс) дейилади.

Бундай нафс эгалари ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган: **“Бошқа бир кишилар ҳам бор: улар ўз гуноҳларини**

эътироф этади, аммо солиҳ амалларни ёмон амаллар билан аралаштириб қўйган бўлади. Шояд Аллоҳ уларни тавбага муваффақ қилса ва тавбаларини қабул этса” (Тавба, 102).

Бундай киши тоат-ибодатда давом этаётгани ҳамда уни енгиб қўйган гуноҳларни ёмон кўриши сабабидан мағфират этилиши умид қилинади. Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул этиб, гуноҳларини кечирса, ажабмас. Лекин, шу билан бирга, тавбани кечиктириши, ортга суриши барибир хатарли бўлиб, тавба қилишга улгурмай ажали келиб қолиши мумкин. Бу ҳолда унинг иши Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола бўлиб қолади.

Тўртинчи даража. Бунда киши гуноҳига тавба қилади, бир қанча муддат тавбасида давом ҳам этади, сўнг яна гуноҳ ёки гуноҳлар қилишга қайтади. Лекин учинчи даражадаги тавба қилувчи билан бунинг фарқи — бу тавба қилишни хаёлига келтирмайди ва гуноҳ қилиб қўйганига афсус-надомат ҳам чекмайди. Балки ғофил кишилардек хоҳиш-истагига эргашишга ботиб кетади.

Бундай киши гуноҳга ружу қўйганлар сафида бўлади. Бу нафсга “нафси аммора” (гуноҳларга жуда кўп ундовчи нафс) дейилади. Бу ҳолдаги кишиларнинг ёмон хотима топиши эҳтимоли катта”²³².

Бир киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Расулulloҳ, энг яхши киши ким?” деб сўради. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “*Умри узун ва амали гўзал бўлган киши*”, дедилар. У: “Энг ёмон киши-чи?” деган эди: “*Умри узун ва амали ёмон бўлган киши*”²³³, деб жавоб бердилар.

²³² Имом Ғаззолийнинг “Иҳёу улум ад-дин” китобидан (12/2139-2144 бетлар) қисқартириб олинди.

²³³ Термизий саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРМАСЛИК

“Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермайдилар” (Фурқон, 72).

Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида бундай деган: “Ёлғон ва ботил бор жойга келмайдилар ва унга томошабин бўлмайдилар. Оятдаги (“ёлғон” деб таржима қилинган) “зур” калимасидан мурод ҳар қандай ботил сўз ва хатти-ҳаракатлардир”²³⁴.

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ушбу оятдаги “ёлғон гувоҳлик бериш”дан бировга қасддан ёлғон гувоҳлик бериш назарда тутилган”²³⁵.

Ёлғон гувоҳлик беришни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳи кабиралардан санаганлар.

Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан гуноҳи кабиралар ҳақида сўрашди. Шунда ул зот саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдирш ва ёлғон гувоҳлик бериш», деб жавоб қилдилар”²³⁶.

Ёлғон гувоҳлик беришни ҳатто энг катта гуноҳ деб ҳисоблаганлар.

²³⁴ Қуртубий тафсири, 13/79.

²³⁵ Ибн Касир тафсири, 3/329.

²³⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 5/261), Муслим (Нававий шарҳи, 2/82) ривояти.

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Туноҳларнинг энг катталари ҳақида сизларга хабар берайми?”* деб уч марта сўрадилар. Саҳобалар: *“Айтинг, эй Расулulloҳ”,* дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш”,* дедилар-да, ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олиб: *“Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш! Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш”,* деб такрорлайвердилар. Ҳатто биз: *“Қанийди тўхтасалар”,* деб қолдик²³⁷.

Бу ишнинг гуноҳи ва жамиятга келтирадиган зарари бениҳоят каттадир. Чунки у жамиятдаги мезонларнинг бузилишига мазлум қолиб, золимга ёрдамчи бўлишга олиб боради. Шу боис Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғон гувоҳлик беришга жиддий эътибор қаратдилар, ҳолатларини ўзгартириб, ёнбошлаган жойларида ўтириб олдилар ва тингловчилар қалбига мустаҳкам ўрнашиб олсин деб такрор ва такрор қайтардилар.

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ ҳадис шарҳида *“Ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олдилар”,* деган иборани қуйидагича изоҳлайди:

“Ҳолатларини ўзгартириб, ўтириб олишлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гуноҳга алоҳида эътибор қаратганларини, шунингдек, бу гуноҳнинг ҳаром ва ўта жирканч эканини англатади.

Бунчалик катта эътибор берганларининг сабаби — ёлғон сўзлаш ёки ёлғон гувоҳлик бериш одамлар орасида осон ва кенг тарқалган бўлиб, кўпчилик бунга енгил қарайди, унча писанд қилмайди.

Ширкдан мусулмон кишининг қалби жирканади, ота-онага оқ бўлишни инсон табиати қабул қилмайди. Аммо ёлғон сўзлаш ёки ёлғон гувоҳлик беришга келсак, адоват,

²³⁷ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 5/261), Муслим (Нававий шарҳи, 2/81) ривояти.

ҳасад ва шу каби унга ундовчи омиллар кўп. Бинобарин, бу иллатга жиддий эътибор беришга эҳтиёж бор.

Ёлғон гувоҳлик беришга бу қадар алоҳида эътибор қаратилиши унинг гуноҳи ширқдан ҳам оғир бўлгани учун эмас, балки ширқдан фарқли ўлароқ, унинг зиёни ёлғон гувоҳлик берувчининг ёлғиз ўзига чекланмай, бошқаларга ҳам таъсир кўрсатиши сабабидандир. Ширқнинг зарари эса кўпинча шахснинг ўзигагина чекланади”²³⁸.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху: “Ёлғон гувоҳлик бериш Аллоҳга ширқ келтириш билан тенглаштирилган”, деди уч бор ва ушбу оятни ўқиди: **“Ифлосликдан, яъни бутлардан ва ёлғон сўздан узоқ бўлинглар. Буни сизлар Аллоҳга ширқ келтирмаган ва ботилни ташлаб, ҳаққа юз тутган ҳолда қилинглар”** (Ҳаж, 30-31)²³⁹.

“Кабоир” китобининг муаллифи айтади: “Ёлғон гувоҳлик бериш гуноҳи кабира саналишида шундай гувоҳлик билан ўзлаштириб олинган молнинг кам ё кўплигининг аҳамияти йўқ. Шунингдек, унинг ортидан кимгадир жуда катта зарар етиши ҳам шарт эмас. Шу боис у ширқ билан бир ўринда зикр қилиниб, унга тенглаштирилди. Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам одам ўлдириш ва зино каби катта гуноҳлар ҳақида сўзлаганларида у зотда кузатилмаган ғазабланиш ва такрорлаш ёлғон гувоҳлик бериш ҳақида сўзлаганларида кузатилгани унинг нақадар оғир гуноҳ эканига далолат қилади”.

“Завожир” китобида айрим уламолардан нақл қилинишича: “Агар гувоҳлик берувчи ёлғон сўзласа, учта гуноҳни: ёлғон сўзлаш гуноҳини, золимга ёрдам бериш гуноҳини ва мазлумни ёрдамсиз ташлаб қўйиш гуноҳини ўзига юклаб олади”.

²³⁸ Фатхул Борий, 5/263.

²³⁹ Мунзирий «Тарғиб»да (4/269) айтишича, Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

Ривоят этилишича, “Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ёлғон гувоҳлик берган кишини қирқ дарра урдирар, сочини қирдирар, юзига қорақуя суртар ва бозорда айлангириб сазойи қилдирар эди”²⁴⁰.



IXLOS
Nashriyoti

²⁴⁰ Қуртубий тафсири, 13/80.

ЛАҒВ-БЕҲУДА ИШЛАРДАН ЮЗ ЎГИРИШ

Аллоҳ таоло деди: **“Лағв-беҳуда ишлар ёнидан ўтиб қолсалар, юз ўгириб ўтиб кетадилар”** (Фурқон, 72).

Имом Қуртубий раҳимахуллоҳ айтади: “Ҳар қандай паст, ярамас, бефойда сўз ва ишларга «лағв» дейилади. Бунга куй-қўшиқ ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам киради”. Сўнг оятдаги: **“юз ўгириб ўтиб кетадилар”**, деган жумлани шарҳлаб, бундай дейди: “Бунинг маъноси: уни инкор қилиб, рози бўлмай, юз ўгириб ўтиб кетадилар. Лағв аҳли билан бирга ўтирмайдилар, яъни, ботил ва беҳуда ишларга кирмайдиган олийжаноб кишилардек юз ўгириб ўтиб кетадилар”²⁴¹.

Аллоҳ таоло деди: **“Мўминлар дарҳақиқат нажот топдилар. Улар намозларида хушу билан турадилар. Улар ҳар қандай фойдасиз сўз ва ишлардан юз ўгирувчилардир”** (Муъминун, 1-3).

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: “Барча гуноҳлар лағвдир”, деган.

Уламолар мусиқа ҳаром эканига учта оятни далил келтиришган:

1. Аллоҳ таоло айтади: **“Одамлар ичида шундай кимсалар бор, улар одамларни адаштириб ҳидоят йў-**

²⁴¹ Қуртубий тафсири, 13/80-81.

лидан ҳой-ҳаваслар йўлига буриб юбориш учун ва Аллоҳнинг оятларини истехзо қилиш учун беҳуда сўзни сотиб олади. Ана ўшаларга шармандали, хорловчи азоб бордир” (Луқмон, 6).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анҳудан “беҳуда сўз” ҳақида сўрашганида: “Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ Аллоҳга қасам ичиб айтаман, у куй-қўшиқдир!” деб жавоб қилган²⁴².

2. Аллоҳ таоло айтади: “Эй мушриклар, сизлар ҳали Қуръондан ажабланасизми?! Қуръонни масхара қилиб, куласизми?! Унда айтилган таҳдидлардан қўрқиб, йиғламайсизми?! Сизлар Қуръондан юз ўгирган ғофилларсиз!” (Нажм, 59-61).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анҳумо ушбу оятдаги “ғофиллар” деб таржима қилинган “сомидун” калимаси тафсирида бундай деган: “У ҳимярликлар (Ямандаги бир қабила) тилида “куй-қўшиқ айтувчилар” маъносини англатади. Улар Қуръон оятларини эшитса, ўйин-кулги қилар эди”²⁴³.

3. Аллоҳ таоло айтади: “Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзгат” (Исро, 64).

Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ: “Оятда айтилган “овоз”дан мурод қўшиқ ва мусиқақадир”, деб айтган²⁴⁴.

Аллома Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтган²⁴⁵: “Аллоҳнинг душмани лаънати шайтоннинг илмсиз ва содда одамларни алдайдиган ҳийла-найрангларидан ҳамда жоҳил ва нобакор кимсалар қалбини овлайдиган тузоқларидан бири куй-қўшиқ, ҳуштак ва чапақдир. Бу

²⁴² Ибн Касир тафсири, 3/442; Қуртубий тафсири, 14/51.

²⁴³ Қуртубий тафсири, 14/51.

²⁴⁴ Қуртубий тафсири, 14/51.

²⁴⁵ Ибн Қаййим, «Ифосат ал-лахфон мин масойид аш-шайтон», 1/224-254 бетлар.

куй-қўшиқ қалбларни Қуръондан тўсиб, уни фисқ ва маъсият гирдобига тортади. У шайтоннинг “қуръони”, Раҳмон таолодан тўсувчи қалин девор, баччавозлик ва зинокорликнинг сеҳр-жодусидир. У билан суюқоёқ ошиқ ўз маъшуқасидан кўзлаган мақсадига етади. Лаънати шайтон куй-қўшиқ билан нобакор кимсаларни йўлдан уради, найранг ишлатиб мусиқани уларга чиройли кўрсатади, мусиқанинг яхшилигини исботлаш учун улар кўнглига ботил шубҳалар солади. Натижада одамлар шайтоннинг васвасасига учиб, мусиқани ҳалол санайди ва Қуръондан узоқлашади. Эҳ-ҳе, сиз уларни куй-қўшиқ тинглаётганларида кўрсангиз эди: овозлар тинади, ҳаракатлар тўхтади, қалблар унга буткул боғланади, куй-қўшиқ ичига шўнғиб кетади. Тингловчилар худди маст одамдек тебраниб, хотинчалиш кимсаларга ўхшаб ноз-карашма қиладилар”.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ яна дейди: “Раҳмоний оҳангга зид бўлган бундай шайтоний оҳангнинг шариятда ўндан ортиқ номи бор. «Лаҳв», «лағв», «хуштак», «чапак», «зинога чорловчи», «шайтоннинг қуръони», «қалбда нифоқ ўстирувчи», «аҳмоқ товуш», «фожир товуш», «шайтоннинг товуши», «шайтоннинг карнай-сурнайи», «самуд-ғафлат» шулар жумласидан”.

Биринчи ном: лаҳв, беҳуда сўз

Аллоҳ таоло айтади: “Одамлар ичида шундай кимсалар бор, улар одамларни адаштириб ҳидоят йўлидан ҳой-ҳаваслар йўлига буриб юбориш учун ва Аллоҳнинг оятларини истехзо қилиш учун беҳуда сўзни сотиб олади. Ана ўшаларга шармандали, хорловчи азоб бордир” (Луқмон, 6).

Воҳидий ва бошқалар айтади: “Аксар муфассирларнинг фикрича, оятдаги «беҳуда сўз»дан мурод куй-қўшиқдир”.

Қатода раҳимахуллоҳ деди: “Инсон адашишига ҳақ сўз-ни қўйиб, ботил сўзни танлаши етарлидир”.

Иккинчи ном: ёлғон, лағв

Аллоҳ таоло деди: **“Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермайдилар ва лағв-беҳуда ишлар ёнидан ўтиб қолсалар, юз ўгириб ўтиб кетадилар”** (Фурқон, 72).

Муҳаммад ибн Ҳанафия раҳимахуллоҳ деди: “Оятдаги «лағв-беҳуда ишлар»дан мурод куй-қўшиқдир”.

Луғатда “лағв” сўзи “бекор”, “ташландиқ” маъноларини англатади. Демак, ундай бандалар ботил ўтириш, давра ва мажлисларга қатнашмайдилар, ҳар қандай беҳуда, бекорчи сўз ва ишлар ёнидан ўтиб қолсалар, унга томошабин, мойил ва хайрихоҳ бўлишни ўзларига эп кўрмай юз ўгириб кетадилар.

Шунингдек, мушрикларга оид байрамлар, куй-қўшиқлар ва умуман ботилнинг барча тури лағв қабилидандир.

Аллоҳ таоло лағвдан юз ўгириб кетган бандаларини бундай деб мақтаган: **“Улар ботил сўзларни эшитса, унга қулоқ тутмайди ва: «Бизнинг амалларимиз ўзимизга, биз улардан воз кечмаймиз. Сизларнинг амалларингиз ҳам, уларнинг гуноҳи ҳам ўзингизга», дейди”** (Қасас, 55).

Тўртинчи ном: ботил

Ботил ҳақнинг зиддидир.

Муҳаммад ибн Қосимдан Убайдуллоҳ сўради:

- Куй-қўшиқ ҳақида нима дейсиз?
- У ботилдир.
- Ботиллигини биламан. Унинг жойи қаерда деб ўйлайсиз?
- Ботил қаерда бўлади, деб биласан?
- Дўзахда.
- Куй-қўшиқ ҳам шундай.

Бир киши Ибн Аббос разияллоху анҳумодан:

- Куй-қўшиқ ҳақида нима дейсиз, у ҳалолми ёки ҳаромми? деб сўради.
- Аллоҳнинг Китобида нима ҳаром дейилган бўлса, шундан бошқасини ҳаром демайман, деб жавоб қилди.
- Унда ҳалолми?
- Ҳалол демайман.

Сўнг Ибн Аббос сўровчининг ўзидан:

- Қиёмат куни ҳақ билан ботил келганида куй-қўшиқ қайси бирида бўлади? деб сўради.
- Ботил билан бирга бўлади, деди у киши.
- Боравер, ўзингга ўзинг фатво бериб бўлдинг, деди Ибн Аббос разияллоху анҳумо.

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: “Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анҳумонинг бу жавоби ароқ, зино, баччабозлик ва номахрам аёллар мадҳ этилмаган, мусиқа асбоблари аралашмаган аъробийларнинг қўшиқлари ҳақида эди. Уларнинг қўшиқлари юқорида саналган ботиллардан холи бўлган. Агар саҳобалар ҳозирги бу куй-қўшиқларни кўрганида эди, у ҳақда жуда кескин сўз айтган бўлар эдилар. Чунки ҳозирдаги куй-қўшиқларнинг фитна ва зарари маст қилувчи ичимликнинг фитна ва зараридан чандон-чандон каттадир”.

Бешинчи ном: ҳуштак ва чапак

Аллоҳ таоло деди: “Уларнинг Масжидул ҳаромда қиладиган ибодатлари фақат ҳуштак ва чапак чалишдан иборат эди” (Анфол, 35).

Ибн Аббос, Ибн Умар, Атийя Авфий, Мужоҳид, Заҳҳок, Ҳасан ва Қатодалар оятдаги (ўзбекчага «ҳуштак ва чапак чалиш», деб таржима қилинган) «муко ва тасдия»ни ана шундай тафсир қилишган.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ деди: “Аллоҳ таоло эркакларга намозда эҳтиёж туғилиб қолган тақдирда ҳам чапак чалишни жорий қилмаган. Аксинча, аёлларга ўхшаб қолмасликлари учун эркакларни намоз ичида зарурат бўлиб қолса тасбеҳ айтишга буюрган. Энди, эҳтиёжсиз чапак ва ҳуштак чалиб, яна бунга турли гуноҳларни қўшсалар, қандай бўлади?!”

Олтинчи ном: зинога чорловчи

Куй-қўшиққа бундай исмни Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ берган. Ҳақиқатда бу исм куй-қўшиққа жуда монанд, унга ўта муносиб номдир.

Язид ибн Валид дейди: “Эй Бани Умайя, куй-қўшиқдан сақланинглар. Куй-қўшиқ ҳаёни камайтиради, шаҳватни орттиради, мурувватни вайрон қилади. Куй-қўшиқ маст қилувчи ичимлик ўрнини босади, мастлик инсонни не қўйга солса, куй-қўшиқ ҳам шу қўйга солади. Борди-ю, ундан четланишдан ожиз қолсангиз, уни аёллардан узоқлаштиринг, аёлларга айттирманг, чунки куй-қўшиқ зинога чорловчидир”.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: “Аллоҳга қасам, куй-қўшиқ сабаб неча-неча ҳур ва озод аёллар фоҳишага айланди, қанчадан-қанча озод эркаклар ёш болаларга ва қизларга қул бўлди. Яна қанча ор-номусли инсон одамлар

ичида бадном бўлди. Не-не бойлар қашшоқлашиб, хору зорликда қолди. Тинч-омон юрган кишилар куй-қўшиққа илакишиб турли балоларга йўлиқди. Бошларга ғам-ғуссалар солган, неъматларни йўқ қилган, одамга азоб ва жазолар тоттирган ҳам куй-қўшиқдир”.

Еттинчи ном: нифоқ ундирувчи

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анху дейди: “Сув экинни ўстиргани каби, куй-қўшиқ ҳам қалбда нифоқни ундиради”.

Ибн Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: “Шуни билингки, куй-қўшиқда қалбни нифоқ билан буркашда таъсири бўлган ўзига хос хусусиятлар бор. Экинлар сув билан унганидек, қалбдаги нифоқ куй-қўшиқ билан униб-ўсади. Қалбни Қуръонни фаҳмлаш, уни тадаббур қилиш ва унга амал қилишдан тўсиши ва чалғитиши куй-қўшиқнинг хусусиятларидандир. Зеро, Қуръон билан куй-қўшиқ бир-бирига зид бўлганидан қалбда асло жамланмайди. Қуръон ҳавои нафсга ва шайтоннинг йўллариغا эргашишдан қайтаради. Ифбатли бўлишга ҳамда нафс шаҳватларидан, гуноҳга етакловчи омиллардан четланишга буюради. Куй-қўшиқ эса бу нарсаларнинг зиддига буюриш билан бирга, уни гўзал қилиб кўрсатади, нафсни шаҳвоний эҳтирослар сари қўзғатади. Куй-қўшиқ қалб жосуси, мурувват ўғриси, ақл кушандасидир. У қалбларнинг туб-тубига сизиб киради ва ундаги сир-асрорларни билиб олади.

Бир кишида вазминлик, салобат, ақл ва иймон гўзаллиги, Ислому виқори ва Қуръон ҳаловатини кўрасиз. Ана шу киши куй-қўшиқ эшитса ва унга мойил бўлиб қолса, ақли пасаяди, ҳаёси камаяди, муруввати кетади, гўзаллик, салобат ва виқор уни тарк этади. Бундан шайтони хурсанд бўлади, иймони Аллоҳга шикоят қилади, Қуръон унга оғир, машаққатли бўлиб: «Эй Раббим, мен билан душманинг

(шайтоннинг) қуръони (қуй-қўшиқ)ни бир қалбда жамламагин», деб нола қилади”.

Саккизинчи ном: шайтоннинг қуръони

Қатода раҳимаҳуллоҳ дейди:

“Иблис ерга туширилгач:

— Эй Раббим, мени лаънатга дучор этдинг, энди нима менинг амалим бўлади? деб сўради.

— Сехр, деди Аллоҳ.

— Қуръоним нима?

— Шеър.

— Китобим нима?

— Вашм (татуировка).

— Таомим нима?

— Ҳар қандай ўлакса ва Аллоҳ номи зикр қилинмай сўйилган жонлиқ.

— Ичимлигим нима?

— Ҳар қандай маст қилувчи нарса.

— Уйим қаерда?

— Бозорларда.

— Товушим нима?

— Мусиқа асбоблари.

— Овлаш жойим нима?

— Аёллар”.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳнинг раҳматидан қувилган шайтондан, у сабаб қалбга келади-ган кибрдан, фисқ-фужури (ёмон шеърлар, қуй-қўшиқлар)дан ва унинг васвасаси (сабабли етадиган ўлим ва мажнунлик)дан паноҳ тилаб Аллоҳга илтижо қиламан”²⁴⁶.

²⁴⁶ Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти.

Тўққизинчи ном: аҳмоқ товуш

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аҳмоқлик ва фожирлик саналган икки овоздан: хурсандчилик пайтида ўйин-кулги ва шайтоннинг карнай-сурнайидан чиққан овоздан ҳамда мусибат пайтида юзни тимдалаб, кийимларни йиртиб уввос солишдан чиққан овоздан қайтарилдим”²⁴⁷.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ деди: “Икки овоз: хурсандчиликдаги куй-қўшиқ ва мусибат пайтида уввос солиб йиғлаш лаънатлангандир”.

Фуқаҳоларнинг куй-қўшиқ ҳақидаги сўзлари

1. Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ деди: “Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг шогирдлари карнай-сурнай, ноғора ва бошқа мусиқа асбобларининг барча турини эшитиш ҳаромлиги ва унинг фосиқликни келтириб чиқарадиган гуноҳ эканини очиқ айтганлар”.
2. Имом Молик раҳимаҳуллоҳ деди: “Бундай ишларни (яъни куй-қўшиқ эшитишни) бизда фосиқ кимсаларгина қилади”.
3. Имом Шофеий раҳимаҳуллоҳ деди: “Куй-қўшиқ сафсата ва ботилга ўхшаш ёмон кўрилган, беҳуда ишдир. Ким қайта-қайта шу ишни қилса, гувоҳлиги қабул қилинмайдиган аҳмоқ бўлади”.
4. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ деди: “Куй-қўшиқ қалбда нифоқни ўстиради. Мен уни ёқтирмайман”.

Демак, Аллоҳ суйган бандалар йўлини тутиб, муҳсин даражасига чиқишни истаган кишилар ёлғон ва туҳмат йиғин-

²⁴⁷ Термизий ривоят қилиб, ҳасан деган.

ларидан, фисқ-фужур ва гуноҳ давраларидан узоқ туришлари лозим. Аксинча, яхшилик, эзгулик йиғин ва давраларига қатнашиб, Аллоҳ таолонинг розилигини топишга ҳаракат қилишлари керак.

АЛЛОҲНИНГ АМРИГА БЎЙСУНИШ

“Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) Қуръон оятлари билан панд-насихат қилинсалар, худди кар ва кўрдек ўзларини эшитмаганга ва кўрмаганга солиб олмайдилар” (Фурқон, 73).

Қатода раҳимаҳуллоҳ деди: “Ҳақни эшитишдан кар, кўришдан кўр бўлиб олмайдилар. Аллоҳга қасам, улар ҳақни англаб етиб, Аллоҳнинг Китобидан эшитган нарсаларидан фойда оладиган зотлардир”²⁴⁸.

Мўмин кишининг доимий ҳоли шу: унга Аллоҳ таолодан ёки Расулидан бирон амр-фармон келса, тезда уни бажаришга киришади.

Аллоҳ таоло деди: **“Ҳақиқий мўминлар ўз ўрталарида ҳукм қилиши учун Аллоҳнинг китобига ва пайғамбарининг ҳукмига чақирилган пайтдаги одатлари ўша ҳукмни қабул қилиш ва: “Бизга айтилган ҳукмни эшитдик ва унга чорлаган Зотга итоат қилдик”, деб айтиш эди. Ана ўшалар нажот топган кишилардир”** (Нур, 51).

Бошқа бир оятда бундай дейди: **“Эй пайғамбар, Раббингизга қасам, то улар ораларида содир бўлган низоларда сизни ўзларига ҳакам қилмагунларича ва қилган ҳукмингиздан кўнгилларида танглик топмай, унга тўла**

²⁴⁸ Ибн Касир тафсири, 3/329.

таслим бўлмагунларича ҳақиқий мўмин бўла олмайдилар” (Нисо, 65).

Раббимиз Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларни яхшиликка шошилишга амр этиб бундай дейди: **“Аллоҳга ва Расулига итоат қилиш билан Раббингизнинг мағфиратини ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводор зотлар учун ҳозирлаб қўйган бепоён жаннатини қўлга кириштишга шошилишгиз!”** (Оли Имрон, 133).

Бошқа бир оятда айтади: **“Мусобақалашувчилар мана шу абадий ноз-неъматларга етишиш борасида мусобақа қилишсин”** (Мутаффифин, 26).

Аллоҳ суйган бандалар Аллоҳнинг буйруқларигагина итоат қилиб, уни бажарадилар ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгагина эргашадилар.

Саҳобалар (разияллоҳу анҳум) Аллоҳ таолонинг буйруқларини бажаришга шошилиш жиҳатидан ҳаммага ўрнак, намуна эди. Ҳижоб ояти нозил бўлган пайтдаги ансорларнинг аёлларига қаранг: ҳаммаси ўша заҳоти кийимларидан йиртиб олдилар-да, Парвардигорлари буюрганидек устларига ёпинчиқ қилиб, юзларини ёпдилар.

Оят оқшомда нозил бўлган эди, улар тонг отишини ҳам кутиб ўтиришмади. Дарҳол кийимларидан бошларига рўмол-ёпинчиқ қилиб олдилар ва бомдод намозини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан рўмол ўраган, бош ва кўкраklarини тўсган ҳолда ўқидилар. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Сафийя бинти Шайба разияллоҳу анҳо ривоят қилади: “Биз Ойша разияллоҳу анҳо ҳузурида ўтирганимизда Қурайш аёллари ва уларнинг фазилатлари ҳақида сўз кетди. Шунда Ойша разияллоҳу анҳо: «Ҳа, дарҳақиқат, Қурайш аёлларининг ўзларига хос фазилатлари бор. Лекин мен, Аллоҳга қасам, Аллоҳнинг Китобини тасдиқлашда ва нозил бўлган оятларга иймон келтиришда ансорларнинг аёлларидан афзал аёлларни кўрмадим! «Нур» сурасидаги **“Рўмоллари**

билан юзларини ёпган ҳолда кўкрак ва бўйинларига ҳам ўрасинлар” ояти нозил бўлди. Ансор эркаклар ўзларига қарашли хотин-қизларга бу оятларни тиловат қилиб бердилар. Улардан бири ўз аёлига, қизларига, опа-сингилларига ва бошқа қариндош аёлларга Аллоҳ уларга туширган ушбу оятни тиловат қилиб берар экан, ҳар бир аёл дарҳол Аллоҳ уларга Қуръонда нозил қилган ҳукмларни тасдиқлаш ва унга иймон келтириш учун устки кийимларидан йиртиб бошига рўмол қилиб ёпиниб олишди. Эрталаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида (бомдод намозини ўқир эканлар) барчаларининг бошида ёпинчиғи бор, худди бошларига қора қарға²⁴⁹ кўниб олгандек эди²⁵⁰.

Раббимиз Аллоҳ таоло мўминларни васф қилиб, бундай деди: **“Ҳақиқий мўминлар Аллоҳ зикр қилинганида қалбларига қўрқув тушадиган, Қуръон оятлари тиловат қилинганида иймонлари яна ҳам ортадиган ва Аллоҳгагина таваккул қиладиган — суянадиган кишилардир”** (Анфол, 2).

Мўминлар Аллоҳ азза ва жалланинг сўзини эшитганларида иймонлари ортади, Аллоҳнинг зикрини эшитсалар, қўрқувлари янада ошади.

Аллоҳ таоло деди: **“Бирон сура нозил қилинса, мунофиқлар ичидан айримлари инкор этиб, истехзо билан: “Бу сура қай бирингизнинг иймонини орттирди?!” дейди. Бу суранинг нозил бўлиши иймон келтирган кишиларнинг иймонларини зиёда қилди. Улар Аллоҳ (ўзларига) берган иймону ишончдан хурсанд бўлишади. Қалбларида нифоқ ва шак-шубҳа марази бўлган кимсаларга эса, сура нозил бўлиши илгариги нифоқларига нифоқни, шак-шубҳаларига шак-шубҳани зиёда қилди,**

²⁴⁹ Қарға тим қора бўлгани учун аёлларнинг қора рўмоллари ранг жиҳатидан унга ўхшатишган (Тарж.).

²⁵⁰ Абу Довуд ривояти.

холос. Улар Аллоҳга ва Унинг оятларига кофир бўлган ҳолларида ҳалок бўлишди” (Тавба, 124-125).

Саҳобаларнинг Аллоҳ таоло амрларини бажаришга нақадар шошилишганига яна бир мисол келтирамиз. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Байтул мақдисга юзланиб ўн олти ёки ўн етти ой намоз ўқидилар. Сўнг юзларини Масжидул ҳаромга буриш ҳақида илоҳий амр келди. Каъбага юзланиб ўқилган илк намоз аср намози бўлди. Намоз тугагач, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан асрни ўқиган кишилардан бири бир қавмнинг олдидан ўтаркан, (қибла Каъбага ўзгартирилганидан хабарсиз ҳолда) Байтул мақдис тарафга қараб намоз ўқишаётганини кўрди ва: “Аллоҳ номи билан гувоҳлик бериб айтаман, мен ҳозиргина Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Каъба тарафга юзланиб намоз ўқидим”, деди. Саҳобий шу сўзни айтганида намоз ўқиётган қавм руку ҳолатида эди ва шу рукуда турганича Каъба томонга бурилдилар”²⁵¹.

Саҳобаларнинг Аллоҳ амрини бажаришга шошилишини кўринг! Улар намоз тугашини кутиб ўтирмадилар, балки руку қилиб турган ҳолларида бурилдилар. Субҳоналлоҳ! Нақадар покиза қалб эгалари, нақадар сара инсонлар улар!

Энди саҳобалар билан “Раббингнинг амрига итоат қилиб рўмол ўра!” десангиз, “Турмушга чиқсам ўрарман”, деб жавоб берадиган ҳозирги ёшлар ўртасини солиштириб кўринг!

Ҳаром қилинмасидан олдин аксар саҳобалар ароқ ичар эдилар. Сўнг Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзлари нозил бўлди: “**Эй иймон келтирганлар, албатта, ароқ, қимор, бутлар ва (фол очиш учун ишлатиладиган) ёйлар шайтон чиройли кўрсатадиган гуноҳ ишлардир. Бу гуноҳлардан узоқлашинглар, шояд нажот топсангизлар! Албатта, шайтон ароқ ичиш ва қимор ўйнаш сабабли ораларин-**

²⁵¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/95) ривояти.

гизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан чалғитишни истайди, холос. Энди сизлар бундан тийилинглар!” (Моида, 90-91). Шунда уларнинг барчалари: “Тийилдик, эй Раббимиз, тийилдик!” деб шу заҳоти мазкур ишлардан узоқ бўлдилар.

Энди сиз бу саҳобалар билан “Чекишни ташла!” дегангиз, унинг зарари ва ҳаром эканини билатуриб: “Секин-секин ташлаб юбораман, бир ой ичида чекишни буткул ташлайман”, дегувчилар ўртасини солиштиринг.

Субҳоналлоҳ! Ким унга бир ой умр кўришига кафил бўла олади?!

Ўн учинчи сифат

ХОТИН ВА ЗУРРИЁТНИНГ СОЛИҲЛИГИНИ ТИЛАБ ДУО ҚИЛИШ

Аллоҳ таоло айтади: **“Улар: «Эй Раббимиз, бизларга кўзларимизни қувнатадиган (солиҳа) жуфтлар ва (солиҳ) зурриётлар ато эт» дейдилар**” (Фурқон, 74).

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: “Аллоҳ суйган бандалар пуштларидан, зурриётларидан Аллоҳга итоат этадиган, Унга бирон нарсани шерик қилмай ёлғиз Ўзига ибодат қиладиган авлодлар чиқаришини сўраб дуо-илтижо қиладилар”.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтади: “Аллоҳ суйган бандалар ушбу дуолари билан Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилишни канда қилмайдиган зуриёт беришини, буни кўриб дунёю охиратда кўзлари қувониб юришини назарда тутишган”.

Икрина раҳимаҳуллоҳ айтади: «Улар (кўзни қувонтирадиган жуфт ва зурриётлар деганда уларнинг) ой юзли, чиройли бўлишларини эмас, балки Аллоҳга тоат-ибодат қиладиган бўлишларини назарда тутганлар».

Ибн Журайж раҳимаҳуллоҳ юқоридаги оят тафсирида бундай деган: “Сенга ибодат қиладиган, ибодатни гўзал суратда адо этадиган ҳамда бизни иснодга қолдирмайдиган (жуфт ва зурриётлар)”²⁵².

²⁵² Қаранг: “Тафсир Ибн Касир”, 3/329.

Солиҳа хотиннинг фазилати

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: *“Дунё бир матодир. Унинг матолари ичида энг яхшиси солиҳа аёлдир”*²⁵³.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда эса, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Кимга тўрт нарса берилган бўлса, унга дунёю охират яхшилиги берилибди. Улар: шукр қилувчи қалб, зикр қилувчи тил, бало-мусибатларга сабр қилувчи бадан, ўзида ва эрининг молида хиёнат қилмайдиган хотин”*²⁵⁴.

Савбон разияллоҳу анҳу айтади: *“Аллоҳ таолонинг: «Тилла ва кумушни босиб ётадиган, уларнинг закотини ўтамайдиган ва вожиб ҳақларини чиқармайдиган кимсаларга аламлантирувчи азоб хабарини беринг»* (Тавба, 34) ояти тушганида биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдик. Айрим саҳобалар: *«Бу оят олтину кумушлар ҳақида туширилди. Қайси мол яхши эканини билсак эди, шуни жамғарган бўлардик»*, дейишди. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«(Молнинг) афзали зикр қилувчи тил, шукр қилувчи қалб ва эрининг иймонига ёрдам берадиган мўмина хотин»*, деб жавоб қилдилар²⁵⁵.

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Уч нарса одам боласининг бахт-саодатидан ва уч нарса унинг бахтсизлигидандир. Бахт-саодатидан бўлган*

²⁵³ Муслим ривояти.

²⁵⁴ Мунзирий «Тарғиб»да (4/113) айтишича, Табароний «Кабир» ва «Авсат»да яхши санад билан ривоят қилган.

²⁵⁵ Ибн Можа, Термизий ривояти. Термизий ҳасан санаган.

*уч нарса солиҳа хотин, яхши уй ва яхши улов бўлса, бахтсизлигидан бўлган уч нарса ёмон хотин, ёмон уй ва ёмон уловдир*²⁵⁶.

Солиҳа хотинга эришиш йўллари

1. Дуо

Мусулмон киши Аллоҳ азза ва жалладан солиҳа хотин насиб этишини сўраб кўп дуо қилиши лозим. Зеро, барча ишлар Унинг қўлидадир. Ким яхшию, ким ёмонлигини ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи билади. Аллоҳ таборака ва таоло деди: **“Фақат Менгагина дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларнинг дуоларингизни қабул қиламан”** (Ғофир, 60).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Дуо ибодатдир”*²⁵⁷.

2. Диндор аёл танлаш

Аллоҳ таолодан солиҳа хотин сўраган мусулмон киши дуо билангина чекланиб қолмайди, балки бунинг учун сабабларни ишга солиб, диндор аёл қидиради. Чунки ҳақиқий диндор, тақводор аёлгина эрига бахт келтиради, Парвардигорини рози қилади ва фарзандларига гўзал тарбия беради. Диндор аёл деганда Аллоҳ таолонинг амрларини бажаришга қаттиқ тиришадиган, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва сал-

²⁵⁶ Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (3523) ҳасан деган.

²⁵⁷ Аҳмад ва «Сунан» соҳиблари ривояти. Албоний “Саҳиҳ ал-жомеъ”да (3401) саҳиҳ деган.

лам суннатларига эргашадиган, у зотга итоат этадиган, динини яхши ўрганган, зоҳиру ботинда унга мустаҳкам амал қиладиган аёл назарда тутилади.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Аёл кишига тўрт нарса: бойлиги, насл-насаби, чиройи ва дини учун уйланилади. Барака топкур, сен диндорини танла”*²⁵⁸.

3. Истихора қилиш

Мусулмон киши диндор аёл топганидан сўнг, унга уйланиш борасида Аллоҳдан истихора қилиши лозим бўлади. Чунки ҳар бир ишнинг махфий жиҳатларини, одамлар қалбидаги яширин сирларни ёлғиз Аллоҳ таологина билувчидир.

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга Қуръондан сура ўргатгандек ҳар бир ишда истихора қилишни ҳам ўргатиб, шундай дер эдилар: *“Бирортангиз бир иш қилишни дилига тугса, фарз намозидан бошқа икки ракаат (нафл) намоз ўқисин-да, сўнгра айтсин: “Ё Аллоҳ, илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуғ фазлингни сўрайман. Зеро, Сен қодирсан, мен ожизман, Сен билувчисан, мен билмайман, Сен ғайбни билувчисан. Ё Аллоҳ, агар мана шу ишим — ҳожатининг номини айтди — динимда, ҳаётимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охирагимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт. Агар мана шу ишим — ҳожатининг номини айтди — динимда, ҳаётимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охирагимда мен учун ёмон бўлса, уни мандан ва мени ундан узоқлаштир. Қа-*

²⁵⁸ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насойй ва Ибн Можа ривояти.

*ерда бўлса ҳам менга яхшилиқни тақдир қил ва мени тақдиримдан рози қил*²⁵⁹.

4. Аёлига динни ўргатиш

Аёлининг солиҳа бўлишини истаган эр унга дин асосларини ўргатиши керак. Унга қандай қилса Аллоҳга ҳақиқий иймон келтириб, соф тавҳидга эга бўлишини, Аллоҳнинг исм ва сифатларига Унинг улуғлигига лойиқ тарзда иймон келтиришни, Аллоҳ ҳақида қандай эътиқод қилиши кераклигини, нималарни Аллоҳга нисбат берса бўлади-ю, нималар жоиз эмаслигини, бандаларга вожиб бўлган иймон арконларини, Ислом ҳукмларини, ҳалол ва ҳаром масалаларини, ибодат турлари ва қонун-қоидаларини таълим бериши, амал қилишга ундаши ва қизиқтириши зарур. Хоссатан намозни вақтида ўқишни, фарз ва суннатларини, намозни бузадиган ишлар ва макруҳларини ўргатиши лозим. Аллоҳнинг аёллар устидаги ҳақлари, эр-хотин ўртасидаги ҳақлар, ахлоқ-одоб, қалб саломатлиги, уни ҳасад ва буғзу адоват иллатидан сақлаш, тилни ғийбат, чақимчилик, ҳақорат ва ёлғондан тийиш каби ибодатларни ўргатиб, бу ишларнинг барида имкони борича хотинига йўл-йўриқ кўрсатиши, кузатиб туриши керак.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланглар. Дўзах устида куч-қувватли, раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрларига асло хилоф қилмайдиган ва ўзларига буюрилган ишни албатта бажарадиган малоикалар турур”** (Таҳрим, 6).

²⁵⁹ Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

Али разияллоҳу анҳу айтади: “Аҳли оилангизга одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия беринг”.

Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ айтади: “Аллоҳдан қўрқинг ва оилангизни ҳам тақвога буюринг”.

Заҳҳок раҳимаҳуллоҳ дейди: “Оиласи, хизматкори ва кулларига Аллоҳ уларга фарз қилган амаллар ва қайтарган ишларни ўргатиши ҳар бир мусулмоннинг бурчидир”.

Солиҳ фарзандга эришиш йўллари

Мусулмон киши ўзидан кейин қолдирадиган энг яхши хазина солиҳ фарзанддир. Зеро, бундай фарзанд ота-онаси ҳаётлик чоғида ҳам, ўлганларидан кейин ҳам уларга наф келтиради.

Шунинг учун Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *“Банда вафот этгач барча амали тўхтайди. Фақат уч амал: садақаи жория, фойдали илм, ота-онасига дуо қиладиган солиҳ фарзанд бундан мустасно бўлиб, (уларнинг савоби ўлимдан кейин бандага етиб туради)”*²⁶⁰.

Мусулмон киши солиҳ фарзандга эришиш учун сабабларни ишга солиши лозим. Жумладан:

1. Фарзандлар учун она танлаш

Фарзандлари солиҳ бўлишини истаган киши аввало уларга иймон-этиқодли, Аллоҳнинг ҳаққига, эри ва фарзандларининг ҳаққига риоя этадиган, фарзандни қандай тарбия қилишни яхши биладиган она танлаши керак. Чунки она фарзанд етишиб чиқадиган мадрасадир.

²⁶⁰ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти.

Шайх Муҳаммад Муқаддам айтади: “Ўтмишда ўтган улўғларимиз сийратини ўқир экансиз, қон томирида буюк онанинг қони оқиб турганини, хулқи ва хилқати унга тортганини кўрасиз. Нега шундай бўлмасин! Зеро, бошқа аёллардан фарқли ўлароқ, муслима онада турли тарбия воситалари мужассам бўлади. Бу эса унга ўғил болалар хулқ-атворини билиш, уларга таъсир ўтказиш, қалбига йўл топиш, унга гўзал ахлоқ асосларини сингдириш имконини беради.

Зубайр ибн Аввом разияллоҳу анҳуни олайлик. Уни онаси Сафийя бинти Абдулмутталиб тарбиялаб, вояга етказган. Натижада у онасининг табиати ва феъл-атвори асосида ўсиб-улғайган.

Зубайр ибн Аввомнинг ўғиллари Абдуллоҳ, Мунзир ва Урва каби тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахслар оналари Асмо бинти Абу Бакр тарбиясининг мевасидир.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ёшлик чоғида ҳикмат ва гўзал фазилатларга тўлиб-тошган икки қалб орасида тарбия топди, униб-ўсди. Тонгда онаси Фотима бинти Асад билан бўлса, кечга бориб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Хадича бинти Хувайлид ёнида бўлар эди.

Араб аслзодаларининг саййиди Абдуллоҳ ибн Жаъфар отадан эрта айрилиб, онаси олийнасаб ва буюк фазилат соҳибаси Асмо бинти Умайс қўлида тарбия топди.

Араб ўғлонлари ичида қобилияти, фаросати ва ақл-идроки билан яққол ажралиб турган Муовия ибн Абу Суфён отасидан олмаган кўп хислатларни онаси Ҳинд бинти Утбадан олди. Айтилишича, Ҳинд қўлида ёш ўғли Муовияни кўтариб турганида: “Муовия катта бўлса, қавмига бошлиқ бўлади!” деб айтишганида, Ҳинд: “Фақат қавмига бошлиқ бўладиган бўлса, йўқ бўлиб кетсин!” дейди. Муовия разияллоҳу анҳу қобилият ва ақлда кимдир билан рақобатлашиб қолса, онасига ўзини нисбатлаб, рақибига дангал: “Мен Ҳинднинг ўғлиман!” дер эди.

Энг олийжаноб, одил ва буюк подшоҳлардан бўлган Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳнинг онаси Умму Осим бинти Осим ибн Умар ибн Ҳаттоб замонасининг энг баркамол ва етук аёлларидан бири эди. Умар ибн Ҳаттоб разияллоху анху ўғли Осимга олиб берган келини Умму Осимнинг онаси бўлади. Турмушга чиқишдан олдин онасига қилган насиҳатида²⁶¹ тилидан чиққан тўғри сўзидан бошқа бу қизнинг фахрланадиган бойлиги ҳам, улуғ насл-насаби ҳам йўқ эди. Умар ибн Абдулазизнинг хулқ-атвори бобоси Умар Форук разияллоху анхунинг табиати ва хулқ-атворига ўхшашига шу аёл сабабчи бўлган бўлса ажаб эмас.

Амир Абдурахмон Носир Андалус волийси эди. Андалус фитналар билан тўлиб тошган, қонга ботган нотинч вилоятлардан бўлган. Кўп ўтмай у амирга тўлиқ бўйсунди. Сўнг бошқа вилоятларни фатҳ қилиш учун қўшин олдига тушиб жангга отланади. Бир жангнинг ўзида етмишта кўрғонни ишғол этди. У Франциянинг марказига, ҳатто Швейцария ерларигача кириб борди. Италиянинг чекка вилоятларини ҳам қўшиб олди. Бу юртларнинг бари унга бўйсунди, унинг шавкатидан титратди.

Қуртуба (Кордова) шаҳри минбарларида аббосий халифа номи тилга олинадиган, амр-фармойишлари унинг номи билан ижро этиладиган амирлик маркази эди. Амир Абдурахмон Носир даврига келиб Қуртуба халифалик пойтахтига айланди. Оврупа ҳукмдор ва подшоҳлари ўртала-

²⁶¹ Ривоят қилинишича, Умар ибн Ҳаттоб разияллоху анху Мадина бозорларидан бирида юрганида ёнида ёш қизи билан сут сотаётган бир кампирни кўради. Кампир сутга сув қўшмоқчи бўлганда қизи: “Онажон! Сутга сув қўшманг, одамларни алдаманг!” дейди. Умар разияллоху анху сутчи кампирнинг ёнига келиб: “Бу қиз ким?” деб сўрайди. У: “Қизим”, деб жавоб беради. Умар ибн Ҳаттоб разияллоху анху бу тўғриси сўз қизни ўғли Осимга келин қилади. Мана шу қиз Умар ибн Абдулазизнинг она томондан бувиси бўлган эди (“Авдатул Ҳижоб” (2/142) китобидан олинди).

рида ҳукм чиқарилиши учун Қуртубага мурожаат қилишар, турли халқларнинг олиму файласуфлари илм олиш учун у ердаги илм даргоҳларига қатнар эдилар.

Бундай буюклик ва иззатнинг сири нима эканини биласизми? Ҳа, бунинг сири аёлдир!

Абдурахмоннинг амакиси отасини қатл этгач, етимликда ўсди. Оқибатда, уни тарбияси ёлғиз онасининг зиммасида қолди. Онаси уни баркамол, етук инсон қилиб тарбиялади. Натижа қандай бўлганига юқорида ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

Суфён Саврий... У зотнинг ким эканини биласизми?!

У арабларнинг фақиҳ ва муҳаддис олими бўлган. Кенг тарқалган олти мазҳабдан бирининг имоми, ҳадис илмида мўминлар амиридир. У ҳақда Зоида раҳимаҳуллоҳ бундай деган эди: “Суфён Саврий мусулмонлар саййидидир”. Имом Авзойи раҳимаҳуллоҳ эса: “Уммат бир овоздан рози бўладиган кишилардан Суфён Саврийгина қолди, холос”, деган.

Бундай буюклик ва машҳурлик ортида солиҳа она турибди. Тарих бизга бу онанинг исмини сақлаб қолмаган бўлса-да, унинг фазилати, қилган ишлари ва тутган ўрни ҳақида маълумотлар қолдирган. Жумладан, имом Аҳмад Вакеъдан ривоят қилишича, Суфён Саврийнинг онаси унга: “Эй ўғлим, ҳеч нарсани ўйлама, фақат ўқи, илм талабида бўл. Мен ип йигириб сенга пул етказиб тураман”, деган.

Меҳрибон она ўғли чалғимамай ўқиши учун тиним билмай ишлар ва топган пулини ўғлига юборар эди. Моддий ёрдам билан чекланмай, маънавий тарафини ҳам ўйлар, ўғлига тинимсиз насихат ва кўрсатмалар берар эди. Имом Аҳмад ривоят қилишича, бир куни у ўғлига шундай дейди: “Эй ўғилчам, ўнта ҳарф ёзсанг, ўзингга бир назар сол. Билиминг ўсиши билан бирга Аллоҳдан қўрқининг, ҳалимлигинг ва вазминлигинг ҳам ортибдими, йўқми? Агар ортмаган бўлса, шуни билки, бу ҳарфлар сенга зарар келтиради, фойда бермайди» .

Бу гаплардан хабардор бўлган киши Суфён Саврий динда бундай даражага эришганига, буюк имом бўлганига ажабланмай қўяди. Қандай ҳам ажаблансин, ахир, у шундай тақводор, насихатгўй ва меҳрибон она қўлида ўсиб-улғайган ва вояга етган бўлса!

Навбатдаги қаҳрамонимиз Шом аҳлининг ишончли имоми ва фақиҳ олими Абу Амр Авзой раҳимахуллоҳ. Имом Авзой ҳақида Абу Исҳоқ Фазорий бундай деб айтган: “Авзой ва Суфён Саврийдек инсон кўрмадим. Авзойнинг илм ҳалқалари омма халққа муносиб бўлса, Суфён Саврийники илм аҳлига, талабаларга муносиб эди. Агар уммат учун улардан бирини танлаш ҳуқуқи менга берилганда Авзойни танлаган бўлар эдим. Чунки у Суфён Саврийга нисбатан кенг қамровли, халқбоп киши эди. Аллоҳга қасам, Авзой чинакам пешво бўлган эди”.

Уламолар Авзойнинг пешволиги, буюк имом экани, улуғ мартаба ва етук фазилат соҳиби бўлганига бир овоздан иттифоқ қилишган.

Салафи солиҳларнинг Авзойнинг тақвоси, зоҳидлиги, ибодати, ҳақда собитлиги, кўп ҳадис билиши, ўта илмлилиги, суннатни маҳкам тутиши, фасоҳатда моҳирлиги, ўша замондаги турли ўлка олимларининг унга бўлган ҳурмати, улуғ мартабасини эътироф этганлари ҳақидаги гаплари кўп ва машҳурдир.

Бу катта олим ҳам буюк она меҳнатининг самараси, ҳосилдир.

Имом Заҳабий Валид ибн Мазид Байрутийдан ривоят қилади: “Авзой Баълабакка шаҳрида дунёга келди. Онасининг қарамоғида етим ва фақир ҳолда ўсиб-улғайди, тарбия топди. Бундай тарбияни ҳатто подшоҳлар ҳам ўз фарзандларига бера олмайдилар. Авзой бирон яхши сўз гапирган бўлса, албатта, уни эшитган кимса (ҳикматли сўз бўлганидан уни қайд этишга) эслаб қолишга муҳтож бўлар эди. Унинг қаҳқаҳа отиб кулганини кўрмаганман. Агар охират

ҳақида гапирадиган бўлса, вожаб, мажлисда йиғламаган киши қолмас эди”.

Имом Моликнинг устози Рабеа Раъйнинг онаси ҳам юқорида айтилган буюк оналардан бўлган эди. У эри ғазотга кетиш олдидан қолдирган ўттиз минг динор пулни ўғлининг таълим-тарбияси учун сарфлади. Рабеа онасининг қорнида эканида кетган ота ўғли улғайиб катта олим бўлиб етишгач қайтади ва қолдирган катта маблағни ўғлининг буюк олим бўлиб етишиши учун сарфлаган хотинидан бағоят миннатдор бўлади. Фойдали тижорат қилганига тасаннолар айтади.

Бу қиссани Ибн Халликон ривоят қилган: “Умавийлар халифалиги даврида Рабеа Раъйнинг отаси Фаррух Хуросон диёрига юборилган қўшин сафида ғазотга чиқади. Бу вақтда хотини Рабеага ҳомиладор эди. Фаррух хотинига ўттиз минг динор қолдириб кетади ва шу кетганича йигирма етти йилдан сўнг Мадинага қайтади. Қўлида найза билан отига минганича Мадинага кириб, тўғри уйига келади. Отидан тушиб эшикни найзаси билан итаради. Эшикни очган Рабеа найза ушлаб турган нотаниш кишига: “Эй Аллоҳнинг душмани, уйимга хужум қилмоқчимисан?” дейди. Фаррух: “Эй Аллоҳнинг душмани, ўзинг уйимга кириб олибсан-ку!” деб бир-бирларига ташланадилар. Ғала-ғовурни эшитган қўшнилар югуриб чиқишади. Бу ҳолнинг хабари Молик ибн Анасга ҳам етади. Одамлар тўпланиб Рабеага ёрдам беришга тушадилар. Шовқин авж олади. Икки олишаётган эса бир-бирига: “Сени шундоқ қўйиб юбормайман!” дер эди. Имом Молик етиб келади. Уни кўргач, ҳамма жим бўлиб қолади. Имом Молик Фаррухга: “Отахон, бу уйдан бошқа жойлар ҳам бор, сизни ўша ерга жойлаштирайликми?” деганида, Фаррух: “Бу менинг уйим! Мен Фаррухман!” дейди. Ҳовлида туриб бу сўзни эшитган хотини ташқарига чиқиб: “Бу киши эрим бўлади, бу эса ўғлим. Унга ҳомиладор эканимда ғазотга чиқиб кетган эди. Ўғлим кейин туғилган”, дейди. Бир-бирининг ёқасидан ушлаб турган ота-бола энди бир-бирларини

кучоқлаб йиғлайдилар. Фаррух ҳовлига кириб: “Шу йигит менинг ўғлимми?” дейди. Хотини: “Ҳа, ўғлинг!” дейди. Бир пайт Фаррух: “Сенга қолдирганим динорларни олиб чиқ!” деб қолади. Шунда хотини каловланиб: “Бир ерга кўмиб қўйган эдим, олиб чиқаман”, деб жавоб қилади.

Сўнг одатига кўра Рабеа масжидга чиқиб, дарс ҳалқасига келиб ўтиради. Молик, Ҳасан ва булардан бошқа Мадина аҳлининг олиму фузалолари унинг атрофидан жой оладилар. Одамларнинг кўзлари Рабеага қадалган эди.

Фаррухнинг хотини: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига чиқиб намоз ўқиб келмайсизми?” дейди. Фаррух: “Ҳа, албатта”, деб масжидга чиқиб кетади. Масжидга киргач, кўпчилик йиғилиб ўтирган дарс ҳалқасига кўзи тушади. Даврага яқинлашиб, қулоқ солиб туради. Дарс ўтаётган Рабеа отасини кўрмаганга олиб бошини бир оз эгиб олади. Бошига узун қалпоқ кийиб олган эди. Шайхни ўғлига ўхшатган Фаррух: “Дарс бераётган шайх ким?” деб сўрайди. “Бу киши Рабеа ибн Абу Абдурахмон бўладилар!” деган жавобни эшитган Фаррух: “Аллоҳ таоло ўғлимнинг мартабасини юқори қилибди!” деб уйига қайтади ва Рабеанинг онасига: “Ўғлингни шундай юқори мартабада кўрдимки, бундан олдин бирон олимни бундай ҳолда кўрмаган эдим!” дейди. Рабеанинг онаси фурсатдан фойдаланиб: “Сизга қай бири яхши: ўттиз минг динорми ёки ўғлингизнинг шу ҳолатими?” деб сўрайди. Фаррух: “Албатта, ўғлимнинг шу ҳолати-да!” деб жавоб қилади. Рабеанинг онаси: “Сиз қолдирган динорларнинг ҳаммасини ўғлимизга сарфладим”, дейди. Шунда Фаррух: “Аллоҳга қасам, бекорга сарфламабсан”, дейди²⁶².

Муслима аёл, мусулмон она мана шундай бўлади! Уйида ўтириб мусулмон жамияти учун бебаҳо бойликлар етишти-

²⁶² “Авдат ал-ҳижоб” китоби, 2/141-145 бетлар.

риб, башариятни яхшиликка, тўғри йўлга етаклайдиган буюк шахсларни тайёрлаб беради.

2. Дуо

Мусулмон киши Аллоҳ таолога дуо қилиб, унга икки дунёда нафи тегадиган солиҳ фарзанд ато этишини сўраши лозим. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **“Эй Пайғамбар, бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, сиз уларга айтинг, Мен уларга яқинман, дуо қилувчи Менга дуо қилса, уни ижобат қиламан”** (Бақара, 186).

3. Уйланганда айтиладиган дуо

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Биронтангиз уйланса ёки хизматчи (қул, чўри) сотиб олса бундай десин: «Эй Аллоҳ, Сендан унинг ва Сен унга берган хулқ-атворнинг яхшилигини сўрайман, унинг ҳамда Сен унга берган хулқ-атворнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман». Агар туя сотиб олган бўлса, ўрқачининг учидан ушлаб худди шу дуони айтсин!”*²⁶³.

4. Аёлига қўшилиш олдидан айтиладиган дуо

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Би-*

²⁶³ Абу Довуд ва Насойй ривоят қилган. Шайх Албоний “Тахрижу ал-калими ал-тоййиб” китобида (122) ҳамда “Одобу ал-зифоф” китобида (17-18) ҳасан деган.

рортангиз аёлига қўшилмоқчи бўлса, ушбу дуони айтсин: «Бисмиллаҳ (Аллоҳ номи билан), Парвардигоро, биздан ва Ўзинг бизга ризқ қилиб беражак фарзанддан шайтонни йироқ қил». Шундан сўнг ўрталарида фарзанд бўлса, шайтон унга асло зарар беролмайди»²⁶⁴.

5. Янги туғилган чақалоқ қулоғига азон айтиш

Янги туғилган чақалоқ қулоғига азон айтиш мустаҳаб амалдир. Буни бир қанча сабаблари бор:

а) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган суннат бўлгани учун.

Абу Рофеъ разияллоҳу анҳу деди: “Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ибн Али разияллоҳу анҳумо туғилганида қулоғига намозга айтиладигандек азон айтганларини кўрганман”²⁶⁵;

б) инсон қулоғига илк эшитилган сўзлар тавҳид калималари ва Ислом шиори бўлиши учун;

в) чақалоқ гарчи ҳис қилмаса-да, азон унинг қалбига етиб, ундан таъсирланиши учун;

г) азон айтилганида шайтон алайҳи лаъна қочиши учун, чунки шайтон бола туғилаётганида уни пойлаб туради;

д) унда инсоннинг шайтон устидан ғалаба қилиш маъноси борлиги учун;

е) азон айтишда мусулмон кишининг дунёдаги вазифаси Аллоҳ йўлига даъват қилиш эканига ишора борлиги учун. Аллоҳ таоло айтади: “**Сизлар** (эй Муҳаммад уммати) **яхшиликка буюрадиган, ёмонликдан қайта-**

²⁶⁴ Муттафақун алайҳ.

²⁶⁵ Термизий ривоят қилиб, «ҳасан, саҳиҳ» деган ва Албоний «Ал-ирво»да (1159) шохидлари билан ҳасан деган.

радиган одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз.” (Оли Имрон, 110).

6. Танглай кўтариш

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган ҳолда янги туғилган чақалоқнинг танглайини кўтариш мустаҳаб амалдир.

Танглай кўтариш ва унинг ҳикмати нима?

Танглай кўтариш дегани хурмони чайнаб, сўнг у билан чақалоқ танглайини ишқалаш демақдир. Бунинг учун чайналган хурмодан озгинаси бармоқ учига олинади. Бармоқ учи чақалоқ оғзига киргизилиб, чайналган модда оғизнинг ҳар томонига етиши учун ўнг ва чап тарафга оҳиста ҳаракатлантирилади. Хурмо топилмаса, бошқа ҳар қандай ширинлик бўлса ҳам бўлаверади.

Бунинг ҳикмати янги туғилган чақалоқ тилини ширинлик билан ҳаракатлантириш эвазига оғиз мускулларини кучайтириш бўлиб, бу билан бола кўкрак эмишга тайёрланади. Танглай кўтариш ишини тақводор, солиҳ инсонлар бажаргани яхши²⁶⁶.

Абу Мусо разияллоҳу анҳу деди: “Ўғил фарзанд кўрган-нимда уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга «Иброҳим» деб исм қўйдилар, хурмо билан танглайини кўтардилар, барака тилаб ҳаққига дуо қилиб, қўлимга бердилар”²⁶⁷.

Ойша разияллоҳу анҳо деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига янги туғилган бола олиб

²⁶⁶ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом» китобига қаралсин (1/77).

²⁶⁷ Муттафақун алайҳ.

келинса, барака тилаб ҳаққиға дуо қилар ва танглайини кўтариб қўяр эдилар”²⁶⁸.

7. Чиройли исм қўйиш

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатмаларини амалга оширган ҳолда мусулмон киши фарзандига энг гўзал ва чиройли исм қўйиши керак. Абу Дардо разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Сизлар қиёмат куни ўзингиз ва оталарингизнинг исми билан чақириласиз. Шунинг учун чиройли исм қўйинглар”*, деганлар²⁶⁹.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтишича, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Исмларингиз ичида Аллоҳ азза ва жаллага сеvimлироғи «Абдуллоҳ» ва «Абдурахмон»-дир”*, дедилар²⁷⁰.

8. Ақиқа

Салмон ибн Омир Заббий разияллоҳу анҳу айтади: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: *“Болага (туғилганида) ақиқа қилинади. Унинг номидан қон чиқаринглар ва (сочини олиш билан) ундан азиятни кетказинглар”*»²⁷¹.

²⁶⁸ Абу Довуд ривоят қилган. Шайх Албоний “Тахрижу ал-калими ал-тоййиб” китобида (124): “Санади Бухорий ва Муслим шартига биноан саҳиҳ”, деган.

²⁶⁹ Абу Довуд ҳасан санад билан ривоят қилган.

²⁷⁰ Муслим ривояти.

²⁷¹ Бухорий «Ақиқа» китоби «Боладан озорни кетказиш» бобида ривоят қилган (“Фатҳ ал-Борий”, 9/590).

Умму Курз Хузойя разияллоҳу анҳо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ақиқа тўғрисида сўраганида у зот: “*Ўғил болага иккита қўй ва қиз болага битта қўй сўйилади*”, деб марҳамат қилганлар²⁷².

9. Мукаммал исломий тарбия

Бола тарбияси осон иш эмаслигини ота-оналар яхши билишлари лозим. Ёшлиқдаги тарбия боланинг келгусидаги ҳаёт тарзи ва хулқ-атворини белгилаб берувчи асосий омилдир. Шунинг учун тарбиячи, ота-она бўладими, ўқитувчи-устоз бўладими, тарбия ишига жиддий эътибор қаратиб, унинг қонун-қоидасига тўлиқ риоя этиши керак.

Ўтмишда мусулмонлар фарзанд тарбияси учун энг илмли, гўзал хулқли, илм ва одоб беришда ўзига хос услуби билан ажралиб турган устоз-муаллимларни танлашар эди. Қуйида шулардан айрим намуналар келтирамыз²⁷³:

- Айтишларича, Утба ибн Абу Суфён фарзандини тарбиячига бераётиб бундай деган экан: “Болаларим тарбиясини аввало ўзингни ислоҳ қилишдан бошла. Болаларнинг кўзи сенинг кўзингга боғланган бўлади. Улар сен яхши деб билган нарсани яхши, сен ёмон деб билган нарсани ёмон дейдилар. Уларга ҳақим ва донолар ҳаёт йўлини, адиблар одоб-ахлоқини ўргат. Отангга айтиб берман, деб уларни кўрқит, лекин менсиз жазола. Касалга ташхис қўймай туриб дори беришга шошилмайдиган табибдек бўл. Асло менинг кечиришимга суянма. Зеро, мен уларни сенга ишониб топширдим!”
- Ибн Халдун “Муқаддима” китобида айтади: «Ҳорун ар-Рашид ўғли Аминни тарбиячи қўлига топширатуриб

²⁷² «Сунан» асҳоблари ривоят қилган. Термизий саҳиҳ деган.

²⁷³ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом» китобига қаралсин (1/154-155).

бундай дейди: “Эй Аҳмар, мўминлар амири сенга ўз қалбини, жигарпорасини топширди. Унга меҳрибонлик кўрсат, уни сўзсиз ўзингга итоат этадиган қил. Унга мўминлар амири белгилаб берган тартибда муомала қил: унга Қуръон ўқит, тарихдан хабардор қил, шеър ёдлат, суннатни ўргат, нутқ ва сўзлаш санъатини тушинтир, бемаврид кулишдан тий, унга фойда бўладиган ҳар бир соатни ғанимат бил, ақл-заковатини сўндириб қўядиган даражада уни хафа қилиб қўйма, айни чоғда жуда талтайтириб ҳам юбормаки, бекорчиликни ёқтириб қолмасин. Иложи борича ўзингга яқин тутиб ва мулойимлик билан уни тўғри йўлга сол. Агар мулойимликка кўнмаса, у ҳолда қаттиққўлликни ишга сол!”

- Абдулмалик ибн Марвон ҳам ўғлининг тарбиячисига насихат қилиб, бундай деган эди: “Болаларга Қуръон ўргатганинг каби сидқни ҳам ўргат, уларни гўзал ахлоқли бўлишга унда. Жасур ва олийжаноб бўлишлари учун уларга шеър айтиб бер. Уламолар ва ҳурматли кишилар билан ҳамсуҳбат эт. Одобсиз, пасткаш кишилардан ҳамда (ёмон хулқли) хизматкорлардан уларни узоқ тут. Одамлар ичида ҳурматини жойига қўй, холи қолганда тергаб-койиб тур. Ёлғон гапирсалар, таъзирини бер, чунки ёлғон бузқликка, бузқлик эса дўзахга етаклайди”.
- Ҳажжож ўғилларининг муаллимига шундай деган: “Ёзишни ўргатишдан олдин сузишни ўргат, чунки номларидан ёзиб берадиган кишини топсалар ҳам, ўринларига сузиб берадиган одамни топа олмайдилар”.
- Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху Шом аҳлига ёзган мактубида бундай бир насихат ҳам бор эди: “Болаларингизга сузиш, ўқузиш ва чавандозликни ўргатинглар”.
- Донишмандлардан бири ўғлининг устозига деди: “Олган илмларини мустаҳкам, пишиқ қилмай туриб, бошқа илмга ўтказма. Чунки икки илмнинг қулоқда тўқнашуви ва хаёлда тикилиб қолиши фаҳмни чалғитади”.

- Бола тарбияси тўғрисида донишмандлардан бири шундай дейди: «Бола билан бирга мактабида одобли, юриш-туриши гўзал болалар бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки бола боладан тез ўрганади, унга дарров тақлид қилади ва у билан зерикмайди»
- Ҳишом ибн Абдулмалик ўғлининг тарбиячиси Сулаймон Калбийга деди: “Фарзандим, кўзқорачиғим тарбиясини сенга топширяпман. Аллоҳдан қўрққан ҳолда зиммангдаги бу омонатни тўлиқ адо эт. Энг олдин болага Қуръон ўргат, сўнг яхши шеърлар ёдлат. Сўнг араб қабилаларини таништир, уларнинг яхши шеърларидан олсинлар. Керакли миқдорда ҳалол-ҳаром масалалари, нотиқлик илми ва ғазотлардан хабардор қил”.

Тарбия асослари²⁷⁴

Бола тарбияси билан шуғулланувчилар қўл остидагиларга гўзал тарбия бериш ҳамда умматни иймон иззати ила ерда ҳукмрон бўлган салафи солиҳлар йўлига қайтарадиган авлод тайёрлаш учун исломий тарбия асослари ва унинг қирраларини яхши билишлари лозим. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан: иймоний тарбия

Иймоний тарбиядан мурод эси кирганидан бошлаб болага иймон асосларини тушунтириш, Ислом арконлари ва шариат асосларини ўргатишдир.

Шунга қўра, болага Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қабрдаги савол-жавобга, қабр

²⁷⁴ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом» китобига қаралсин (1/157-412).

азобига, қайта тирилишга, ҳисоб-китобга, жаннат, дўзах ва бошқа ғайб ишларига иймон келтиришдан иборат иймон асосларини ўргатиш лозим.

Шунингдек, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби Исломотларини ўргатиш керак.

Ундан ташқари болага Исломот ҳукмлари, қонун-қоидалари ва низомларидан иборат шарият асосларини ҳам ўргатиш лозим.

Шундай қилинса, ундан қуйидаги натижалар келиб чиқади:

1) Аллоҳни яхши кўриш

Бунинг учун боланинг диққат-эътиборини Аллоҳнинг сон-саноксиз ва битмас-туганмас неъматларига қаратиш лозим.

Мисол учун, ота фарзандлари билан дастурхон атрофида ўтирар экан: “Бизларга бу таомларни ким берган, биласизларми?” деб сўрайди. Болалар: “Ким берган, эй отажон?” дейишса, ота: “Аллоҳ берган”, дейди. Болалар: “Қандай?” деб сўрайдилар. Шунда ота: “Аллоҳ таоло бизга ва барча инсонларга ризқ берувчи Зотдир. Шундай Раббимиз яхши кўришимизга энг ҳақли эмасми?” дейди. Болалар: “Ҳа, албатта ҳақлидир”, деб жавоб беришади.

Дейлик, бола касал бўлиб қолди, Аллоҳ сақласин. Бу ҳолатда ота унга дуо қилишни ўргатиб: “Ўғлим, шифо берувчи Зот ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Шунинг учун касалингга шифо беришини сўраб Аллоҳга дуо қил”, дейди. Кейин болани кўриб қўйиши учун табиб ёки шифокор чақирса ҳам, болага: “Ўғлим, бу табиб шифо топишинг учун бир сабаб холос, аслида шифони Аллоҳ таоло беради”, дейишни унутмаслик керак. Аллоҳ шифо бериб бола соғайиб кетгач эса: “Ўғлим, шифо берган Зот Аллоҳга шукр қилиб, ҳамдлар айт”, дейди ва Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматини тушунтиради.

Шунда бола унга шифо бериб, икром қилган Аллоҳни яхши кўриб қолади.

Шунингдек, ҳар бир ҳолатда ва ҳар қандай неъматга эришилганида болани шу неъматни берган Аллоҳга боғлашга ҳаракат қилаверади, токи бола қалбида Аллоҳни яхши кўриш ҳосил бўлсин.

2) Расулulloҳни яхши кўриш

Бу болага Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари, шижоатлари, вафолари, ҳалимликлари, саховатлари, сабр ва ихлосларини ўргатиш билан рўёбга чиқади. Шунда бола пайғамбарини яхши кўриб қолади.

3) Аллоҳ кўриб турибди деган тушунча пайдо бўлиши

Бола ўзининг ҳар бир ҳаракатию сукунاتини Аллоҳ таоло кузатиб, назорат қилиб турганини билса, Аллоҳ таоло мени кўриб турибди, деб Ундан қўрқади ва Аллоҳнинг розилигини истаб, ҳар бир ишида холис бўлишга интилади.

4) Ҳалол-ҳаромни ўрганиш

Мураббий болага ҳаром ва ҳалол нима эканини ва исломий одобларни ўргатса, бола ҳаромдан четланиб, ҳалолни қиладиган, исломий одобларга риоя қиладиган бўлади.

Хулоса қилиб айтсак, тарбиячи ва ота-оналар зиммасидаги болага иймоний тарбия бериш масъулияти ўта жиддий ва муҳим масъулиятдир. Сабаби, иймоний тарбия барча фазилат ва баркамоллик манбаи, балки боланинг иймон доирасига кириши учун энг асосий тиргақдир. Иймоний тарби-

ясиз бола масъулият нима билмайди, омонатдорлик билан сифатланмайди, унинг мақсади ва ғояси бўлмайди. Юсак инсонийлик маъносини рўёбга чиқара олмайди. Олий қадриятлар ва олийжаноб мақсадлар сари интилмайдими, балки ҳайвонлар сингари қорнини тўйғазиш, нафсини қондириш гамида яшайди. Шаҳват ва лаззат кетидан юради. Безори ва жинойатчи кишилар билан ҳамтовоқ бўлади.

Шунинг учун ота-она ва тарбиячилар фурсатни бой бермай, болани Аллоҳ таолога далолат қиладиган ҳужжат-далиллар, иймонни мустаҳкамлайдиган йўл-йўриқлар билан таъминлаши ва эътиқодини кучайтирадиган нарсаларга диққат-эътиборини тортишлари лозим.

Ёш болаларга тўғри ақидани ўрнатиш ва мустаҳкамлашдаги энг самарали услуб шудир. Бу услубни Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қўллаганлар. Бир куни Абдуллоҳ ибн Аббос Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам билан эшакка мингашиб кетаётганида у зот фурсатдан фойдаланиб унга бундай дейдилар: *“Эй бола, сенга бир неча сўзларни ўргатаман: Аллоҳни сақла (яъни Унинг буйруқларини бажар ва қайтариқларидан тийил), шунда Аллоҳ сени сақлайди. Аллоҳни сақла, шунда У зотни қаршингда топасан. Сўрасанг Аллоҳдан сўра, ёрдам истасанг Аллоҳдан иста. Шуни бил, агар уммат (яъни бутун махлуқот) сенга бирон фойда етказиши учун жамланса ҳам, Аллоҳ (Лавҳул маҳфузда) ёзганидан бошқа нарсани сенга фойда бера олмайди. Агар сенга бирон зарар етказиши учун тўпланса ҳам, Аллоҳ ёзганидан бошқа зарар етказа олмайди. Қаламлар (тақдирни битишидан) кўтарилди ва (тақдир ёзилган) саҳифалар қуриди”*²⁷⁵.

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам таом ейиш асносида қўли товоқнинг ҳар жойига бориб-келаётган болага

²⁷⁵ Аҳмад, Термизий ва Ҳоким ривоят қилган. Албоний «Саҳиҳу ал-жомеъ»да (6/301) 7834 рақам остида саҳиҳ деган.

қараб: “Эй болажон, (таом ейишдан олдин) “бисмиллаҳ” деб айт. Ўнг қўлинг билан ва ўз олдингдан егин”, деб ўргатганлар²⁷⁶.

Иккинчидан: ахлоқий тарбия²⁷⁷

Ахлоқий тарбия деб ахлоқий тамойиллар, инсон юриш-туриши ва ички оламига оид хислат ва фазилатлар тўпламига айтилади. Бола ақлини таний бошлаган илк даврдан бошлаб, то балоғат ёшига етгунига, ҳаёт денгизига шўнғигунига қадар ахлоқий тамойилларни ўзлаштириши, эгаллаши, ўзига сингдириб бориши лозим.

Ахлоқий фазилатлар кишининг мустаҳкам иймони ва соғлом диний тарбиясининг самараси эканида шак-шубҳа йўқ.

Бола гўдаклик чоғидан Аллоҳга бўлган иймон ва қўрқув асосида тарбия топса, Аллоҳ таоло мени кўриб-билиб турибди, деган эътиқодда улғайса, ҳар бир ишида Аллоҳга суянса, ёрдам сўраб Унга ёлворса, ташвиш ва муаммоларидан Аллоҳга шикоят қилса, албатта, унинг табиатида ҳар қандай олий фазилат ва қадриятларни қабул қиладиган, гўзал ва олийжаноб хулқларга тезда одатланадиган малака ва ички истеъдод пайдо бўлади. Чунки унинг қалбида илдиз отган мустаҳкам иймон, виждонидан ўрин олган Аллоҳ мени кўриб-билиб турибди деган эътиқод, зеҳни ва туйғусини эгаллаган ўзини сарҳисоб қилиш, буларнинг барчаси уни ёмон иллатлар, паст ва разил одатлар, жоҳилиятга оид бузук анъаналардан тўсиб туради. Аксинча, яхшиликка

²⁷⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 9/521), Муслим (Нававий шарҳи, 13/393) ривояти.

²⁷⁷ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом» китобига қаралсин (1/177).

интилиш унинг одатига айланади, гўзал хулқлар ва олийжаноб хислатларга ошиқлик унинг ажралмас сифати бўлиб қолади.

Аллоҳ сақласин, агар ҳолат аксинча бўлса, яъни бола тарбияси исломий ақида ва диний таълимдан йироқ бўлса, Аллоҳдан ва диний йўналишдан алоқаси узилган бўлса, у ҳолда, шак-шубҳасиз, ахлоқсизлик ва фисқ-фужур қучоғида ўсиб-улғаяди, динсизлик ва залолат қўйнида вояга етади. Бундай болалар келажакда ўз табиати, мижозидан келиб чиқиб, тубан мақсадлар ортидан юради, нафсига эргашади, шайтон васвасасига учиб, унинг қулига айланади.

Ёмон хулқлар

Болалар орасида тарқалган талай ёмон хулқлар бор. Мураббийлар ва ота-оналар улардан огоҳ бўлишлари, фарзандларини улардан сақлашлари лозим. Жумладан:

1. Ёлғончилик иллоти

Ёлғончилик жуда ёмон хулқдир. Ота-оналар ва тарбиячи устозлар болалар бундай ярамас, ёмон хулққа ўрганиб қолмаслиги учун уларни доим назорат қилиб туришлари лозим.

Динимиз ёлғончиликни мунофиқлик аломатларидан бири санаганининг ўзи унинг нақадар жирканч ва манфур хулқ эканига етарли далилдир.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Кимда тўрт хислат бўлса, ғирт мунофиқ бўлади. Кимда улардан бири бўлса, то уни ташламагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бўлади: омонат топширилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон гапирса*

*ди, аҳдлашса аҳдига вафо қилмайди, тортишиб қолса фожирлик қилади*²⁷⁸.

2. Ўғрилик

Ўғрилик хатари ёлғончиликдан кам эмас. Ислом ахлоқи билан суғорилмаган, иймоний тарбия топмаган жамиятларда ўғрилик кенг тарқалган.

Бола ёшлик чоғидан бошлаб Аллоҳ уни кўриб турганини ҳис этмай, Ундан кўрқмай улғайса, омонатдор бўлишга, ҳақларни ўз эгаларига адо этишга одатланмаса, у ҳолда бора-бора ёлғон гапириш, ўғрилик, хиёнат, бировлар молини ноҳақ ейиш каби иллатларга одатланади, одамлар унинг ўзидан ҳам, ёмон ишларидан ҳам безор бўлиб, барча ундан чўчийдиган бахтсиз ва ярамас кишига айланиб қолади.

Болам бундай аҳволга тушмасин деган ота-она уларнинг қалбига Аллоҳдан кўрқиш туйғусини ва ҳар бир ишни Аллоҳ кўриб турибди деган эътиқодни сингдириши лозим. Ўғрилик, алдов ва хиёнатнинг аянчли натижасини такрор-такрор гапириб, қулоғига қуйиб бориши керак.

3. Сўконғичлик

Бу ҳам энг қабиҳ, ёмон хулқлардан бири бўлиб, болалар ўртасида, хоссатан Қуръон ҳидояти ва исломий муҳитдан узоқда ўсиб-улғайган ўсмирлар орасида кенг ёйилган²⁷⁹.

²⁷⁸ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/89), Муслим (Нававий шарҳи, 1/46) ривояти.

²⁷⁹ Афсус, бу иллат бизнинг жамиятда болалар тугул, катталар орасида ҳам, эркаклар тугул, аёллар орасида ҳам жуда кенг ёйилиб кетди. (Тарж.)

Абдуллоҳ Улвон айтади: “Болалар ўртасида сўкиниш ва ҳақорат қилиш иллатининг кенг тарқалиши сабаби иккита:

Биринчиси ёмон оилавий муҳит.

Бола ота-онасидан сўкиниш, фаҳш ва уят сўзларни эшитса, уларга тақлид қилиб, ичида шу сўзларни қайтариб юради. Бу ҳолат давомий бўлса, бола ҳам шунга одатланиб, сўкадиган, уят сўзларни гапирадиган бўлиб қолади.

Иккинчиси ёмон ҳамроҳлар.

Ота-она назоратсиз кўчага ташлаб қўйилган бола ёмон, безори ва бузуқ болаларга аралашиб юриши натижа-сида қулоғи сўкиниш, ҳақорат ва ёмон сўзларни эшитишга ўрганади, ёмон қилиқларга одатланади, тарбияси бузилади, ахлоқи тубанлашади.

Шунинг учун ота-она ва мураббийлар болани назорат-сиз қолдирмасликлари, кўча боласи бўлиб, ёмонларга қўшилиб кетишидан асрашлари, одамларга чиройли мурожат қилиш, ширинсўзлик ва ёқимли сўз ва иборалар билан сўзлашишда болаларга ўрнак ва намуна бўлишлари лозим!

Шунингдек, ота-оналар инсон шахсиятининг барбод бўлиши, обрў-эътибор йўқолиши, жамият аъзолари ўртасида ўзаро гина-кудурат, душманлик пайдо бўлишида тил офатлари ва сўкинишнинг ёмон оқибатларидан фўзандларини огоҳлантиришлари зарур»²⁸⁰.

Болаларга сўкинишдан қайтарган айрим ҳадисларни айтиб бериш керак. Масалан, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Мусулмонни сўкиш фосиқлик, у билан урушиш куфрдир”*²⁸¹ деганлар.

²⁸⁰ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом», 1/188.

²⁸¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 1/100), Муслим (Нававий шарҳи, 2/54) ривояти.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда эса, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Киши ўз ота-онасини лаънатлаши энг катта гуноҳлардандир*”, дедилар. “Эй Расулуллоҳ, қандай қилиб одам ўз ота-онасини лаънатлайди?” деб сўрашган эди: “*Бировнинг отасини ҳақорат қилади, у ҳам бунинг отасини ҳақорат қилади, бировнинг онасини ҳақорат қилади, у ҳам бунинг онасини ҳақорат қилади*», деб жавоб бердилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам”²⁸².

4. Енгилтаклик ва ахлоқий тубанлик

Абдуллоҳ Улвон айтади: “Енгилтаклик ва ахлоқий тубанлик балоси йигирманчи аср деб номланган ҳозирги даврда мусулмон ўғил-қизлар орасида кенг ёйилган энг хунук ва қабих офатлардандир. Қаерга қараманг, ўсмир йигит ва қизларнинг кўр-кўрона тақлид кетидан юриб, фасод ва фаҳш оқимиға қўшилиб оқиб кетаётганиға гувоҳ бўласиз. Уларни на дин-диёнат, на ақл ва на виждон тўхтата оляпти. Шу даражада динсиз, виждонсиз бўлиб кетишган. Уларнинг тасавурида ҳаёт ўткинчи ҳузур-ҳаловат, шаҳват ва лаззатдан иборат. Шу нарсалар бўлмаса, гўё улар учун ҳаёт тугайди.

Ақлдан холи қуруқ бошнигина кўтариб юрган айримлар рақс тушишни тараққиёт аломати, эркак-аёл бир-бирига аралашиб юришини ўсиш ва ривожланиш белгиси, кўр-кўрона тақлидни эса янгилиниш, қайта тикланиш ўлчови деб ўйлайди. Бунақа ёшлар кураш ва жанг майдонида енгилишдан олдин ўз нафсидан, хоҳиш-истакларидан енгилиб бўлган.

²⁸² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 10/403), Муслим (Нававий шарҳи, 2/83) ривояти.

Ҳаётда қиёфасини хотинларга ўхшатиб олган, суюқоёқлар каби ликиллаб юрадиган, нозланиб гапирадиган ҳезалаклар кўпайди. Ундайларнинг бор-йўқ ғам-ташвиши ўзига ўхшаган тубан бир қизни топиш ва унинг оёғи остига эркаклигини қурбон қилиш, унга ёқиш учун ғуруридан, ўзлигидан воз кечишдир. Бузуқликдан бузуқликка, енгилтакликдан енгилтакликка сакрай-сакрай, охир-оқибат ҳалокатли жарга қулаб ҳаётига яқун ясайдилар»²⁸³.

Шунинг учун мураббий ва устозлар бола тарбиясига жиддий эътибор қаратиши, уларни ёмонлардан узоқ тутиб, яхши ҳамроҳлар даврасига қўшиши зарур. Болани ўз ҳолига ташлаб қўймай, уни бошқариб туриш керак. Унда бир эгрилик сезиб қолса, дарҳол тузатишга, тўғрилашга шошилсин. Акс ҳолда, у ярамас иллат илдиз отиб, болага ўрнашиб қолиши мумкин.

IXLOS
Nashriyoti

²⁸³ «Тарбияту ал-авлоди фий ал-ислом», 1/191.

Ўн тўртинчи сифат

ТАҚВО

“**(Раҳмоннинг суюкли бандалари): «Бизни тақводорларга ўрнак, намуна қил», деб сўрайдилар**” (Фурқон, 74).

Аллоҳ суйган бандалар Парвардигорлари уларга тақво сифатини бериши ва яхши ишларда одамлар эргашидиган пешволар қилишини сўраб дуо-илтижолар қиладилар.

Раббимиз Аллоҳ таоло бизларни тақвога буюриб, деди:

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам қўрқинглар! То Аллоҳга йўлиққунларингизга қадар Исломда маҳкам бўлинглар!” (Оли Имрон, 102);

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинглар ва фақат тўғри сўзларни сўзланглар!” (Аҳзоб, 70);

“Ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ унга ҳар қандай танглиқдан чиқиш йўлини қилиб беради ва уни ўзи ўйламаган, ҳисобга олмаган томондан ризқлантириб қўяди” (Талок, 2-3).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: **“Эй Расулуллоҳ, одамларнинг энг ҳурматга сазовори ким?”** деб сўрашди. Ҳабибимиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Уларнинг энг тақводори”**, дедилар. **“Бу ҳақда сўрамаётган эдик”,** дейишди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Унда Юсуф пайғамбар. У ўзи пайғамбар, (бунинг устига) пайғамбарнинг ўғли ва (бунинг устига) Халилуллоҳнинг набирасидир”**, дедилар. **“Бу ҳақда сўрамаётган эдик”,** дейишди

улар яна. “Мендан араб қабилалари ҳақида сўраяпсизларми? Уларнинг жоҳилиятда (саховат, мурувват, эҳсон ила) яхши бўлганлари Исломга кириб шариат ҳукмлари борасида ҳам олим бўлсалар, шулар ҳурматлидир”, дедилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам²⁸⁴.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: “Дунё тотли ва ям-яшилдир. Аллоҳ таоло сизларни унда (бирингиз кетидан бошқангиз келадиган) халифа қилиб, қандай амал қилишингизни кузатиб туради. Дунё (ёмонликларидан) ҳазир бўлинглар! Аёллар (фитнаси)дан эҳтиёт бўлинглар! Бани Исроилнинг илк фитналаниши ҳам аёллар хусусида бўлган”, дейилган²⁸⁵.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Парвардигоро, Сендан ҳидоят, тақво, покликни ва (одамларга) муҳтож қилмаслигингни (нафс бойлигини) сўрайман”, деб дуо қилар эканлар²⁸⁶.

Адий ибн Ҳотим Тоий разияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бирон ишга қасам ичса, сўнг ундан кўра Аллоҳга тақволироқ ишни кўрса, тақволироғини қилсин», деганларини эшитганман»²⁸⁷.

Абу Умома Боҳилий разияллоҳу анҳу деди: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Видолашув ҳажжи»да хутба қилатуриб, бундай деганларини эшитдим: «Аллоҳдан кўрқинг, беш вақт намозни ўқинг, рамазон рўзасини тутинг, закотингизни беринг ва амирларингизга итоат қилинг, шунда Раббингиз (ҳозирлаб қўйган) жаннатга кирасиз»²⁸⁸.

²⁸⁴ Бухорий ва Муслим ривояти.

²⁸⁵ Муслим ривояти.

²⁸⁶ Муслим ривояти.

²⁸⁷ Муслим ривояти.

²⁸⁸ Термизий ривоят қилиб, «ҳасан, саҳиҳ», деган

Тақво нима?

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу айтади: “Тақво — Аллоҳ таолодан қўрқиш, Қуръонга амал қилиш, (ризқнинг) озига рози бўлиш ва кетар кунга (ўлимга) ҳозирлик кўришдир”.

Аллоҳ суйган бандаларга берилажак мукофотлар

“Ана ўшалар сабр қилганлари сабаб жаннатдаги энг олий даражалар билан мукофотландилар. Улар у ерда салом ва саломатлик билан қарши олиндилар ва жаннатларда абадий қоладилар. Улар қарор топиб ўрнашадиган жаннат нақадар гўзал!” (Фурқон, 75-76).

Ҳа, Аллоҳ таоло суйган бандаларининг мукофоти жаннатдир. Жаннат қасрларида ўтирадилар, сўриларида ёнбошлаб ётадилар, соя-салқинида сайр қиладилар, ноз-неъматларидан баҳраманд бўладилар ва энг муҳими — унда абадий қоладилар.

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“**(Жаннатдаги ҳар бир) чодир ичи ғовак марвариддан иборатдир. Унинг баландлиги олтмиш мил (100 чақирим) бўлиб, ҳар бурчагида мўмин киши учун бошқаларнинг кўзи тушмайдиган жуфтлар бор**”*, дедилар²⁸⁹.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда эса Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Аллоҳ таоло деди: «Солиҳ бандаларим учун шундай нарсалар ҳозирлаб қуйдимки, уни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва инсон хаёлига ҳам келмагандир. Хоҳласангиз, **“Мўминлар***

²⁸⁹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/318) ривояти.

учун ҳозирлаб қўйилган кўзларни қувонтирадиган, кўнгилларни яйратадиган мукофотларни ҳеч бир жонзот билмайди”, оятини ўқинг»²⁹⁰.

Яна Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Жаннатга биринчи бўлиб кирадиган кишилар тўлин ой суратида бўлади. Улар учун у ерда тупуриш, бурун қоқиш, ҳожат ушатиш йўқ. Идишлари тиллодан, тароқлари олтин ва кумушдан, тутатқилари мушк поясидан, терлари эса мушк (ҳиди каби)дир. Уларнинг ҳар бири учун софлигидан болдир иликлари кўриниб турадиган, ораларида ихтилоф ва ёмон кўриш бўлмаган икки хотин бўлади. Қалблари бир (кишининг) қалбидек, эртаю кеч Аллоҳга тасбеҳ айтадилар”²⁹¹.*

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Жаннатга энг биринчи кирадиган жамоа кишилари тўлин ой суратида, улардан кейин кирадиганлар эса энг ёрқин юлдуз суратида бўладилар. Қалблари бир кишининг қалбидек, ўрталарида келишмовчилик ҳам, ёмон кўриш ҳам бўлмайди”²⁹².*

Анас разияллоҳу анҳу деди: *“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нафис ипак матодан тикилган яқтак ҳадя қилинди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ипак кийим кийишдан қайтарар эдилар. Бу ҳолдан одамлар ҳайратланиб турган эди, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот (Аллоҳ) га қасам, Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчаси бундан авлодир», дедилар”²⁹³.*

Саҳл ибн Саъд Соидий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва сал-

²⁹⁰ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/318) ривояти.

²⁹¹ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/319) ривояти.

²⁹² Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/319) ривояти.

²⁹³ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/319) ривояти.

лам: “Жаннатдаги бир қамчи (сиғадиган) жой дунё ва ундаги барча нарсадан яхшидир”, дедилар²⁹⁴.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: “Жаннатда шундай бир дарахт бор, отлиқ киши унинг сояси остида юз йил юриб ҳам босиб ўтолмайди”, дейилган²⁹⁵.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу айтишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирингининг жаннатдаги камон ўқи дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир!” дедилар²⁹⁶.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Жаннат аҳли тепаларидаги олий даража соҳибларини худди сиз осмонда маширқ ёки мағриб томондаги порлоқ юлдузни кўрганнингиз каби кўриб туради. Бу улар ўрталарида (фазилятдаги) тафовут сабаблидир”. Саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ, бу бошқалар эриша олмайдиган пайғамбарлар мартабасими?” деб сўрашган эди, у зот “Ҳа, жоним қўлида бўлган Зот (Аллоҳ)га қасам, Аллоҳга иймон келтирган ва пайғамбарларни тасдиқлаган кишиларнинг ҳам мартабасидир”, дедилар²⁹⁷.

²⁹⁴ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/319) ривояти.

²⁹⁵ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/319) ривояти.

²⁹⁶ Бухорий (“Фатҳ ал-Борий”, 6/320) ривояти.

²⁹⁷ Муттафақун алайҳ.

ХОТИМА

Аммо баъд... Эй мусулмонлар!

Мана шу жаннат, бу эса унга элтадиган йўл. Кеч бўлмай, ажалингиз етиб ўлим келмасидан бурун унга шошилиб қолинг! Ўлим келгач: “Эй Раббимиз, дунёга бизни қайтар. Қилиб юрган ишларимиздан бутунлай бошқача — яхши амалларни қиламиз”, деб зорлансангиз ҳам, гапингиз эшитилмас, талабингиз қондирилмас.

Шундай экан, ҳозироқ чин юракдан тавба қилиб, йўлингизни ўзгартиринг!

Сидқидилдан, холис Аллоҳга юзланинг. *«Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилган банда тавба қилиши учун кечаси қўлини чўзади. Кечаси гуноҳ қилганлар тавба қилиши учун кундузи қўлини чўзади. Қуёш кунботар томондан чиққунига қадар шундай бўлади»*²⁹⁸.

Эй Аллоҳнинг бандалари, жаннат арзон эмас, унга осонликча эришиб бўлмайди. Жаннатнинг баҳоси қимматдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга нидо қилиб: *“Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг матоси қимматдир. Аллоҳнинг матоси жаннатдир”*, деб айтганлар²⁹⁹.

²⁹⁸ Муслим ривояти.

²⁹⁹ Термизий ривоят қилиб, ҳасан деган.

Жаннатга кириш учун давомли равишда жидди-жаҳд, сабр, матонат, садоқат, ихлос, илм ва амалга жуда-жуда муҳтожмиз.

Қани, йўлга тушинг энди, Аллоҳ сиз билан биргадир!

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин.

Фойдаланилган манбалар

1. Куръони карим.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. “Ихё улум ад-дин”, “Шаъб” нашриёти.
3. Албоний. “Одоб аз-зифоф”, “Мактаб ал-исломий” нашриёти.
4. Абул Ҳасан Мовардий. “Адаб ад-дунё вад-дин”, “Ихё ат-турос ал-арабий” нашриёти.
5. Ибн Қаййим. “Иғосат ал-лахфон”, “Мактаба ас-сунна ал-Муҳаммадийя” нашриёти.
6. Албоний. “Таҳзир с-сожид”, “Ал-мактаб ал-исломий” нашриёти.
7. Ироқий. “Таҳриж ал-ихё”.
8. Албоний. “Таҳриж ал-калим ат-таййиб”, “Ал-мактаб ал-исломий” нашриёти.
9. Абдуллоҳ Улвон. “Тарбият ал-авлод фил-Ислом”, “Дор ас-салом” нашриёти.

10. Ҳофиз Мунзирий. “Ат-тарғиб ват-тарҳиб”, “Дор ал-фикр” нашриёти.
11. Ҳофиз ибн Касир. “Тафсир”, “Ал-Ҳалабий” нашриёти.
12. Ҳофиз Асқалоний. “Тақриб ат-тахзиб”, “Дор ал-маърифат” нашриёти.
13. Ҳофиз Асқалоний. “Тахзиб ат-тахзиб”, “Ҳинд” нашриёти.
14. Қуртубий. “Ал-жомеъ ли аҳком ал-Қуръон”, “Ҳинд” нашриёти.
15. Кандеҳловий. “Ҳаёт ас-саҳоба”, “Дор ал-маърифат” нашриёти.
16. Имом Шофеий. “Девон аш-Шофеий”, “Байрут” нашриёти.
17. Нававий. “Риёз ас-солиҳин”, “Муассаса ар-рисола” нашриёти.
18. Ибн Муборак. “Аз-зуҳд”, “Дор Умар ибн Хаттоб” нашриёти.
19. Ибн Ҳажар Ҳайтамий. “Аз-завожир”, “Шаъб” нашриёти.
20. Албоний. “Ас-силсила ас-саҳиҳа”, “Ал-мактаб ал-исломий” нашриёти.
21. Ибн Можа. “Сунан”, Абдулбоқий таҳқиқи, “Дор ал-фикр” нашриёти.

22. Абу Довуд Сижистоний. “Сунан”, “Дор Ихё ас-сунна ан-набавийя” нашриёти.
23. Термизий. “Сунан”, Усмон Абдурахмон таҳқиқи, “Дор ал-фикр” нашриёти.
24. Абу Муҳаммад Доримий. “Сунан”, “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти.
25. Насоий. “Сунан”, Суютий шарҳи, “Ихё-ат-турос ал-арабий” нашриёти.
26. Муҳаммад Исмоил Бухорий. “Саҳиҳ”, “Дор ал-фикр” нашриёти.
27. Албоний. “Саҳиҳ ал-жомеъ”, “Ал-мактаб ал-исломий” нашриёти.
28. Муслим. “Саҳиҳ”, Нававий шарҳи, “Ал-матбаъа ал-мисрийя” нашриёти.
29. Муҳаммад Аҳмад Муқаддам. “Авдат ал-ҳижоб”, “Дор таййиба” нашриёти.
30. Ҳофиз Асқалоний. “Фатҳ ал-Борий”, “Дор ал-фикр” нашриёти.
31. Абдурахмон ибн Ҳасан. “Фатҳ ал-Мажид”, “Дор ихё ат-турос” нашриёти.
32. Саййид Собиқ. “Фикҳ ас-сунна”, “Мактаба ал-муслим” нашриёти.
33. Ибн Манзур. “Лисон ал-араб”, “Дор ал-маориф” нашриёти.

34. Муҳаммад Абдулбоқий. “Ал-луълуъ вал-маржон”, “Дор ихё ат-турос” нашриёти.
35. Ҳайсамий. “Мажмаъ аз-завоид”, “Мактаба ал-Қудс” нашриёти.
36. Ҳофиз ибн Аҳмад Ҳакамий. “Маориж ал-қабул”, “Дор ихё ат-турос ал-арабий” нашриёти.
37. А. Винсинк. “Мифтаҳ кунуз ас-сунна”, Абдулбоқий таржимаси, “Дор ихё ат-турос ал-арабий” нашриёти.
38. Молик. “Муватто”, Абдулбоқий таҳқиқи, “Дор ихё ат-турос ал-арабий” нашриёти.
39. Ваҳид Абдусалом Болий. “Виқоят ал-инсон”, “Дор ал-башир” нашриёти.
40. Ваҳид Абдусалом Болий. “Васф ал-жаннати мин саҳиҳ ас-сунна”, “Мактаба ас-саҳоба” нашриёти, Жидда.
41. Ваҳид Абдусалом Болий. “Васф ан-нор мин саҳиҳ ал-аҳбор”, “Мактаба ас-саҳоба” нашриёти, Жидда.

МУНДАРИЖА

ТАРЖИМОН МУҚАДДИМАСИ	5
МУАЛЛИФ ҲАҚИДА	9
МУҚАДДИМА	11

Биринчи сифат

КАМТАРЛИК	17
Кибр ва мутакаббирлар мазаммат қилинган ривоятлар	21
Мутакаббирларнинг даражалари	22
1. Аллоҳга кибр қилувчилар	22
2. Пайғамбарларга такаббурлик қилувчилар	23
3. Бандаларга такаббурлик қилувчилар	23
Мутакаббирларнинг турлари	24
1. Салтанат, мансаб ва мартабаси билан кибрланадиганлар	24
2. Мол-дунёси билан кибрланадиганлар	25
3. Жисми, қадди-қомати билан кибрланадиганлар	27
4. Илми билан кибрланадиганлар	28
5. Кўрки ва жамоли билан кибрланадиганлар	28

Камтарликнинг фазилатлари.....	29
Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг тавозеларига мисоллар .	31
Саҳобаларнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) тавозеларига мисоллар.....	34

Иккинчи сифат

ҲАЛИМЛИК	37
Ҳалимликнинг фазилати ҳақида келган ҳадислар	38
Ҳалимликнинг фазилати ҳақида келган ривоятлар	41
Ҳалимликка ундовчи сабаблар	43
Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимликларига мисоллар.....	47
Саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг ҳалимликларига мисоллар	50

Учинчи сифат

ТАҲАЖЖУДГА ТУРИШ	53
Таҳажжудга туришнинг фазилати ҳақида келган ҳадислар.....	54
Таҳажжуд намозининг фазилати ҳақида келган ривоятлар.....	60
Таҳажжудга туришни энгиллатувчи омиллар.....	61

Тўртинчи сифат

ДЎЗАХДАН ҚЎРҚИШ.....	65
Дўзахнинг эшиклари	66
Дўзах ўтининг ўта иссиқлиги.....	66
Дўзахнинг ранги.....	67
Дўзахнинг чуқурлиги.....	67
Дўзахнинг занжир ва кишанлари.....	68
Дўзах аҳлининг ичимлиги.....	68
Дўзах аҳлининг таомлари.....	69
Дўзахийлар жасадларининг дағал ва хунук бўлиши	69
Дўзахийларнинг азоби энг енгили	70
Дўзахдаги азоб даражаси фарқли экани	71
Дўзахга бир ботириб олиш дунё роҳатларини унуттириб юбориши.....	71
Дўзах аҳлининг йиғи-сиғиси ва дод-фарёди.....	72
Дўзахга юбориладиган қавмлар.....	73
Қиёмат кунида дўзахнинг гапириши	74
Дўзах аҳлининг кийими.....	74

Жаҳаннамнинг катталиги.....	75
Аллоҳ таолодан қўрқишнинг фазилати.....	75
Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўрқувлари.....	76
Саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг қўрқувлари.....	77

Бешинчи сифат

САРОФ-ХАРАЖАТДА ЎРТАЧАЛИК.....	79
Эҳсоннинг фазли ва бахилликнинг қоралангани ҳақида.....	80
Бахиллик муолажаси.....	87
Исрофгарчиликнинг қораланиши.....	90
Таомланишдаги исроф.....	92

Олтинчи сифат

ЁЛҒИЗ АЛЛОҲГА БАНДАЛИК ҚИЛИШ.....	97
Ибодат нима?.....	97
Биринчи: Баданий ибодатлар.....	98
Намоз.....	98
Рўза.....	102
Руку.....	102
Сажда.....	102
Эътикоф.....	103

Ҳаж	103
Тавоф	104
Иккинчи: Молиявий ибодатлар	104
Закот ва садақа	104
Қурбонлик	105
Назр	106
Учинчи: Қалбий ибодатлар	107
Хушу ва хузу	107
Хокисорлик ва синиқлик	108
Тавозе билан бўйсунуш (ихбот)	108
Муҳаббат	109
Муҳаббат белгилари	111
Муҳаббат нима?	112
Аллоҳ бандани яхши кўришига элтувчи сабаблар	112
Муҳаббат турлари	113
1) Аллоҳни яхши кўриш	113
2) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш	115
3) Аллоҳ учун яхши кўриш	116
4) Аллоҳ билан бирга қўшиб яхши кўриш	117
5) Табиий муҳаббат	118
Таваккул	118
Инобат — Аллоҳга қайтиш	119
Истионат — ёрдам сўраш	119
Хавф — кўрқув	120
Хавфнинг турлари	120
1. Фитрий хавф	120
2. Тааббудий (ибодатга, қулликка хос) хавф	121
Фитрий ва тааббудий хавф ўртасидаги фарқ	122
Ражо — умид қилиш	122
Тўртинчи: Қавлий (тил билан айтиладиган) ибодатлар	123
Қасам	123

1. Аллоҳ билан қасам ичиш	123
1) Дилдан қасд қилинмаган беҳуда қасам	123
2) Каффорат қасами	124
3) Ғамус — ботирувчи қасам	124
2. Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш	126
Аллоҳдан бошқа билан қасам ичишнинг каффорати	127
Эслатма	127
Истиғоса — ёрдам сўраш	127
Истиоза — паноҳ сўраш	128
Дуо	128

Еттинчи сифат

ОДАМ ЎЛДИРИШДАН САҚЛАНИШ	131
Мусулмонни ўлдиришнинг ёмон оқибати	132
Қотилликка томошабин бўлишнинг ёмон оқибати	134
Зимийни ўлдириш ҳаромлиги	135
Ўз жонига қасд қилиш ҳаромлиги	135

Саккизинчи сифат

ЗИНОДАН ЧЕТЛАНИШ	139
Жинсий аъзони зинодан сақлаш	139
Баччабозликдан сақланиш	141
Ҳайвонлар билан қўшилишдан сақланиш	142

Ҳайз пайтида аёлига қўшилиш	143
Аъзоларни зинодан сақлаш	143

Тўққизинчи сифат

ТАВБА ҚИЛИШ	145
Салафлар тавба ҳақида	153
Тавбанинг қабул бўлиш шартлари	155
Биринчи шарт: Гуноҳдан тўхташ	156
Иккинчи шарт: Қилган гуноҳига афсус-надомат чекиш	158
Учинчи шарт: Қайта гуноҳ қилмасликка азм-қарор қилиш	158
Тўртинчи шарт: Зиммасидаги бировнинг ҳаққидан қутулиш	159
Тавба қилувчиларнинг даражалари	160

Ўнинчи сифат

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРМАСЛИК	163
--------------------------------	-----

Ўн биринчи сифат

ЛАҒВ-БЕҲУДА ИШЛАРДАН ЮЗ ЎГИРИШ	167
Биринчи ном: лаҳв, беҳуда сўз	169
Иккинчи ном: ёлғон, лағв	170
Тўртинчи ном: ботил	170

Бешинчи ном: хуштак ва чапак	172
Олтинчи ном: зинога чорловчи	172
Еттинчи ном: нифоқ ундирувчи	173
Саккизинчи ном: шайтоннинг қуръони	174
Тўққизинчи ном: аҳмоқ товуш	175
Фуқаҳоларнинг куй-қўшиқ ҳақидаги сўзлари	175

Ўн иккинчи сифат

АЛЛОҲНИНГ АМРИГА БЎЙСУНИШ	177
--	-----

Ўн учинчи сифат

ХОТИН ВА ЗУРРИЁТНИНГ СОЛИҲЛИГИНИ ТИЛАБ ДУО ҚИЛИШ	183
---	-----

Солиҳа хотиннинг фазилати	184
Солиҳа хотинга эришиш йўллари	185
1. Дуо	185
2. Диндор аёл танлаш	185
3. Истихора қилиш	186
4. Аёлига динни ўргатиш.....	187
Солиҳ фарзандга эришиш йўллари	188
1. Фарзандлар учун она танлаш	188
2. Дуо	195
3. Уйланганда айтиладиган дуо.....	195

4. Аёлига қўшилиш олдидан айтиладиган дуо	195
5. Янги туғилган чақалоқ қулоғига азон айтиш	196
6. Танглай кўтариш	197
7. Чиройли исм қўйиш	198
8. Ақиқа	198
9. Мукаммал исломий тарбия	199
Тарбия асослари	201
Биринчидан: иймоний тарбия	201
1) Аллоҳни яхши кўриш	202
2) Расулulloҳни яхши кўриш	203
3) Аллоҳ кўриб турибди деган тушунча пайдо бўлиши	203
4) Ҳалол-ҳаромни ўрганиш	203
Иккинчидан: ахлоқий тарбия	205
Ёмон хулқлар	206
1. Ёлғончилик илллати	206
2. Ўғрилиқ	207
3. Сўконғичлик	207
4. Енгилтаклик ва ахлоқий тубанлик	209

Ўн тўртинчи сифат

ТАҚВО	211
Тақво нима?	213
Аллоҳ суйган бандаларга берилажак мукофотлар	213
ХОТИМА	217
Фойдаланилган манбалар	219

Ваҳид ибн Абдуссалом Болий

Аллоҳ суйган бандалар

1441 ҳ. – 2020 м.



[f /IxlosOrg](#) [v /IxlosTV](#) [@ /Ixlos_Org](#)